

# edu.profedu.uz

## Методик таъминлаш платформаси



### Платформанинг асосий саифалари:

Ўқув-меъёрий ҳужжатлар;  
Дарслеклар;  
Ўқув қўлланмалар;  
Қўшимча адабиётлар;  
Ўқитиш материаллари тўплами;  
Қисқа муддатли курслар;  
Методик тавсиялар;  
Методик йўриқномалар;  
Видео ресурслар;  
Инфографикалар;  
Сиз учун фойдали;  
Муҳокама учун.

Ушбу ахборот тизими профессионал таълим муассасаларига онлайн методик таъминотни амалга оширади



[prof-talim.edu.uz](http://prof-talim.edu.uz)

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг академик лицейлар ва профессионал таълим муассасалари платформаси



[cgvet.uz](http://cgvet.uz)

Катталарга таълим бериш ва ўқитиш халқаро дастuri бўйича онлайн макала ошириш платформаси



[help.edu.uz](http://help.edu.uz)

Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим тизимига оид энг кўп бериладиган саволларга жавоблар портали



PROFESSIONAL TA'LIMNI  
RIVOJLANTIRISH  
INSTITUTI



[edu.profedu.uz](http://edu.profedu.uz)

Профессионал таълим муассасалари раҳбар ва педагог ходимларининг фаoliyatiни методик таъминлаш платформаси



[my.moqt.uz](http://my.moqt.uz)

Профессионал таълимнинг масоғавий малака ошириш ва қайта тайёрлаш платформаси



[vacancy.edu.uz](http://vacancy.edu.uz)

Олий ва профессионал таълим муассасаларида мавжуд бўш иш ўрнинларига ҳужжатларни онлайн юбориш платформаси



# Ўзбекистонда профессионал таълим

Профессиональное образование в Узбекистане  
Vocational education in Uzbekistan



**"ДУНЁДА ЭНГ КАТТА БОЙЛИК - ЁШЛИКДА  
ОЛИНГАН БИЛИМ ВА ЭГАЛЛАГАН  
КАСБ-У ҲУНАРДИР".**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## **ЎЗБЕКИСТОНДА - ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ -**

**2023 йил, 4-сон**

Таҳрир ҳайъати раиси

**Комилжон Каримов**

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг  
биринчи ўринbosари

Бош муҳаррир

**Зайниддин Худайбердиев**

Профессионал таълимни ривожлантириш  
институти директори

Таҳрир кенгashi аъзолари:

**Рисбай Джураев**

**Қаландар Абдураҳмонов**

**Валерий Голубовский**

**Қаҳрамон Олимов**

**Нарзулла Муслимов**

**Екатерина Артамонова**

**Санобар Ашуррова**

**Марина Уразова**

Муассис:

**Ўзбекистон Республикаси Олий таълим,  
фан ва инновациялар вазирлиги  
хузуридаги Профессионал таълимни  
 rivожлантириш институти**

Манзил:

**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,  
2-чимбой кўчаси, 96-уй.**

Телефон: 71-246-90-37

E-mail: pedagoginnovatsiyalar@edu.uz

Журнал Ўзбекистондаги профессионал  
таълим муассасаларига тарқатилади.

Ижодий жамоа:

**Нодир Юсупов**

**Хусан Нишонов**

**Дониёр Тешаев**

Дизайнер ва саҳифаловчи  
**Абдималик Абрайқулов**

Мазкур журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлигидан 2022 йил 24 апрель куни №1591  
раками гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида  
рўйхатдан ўтказилган ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонасидан  
2181-38-41 рақами ISSN олинган бўлиб, обуна индекси: 1396.

Шунингдек, "Ўзбекистонда профессионал таълим" журнали  
Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2023 йил 29 августдаги  
342/2-сон қарори билан рўйхатдан ўтказилган.

Адади 1000 нусха. Буюртма №001

## **ҲУРМАТЛИ ЖУРНАЛХОНЛАР!**

"Ўзбекистонда профессионал таълим"  
журнали таҳририяти сизни ўзаро  
ҳамкорликка таклиф этади.

Журналимиз саҳифаларида  
профессионал таълим тизимини  
ривожлантиришга, ўқув жараёнини  
такомиллаштиришга қаратилган  
илмий-услубий, таҳлилий мақолалар  
нашр этилади.

Профессионал таълимда қўлланилаётган  
инновацион технологиялар, касб-хунар  
урғанишга оид методик тавсиялар  
ҳақида, шунингдек, жорий этилган  
илғор тажрибалар ҳамда тизимда  
амалга оширилаётган ибратли ишлар ва  
янгиликлар ҳақида ўз фикрларингизни  
биз билан ўртоқлашишингиз мумкин.

Ҳурматли профессионал таълим  
фидойилари, устозлар!

Таҳририятимиз сиз билан ҳамкорлик  
қилишдан жуда мамнун.  
Мақолаларингизни қуидаги манзиллар  
орқали бизга юборинг,  
тажрибаларингизни ҳамкасбларингиз  
билин бўлишинг!

Телефон: +99871-227-19-24  
Мобиль: +99898-210-88-58  
E-mail: pedagoginnovatsiyalar@edu.uz

**Обуна индекси 1396**



# ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КРЕДИТ-МОДУЛ ТИЗИМИНИ ЖОРӢӢ ЭТИШНИНГ ӮЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Зайниддин Худайбердиев

Профессионал таълимни ривожлантириш институти директори,  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**Аннотация.**

Таълим жараёнлари доимо янгилик ва янгиланишларни талаб этади. Унинг ҳар бир босқичида миллий тамойиллар билан уйғунлиқда халқаро меъёр ва тажрибалар, стандартларни ҳам жорӣ этиш таълим самарадорлигининг ўсишига омил бўлади. Хорижда таълим тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисоблананаётган ECTS (European Credit Transfer System) тизими, республикамиз профессионал таълим тизимида ECTS, яъни ўқитишнинг кредит-модул тизимини жорӣ қилиш қандай тартибда амалга оширилиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, профессионал таълимда бу тизимни жорӣ қилишнинг ӯзига хос мақсад-вазифалари, тамойиллари мавжуд.

**Калит сўзлар.**

профессионал таълим, кредит-модул, ўқув режаси ва ўқув дастури, ECTS (European Credit Transfer System)

**Аннотация.**

Образовательные процессы всегда требуют инноваций и обновлений. Внедрение международных норм, опыта и стандартов в гармонии с национальными принципами на каждом его этапе является фактором роста эффективности образования. ECTS (Европейская кредитно-модульная система обучения), которая считается важной составляющей системы образования за рубежом, представлена информация о том, как внедрить ECTS, то есть кредитно-модульную систему обучения, в системе профессионального образования нашей республики. Также имеются конкретные цели и принципы внедрения данной системы в профессиональное образование.

**Ключевые**

спрофессиональное образование, кредитный модуль, учебная программа и учебная программа, ECTS (European Credit Transfer System).

**Abstract.**

Educational processes always require innovations and updates. The introduction of international norms and experiences and standards in harmony with national principles at each of its stages is a factor in the growth of educational efficiency. ECTS (European Credit Transfer System), which is considered an important component of the education system abroad, information on how to implement ECTS, that is, the credit-module system of education in the professional education system of our republic, is presented. Also, there are specific objectives and principles of introducing this system in professional education.

**Key words.**

professional education, credit module, curriculum and curriculum, ECTS (European Credit Transfer System)

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ўқитишнинг кредит-модул тизимини жорӣ этиш меҳнат бозорига рақобатбардош кадрлар тайёрлаш сифатини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши сифатида қаралмоқда. Хорижда ECTS (European Credit Transfer System) тизими таълим тизимининг муҳим таркибий қисми ҳи-



собланади. Ҳар бир ўқув фанига юклама ҳажмидан, келгусидаги қасбий фаолияти учун муҳимлигидан келиб чиқиб кредит бали белгиланади. Таълим олувчи ҳар бир фанни муваффақиятли ўзлаштирган тақдирда белгиланган кредитларни олади ва бу кредитлар йиғиндиси унга мос бўлган таълим даражасини олишга имкон беради.

Республикамизда ҳам профессионал таълим тизимида олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар, меҳнат бозорини рақобатбардош малакали кадрлар билан таъминлаш жараёнини тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда ўқитишнинг кредит-модул тизимини жорий этиш дол зарб аҳамиятга эга эканлигини анлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги 466-сон “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-хўқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида халқаро таснифлагич даражалари билан уйғунлашган табақалаштирилган таълим дастурларини ҳамда ўқитишнинг кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий этиш профессионал таълимнинг мақсади ва вазифаси сифатида белгиланган [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 7 декабрдаги 648-сон “Профессионал таълимда кредит-модул тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, унда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган [2]:

ўрта бўғин кадрлар тайёрлашда кредит-модул тизими бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва таълим сифатини таъминлаш;

ўқувчилар томонидан ўқув йили ва семестр давомида тўпланадиган кредитлар миқдори ва ўзлаштириш лозим бўлган фанларни белгилаш;

ўрта бўғин кадрларни тайёрлашда кредит-модул тизимини босқичма-босқич

жорий этиш ҳамда ўқувчилар ўзлаштиришини баҳолаш;

ўқувчилар академик мобиллиги ҳамда кредитларни тан олишни амалга ошириш, кредит-модул тизимида рўйхатга олиш хизматини ташкил этиш.

Кредит-модул тизими, бу – таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади. Кредит-модул тамойилида иккита асосий масалага аҳамият берилади: таълим олувчиларнинг мустақил ишлашини таъминлаш; таълим олувчилар билимини рейтинг асосида баҳолаш [3].

Кредит-модул тизими модулли таълим технологиялари ва ECTS кредитлари бирлигida ўқув жараёнини қуйидаги тамойилларга асосланган ҳолда ташкил этиш модели сифатида белгиланади [6]:

- Компетенцияга асосланган ёндашувни амалга ошириш;
- Табақалаштирилган таълим дастурларини жорий этиш;
- Кўп босқичли таълим тизимига ўтиш.
- Муайян соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлашнинг ихтисослашувини амалга оширувчи ўқув дастурини қуришда модулли ёндашувни қўллаш.

Санаб ўтилган тамойиллар кредит-модул тизимининг мобиллик, демократиявийлик ва сифатни таъминлаш каби ўзига хос хусусиятларини белгилайди, улар замонавий жамият динамикаси шароитида таълимнинг шаклланган малака тизимига нисбатан кредит-модул тизимининг афзаллilikлари сифатида қаралади.

Ўқув жараёнини ташкил этишнинг кредит-модул тизими қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни назарда тутади:

- ҳар бир модул мазмунининг ўзлаштирилишини назорат қилиш билан бирга фан материалини модулларга бўлиш;
- билимларни баҳолашда қўлланилайдиган тўрт балли шкалага нисбатан кенгроқ шкаладан фойдаланиш;
- билимларни баҳолашнинг холисли-

гини ошириш;

- бутун ўқув жараёни давомида ўқувчилик тизими мустақил ишларини рағбатлантириш;
- таълимда соғлом рақобатни жорий этиш.

Шунингдек, профессионал таълимда кредит тизимидан фойдаланиш қуидаги мақсадларда ўқув жараёнини ижобий ўзгартириш имкониятини беради:

- ўқувчиларга индивидуал ўқув режаларини тузиш, фанларни ўзлаштириш кетма-кетлигини эркин белгилаш, шахсий семестр ўқув машғулотлари жадвалларини мустақил равишда тузиш имкониятини берувчи ўқув жараёнини индивидуал йўналтирилган ҳолда ташкил этиш;
- ўқувчилар ўқув фаолияти натижаларини баҳолашнинг балл-рейтинг тизимини рағбатлантириш;
- таълим мазмуни бўйича ўқув режалари, дастурлари ва стандартларини шакллантириш ва узлуксиз ривожлантириш;
- ўқитувчиларга академик эркинлик, шу жумладан ўқитиш усулларини эркин танлаш ҳуқуқини бериш;
- таълим учун тўловлар ва ўқитувчиларнинг иш ҳақи миқдорининг иқтисодий ҳисоб-китоблари.

Шубҳасиз, кредит-модул тизимининг барча ушбу афзалликларини амалга оширишнинг муҳим шарти таълим тизимида қуидаги принципиал жиҳатдан янги тушунчалар ва тизим тоифаларини ўз ичига олган тегишли тоифали аппаратни ўзлаштиришdir: асосий таълим дастури (АТД), дидактик бирлик, кредит тизим, кредит (академик кредит, ECTS кредити, кредит бирлиги), алоқа соати, ECTS (European Credit Transfer System), ўқув дастури таркибий қисмларининг мураккаблиги, ўқув жараёни модули, ўқув фанининг модули, ўқувчининг индивидуал ўқув режаси, рейтинг назорати, ўқувчи рейтинги, тугатиш сессияси ва ҳ.к.[4].

Ўқув жараёнини режалаштириш қуидаги босқичлардан иборат бўлади [2]:

- ўқув режаси ва ўқув дастурини ишлаб чиқиш;

- ишчи ўқув режаси ҳамда фанларнинг ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш;
- танлов фанлари рўйхатига мос равиша ўқув-методик бўлим (ёки бўлим бошлиғи) назорати остида ўқувчиларнинг шахсий таълим траекториясини шакллантириш;
- академик гурӯҳлар бўйича ўқув машғулотлари жадвалини тузиш.

Ўқув режасига ўқувчилар томонидан ихтиёрий равиша ўзлаштириладиган қўшимча кредитлар ажратиладиган таълим элементлари киритилади. Ўқувчининг жамоат ишларидаги фаоллиги, касбий тадбирлар, касбига оид фаолиятдаги иштироки ҳамда соҳа мутахассислари томонидан ўтказиладиган қисқа муддатли курслардаги иштироки рағбатлантирилиб, кредитлар ажратилади.

Кредит-модул тизими бўйича ўқитиш назариясида модул "маълум касбий билим, қобилият ва кўникмаларни шакллантириш учун етарли бўлган таълим маълумотларининг нисбатан мустақил қисми" [7] деб таърифланган. Модул асосий ва ўзгарувчан қисмларга бўлинади. Модулнинг асосий қисми мажбурий бажарилади, ўзгарувчан қисми эса ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятлари ва қизиқишиларидан келиб чиқсан ҳолда танлаш ҳуқуқини беради. Ўқув режасида акс эттирилган ҳар бир модулнинг мазмуни мақсад ва вазифаларга, ўқитиш усуллари ва шаклларига, баҳолаш усуллари, шакллари ва мезонларига мувофиқ тузилиши керак.

Ўқитишга модулли ёндашувни татбиқ этиш асосий таълим дастурини (АТД) янги услубий усулда лойиҳалашни талаб қиласди. Мутахассислик (кадрлар тайёрлаш йўналиши) бўйича АТД бу тарбия ва таълим жараёнини амалга оширишнинг мақсадлари, мазмуни ва усулларини белгилайдиган ва профессионал таълимнинг Давлат таълим стандарти асосида ишлаб чиқилган ўқув фанларининг намунавий ўқув режаси ва намунали дастурларини ҳисобга олган ҳолда тегишли мутахассислик (таълим йўналиши) бўйича норматив хужжатлар тўпламидан иборатdir [5].

Дидактик бирлик бу АТДнинг элементар таркибий қисми, маълум бир ўқув фани соҳасида ўрнатилган сабаб-оқибат муносабатларига эга элементар таълим натижалари тўпламидир. У аниқ белгиланган мақсад маълум бир компетенцияни ёки муайян компетенцияни шакллантириш учун зарур бўлган элементни ва уни амалга ошириш учун маълум ресурслар тўпламини шакллантириш билан тавсифланади [6].

АТДни ўзлаштиришни ташкил этишнинг модул тизими таълим жараёнининг иккита асосий элементини ўз ичига олади: ўқув жараёни модули ва АТД ўқув фани модули.

Ўқув жараёнининг модули таълим маконини ўзлаштириш йўналишларидан бири, АТДнинг алоҳида қисмидир. Бу белгиланган муддатга эга бўлган ўқув жараёнининг таркибий элементи бўлиб, унинг давомида ўқув фанларининг маълум миқдордаги белгиланган модулларини ўқитиш тўлиқ ёки қисман якунланади.

Ўқув фанининг модули бу ўқув курсининг алоҳида бўлаги, маъруза ва семинарларда ўзлаштирилган бир нечта ўқув мавзуларини бирлаштирган тематик блок. Ўқув интизоми модули маълум бир ўқув фанини белгиланган меҳнат сарфлари билан ўқитишнинг таркибий элементидир. Ўқув фанининг барча модуллари учун меҳнат сарфлари алоқа соатларида ўрнатилади. Ўқув фанининг барча модуллари бўйича меҳнат сарфлари йиғиндиси ушбу фаннинг алоқа соатларидаги меҳнат сарфларига teng. Ўқув фанининг якуний модули учун кредитлардаги меҳнат сарфлари ҳам ушбу фан бўйича кредитлар сонига teng қилиб белгиланади.

Кредит-модул тизими ўқувчиларга ўрганиш ва ўзлаштириш учун керакли миқдордаги ўқув фанларини танлаш, уларни маълум вақт ичida ўзлаштириш бўйича мажбуриятларни олиш имконини беради, модул назоратининг объектив маълумотлари, ягона кредит тизимига асосланган имтиҳон бундан далолат беради.

Ҳар бир мутахассислик бўйича танла-

ган ўқув фанлари ва уларнинг таркибий модуллари рўйхати ўз вақтида аниқланади ва эълон қилинади, бунда уларнинг меҳнат сарфлари алоқа соатлари ва кредитларда кўрсатилади, шунга асосланиб ўқувчи ўз хоҳишига кўра индивидуал таълим траекториясини танлайди ва рухсат этилган танлов шартларининг белгиланган тартибида кўрсатилган чегаралар доирасида индивидуал ўқув режаси шакллантирилади.

КМТда шаклланган терминологияни ҳисобга олган ҳолда, ўқувчилар ва ўқитувчилар учун умумий ўқув режаси мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги асосида ўқув жараёнининг ташкилий турлари икки синфга бўлинади: синхрон ва асинхрон [7].

Ўқув жараёнини асинхрон ташкил этиш ўқувчига ўқув материалини дарс жадвалида олдиндан белгиланмаган, ўзи учун қулай бўлган исталган вақтда ўзлаштириш имкониятини беради. Ўқув жараёнининг асинхрон ташкил этилиши ўқувчи интерактив таълим муҳити билан ишлаганда масофавий ва сиртқи таълим учун энг хосдир. Таълим жараёнини асинхрон ташкил этиш, одатда, ўзини-ўзи таъминламайди ва амалиётда таълимни синхрон ташкил этиш билан биргаликда қўлланилади.

Ўқув жараёнини синхрон ташкил этиш ўқитувчилар ва ўқувчилар учун умумий ўқув машғулотлари жадвалининг мавжудлигини назарда тутади. Таълим муассасига қабул қилинганда ўқувчилар ўқув гуруҳлари (синфлари) ва оқимларига бирлаштирилиши ёки бирлаштирилмаслиги мумкин. Бунга қараб, таълим жараёнини синхрон ташкил этиш қўйидаги турларга бўлинади: оқимли-гуруҳли, гуруҳли, индивидуал йўналтирилган.

Ўқув жараёнини кредит-модулли ташкил этишни шахсий касб-хунар таълими маконини шакллантириш имконияти билан ўқувчининг касбий дастурларни ўзлаштиришнинг сифат ва миқдорий хусусиятлари интеграциялашувини таъминлайдиган технология сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Кредитлар ва таълим модуллари ҳар

бир ўқувчига компетенция, малака, яъни умрбод таълим олишда касбий маҳоратни эгаллаш имкониятини таъминлаб бе-рувчи асосий таянчdir.

Глобаллашув, алгоритмлаштириш, индивидуаллаштириш технологиянинг асосий хусусиятлари ҳисобланади. Шу билан бирга, алгоритмлаштириш ва глобаллашув универсал хусусиятларни, индивидуаллаштириш эса ўзгарувчанликни фаоллаштиради.

Шундай қилиб, кредитли таълим бу компетенцияга асосланган ёндашувга асосланган педагогик технология бўлиб, унинг алгоритми иккита векторни ўз ичига олади: таълим модуллари кўринишидаги таркибни ташкил қилиш вектори ва шахсий фазилат си-

фатида касбий маҳоратга эга бўлиш вектори.

Профессионал таълим муассасаларида кредит-модул тизимининг жорий этилиши ўқитувчи ва таълим оловчи-ларнинг ҳамкорликдаги фаолияти самародорлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Модулли таълимда педагог таълим оловчининг касбий фаолиятни ўзлаштириш жараёнини ташкил этади, бошқаради, маслаҳат беради, текширади. Ўқувчилар эса йўналтирилган обьект томон мустақил ҳаракат қилади. Ўқув жараёнидаги мустақил таълим олишнинг аҳамияти ортади ва бу келажақда мутахассисларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ҳамда фаоллигини оширишга олиб келади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.08.2020 й. 466-сон "Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизимини тартибга соловчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.12.2023 й. 648-сон "Профессионал таълимда кредит-модул тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.
3. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модул тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. - Тошкент, ТКТИ, 2020. - 120 бет.
4. Уразгалиева Р.И. «Кредитно-модульная система организации обучения как фактор формирования умений самообразовательной деятельности студента». Автореф. Дисс к.п.н., - Оренбург. - 2010.
5. Ўринов В. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модул тизими: асосий тушунчалар ва қоидалар. Қўлланма. Эл-юрт умиди жамғармаси ва Республика Олий Таълим Кенгаши билан ҳамкорликда. 2020 й. -64 б.
6. European Commission ECTS Guide of 2015. Available at [https://ec.europa.eu/education/ects/users-guide/docs/ects-users-guide\\_en.pdf](https://ec.europa.eu/education/ects/users-guide/docs/ects-users-guide_en.pdf).
7. Robert Wagenaar, A History of ECTS, 1989-2019. Developing a World Standard for Credit Transfer and Accumulation in Higher Education. International Tuning Academy, 2020. Available at [https://www.rug.nl/research/portal/files/111591811/A\\_History\\_of\\_ECTS\\_1989\\_2019\\_PDF.pdf](https://www.rug.nl/research/portal/files/111591811/A_History_of_ECTS_1989_2019_PDF.pdf).

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕТОДИКАСИ

**Эргашев Шариббой Туланович**

Наманган муҳандислик-қурилиш институти ректори,  
техника фанлари номзоди, профессор.

**Аннотация.**

Мақолада касбга йўналтиришнинг бугунги кундаги муаммолари ва уларнинг ечимлари тўғрисида таклиф ва тавсиялар берилган. Узлуксиз таълим тизимида касбга йўналтиришда фанлар ва уларнинг мавзуларидағи узвийлик ҳамда узлуксизлик билан ўзаро боғлаш орқали касбга қизиқтириш методикаси келтирилган.

**Калит сўзлар.**

касбга йўналтириш, узлуксиз таълим, касбга қизиқтириш, шахсга йўналтирилган таълим.

**Аннотация.**

В статье содержатся предложения и рекомендации по современным проблемам профориентации и их решениям. В системе обучения без ринга методика интереса к профессии представлена соединением связности и преемственности в предметах и их темах.

**Ключевые**

слова. профориентация, непрерывное образование, профориентация, личностно-ориентированное образование

**Abstract.**

The article contains suggestions and recommendations about today's problems of career guidance and their solutions. In the system of education without a ring, the methodology of interest in the profession is presented by connecting with coherence and continuity in subjects and their topics.

**Key words.**

vocational guidance, continuing education, vocational training, person-oriented education.

Жаҳонда таълим сифати ва самара-дорлигини ошириш, талабаларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлаш жараёнларида педагогик ёндашувлардан кенг миқёсда фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги жадал ўзгаришлар таълим тизимини такомиллаштириш муаммоларини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратишни талаб қиласди. Бунда, табиий-илмий, умумкасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясини таъминлаш, талабаларда ҳодиса ва жараёнларни инновацион технологиялар орқали лойихалаш, конструкциялаш, тадқиқотчилик каби компетенцияларни шакллантириш ҳамда касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳондаги етакчи давлатларнинг пе-

дагогик тажрибаларига асосан бўлажак муҳандисларнинг технологик жараёнларнинг инновацион моделини қуриш асосида зарурий касбий компетенцияларини шакллантириш, лойихалаш, конструкциялаш ва тадқиқотчилик фаолияти турларига тайёрлаш муҳим ўрин эгаллади. Жумладан, фанлараро интеграция асосида ўқитишнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш, ҳодиса ва жараёнларнинг фаолиятли, математик ва стратегик ёндашувларга асосланиши алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, олий таълим муассасаларида технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш таълим йўналиши талабаларини инновацион технологиялар асосида касбий фаолият турларига тайёрлашда дастурий воситалар, таълим

методлари ва технологияларидан самарали фойдаланиш орқали меҳнат бозори талабларига мувофиқ лойиҳалаш, конструкторлик, тадқиқотчилик каби касбий компетенцияларини шакллантириш зарурати мавжуд.

Касб-хунар таълимининг шаклланиши ва ривожланиш жараёни, қонуниятлари ва тенденциялари ҳамда таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш муаммолари Р.Х.Джураев, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, Ш.Э.Курбонов, А.Р.Ходжабоев, Д.Ж.Шарипова, Ш.С.Шарипов, С.Қ.Қаххоров, М.Б.Уразова, О.А.Құйсинов ва бошқа маҳаллий педагог олимлар томонидан тадқиқ этилганини, шу билан бирга касб-хунар таълимининг ривожланиши бўйича МДҲ олимларидан С.Я.Батишев, А.П.Беляева, К.Я.Вазина, Б.С.Герцхунский, Э.Ф.Зеер, М.М.Зиновкина, С.М.Маркова, Ю.Н.Петров, Д.В.Чернилевский, В.А.Веников, Б.А.Глинский, А.А.Зиновев, В.А.Стофф ва бошқалар илмий изланиш олиб борганлар. Уларнинг олиб борган ишлари таҳлили шуни кўрсатадики, талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини ишлаб чиқишида бевосита инновацион технологияларга асосланниш мақсадга мувофиқдир. Касбга йўналтириш муаммоси бўйича янги методика, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Олий таълим муассасасида касбий фаолият нуқтаи назаридан мавжуд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, таълим жараёнида ташкил қилинадиган касбий фаолият ўзининг мазмуни ва йўналишига кўра талабага фақат идеалликка нисбатан тайёр маълумотларни тақдим этади, бунда эса талабада касбий фаолиятдаги мавжуд моделни назарий жиҳатдан тушуниш шаклланмайди, унинг эвристик функцияси ҳақида тасаввур пайдо бўлмайди. Бўлажак мутахассис асл касбий ҳолатни мустақил излаш ва унинг моделинни қуриш, модел билан тажриба-синов ўтказишига ва бир қатор касбий масалаларни ечишида йўналиш олиши керак бўлган ахборотни олиши лозим бўлади.

Ушбу ёндашув кўп ўлчовли ва кўп босқичли жараён бўлиб, уни қуидагида кўриш мумкин:

Касб-хунарга йўналтириш назарияси ва амалиёти бўйича тўплangan материалларни таҳлил қилиш, шунга қўшимча маҳсус тадқиқотларимиз шахсга йўналтирилган ихтисослаштирилган таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратилган асосий концептуал қоидаларни аниқ ажратиб, кўрсатиб ўтиш имконини беради.

1) жамиятнинг шахс олдига қўйган туркум вазифалари тўплами – социологик ёндашув;

2) шахснинг ўз имтиёзлари ва жамиятда меҳнат тақсимоти тизими эҳтиёжлари орасидаги мувозанатни шакллантирадиган ечимларни босқичма-босқич ишлаб чиқиш жараёнидир – ижтимоий-психологик ва ижтимоий-иқтисодий ёндашувлар;

3) шахснинг ўзига хос турмуш тарзини шакллантириш жараёни, бунда касбий фаолият шахс турмуш тарзининг бир қисмини ташкил қилиб туради – дифференциал психологик ёндашув [9].

Шахсга йўналтирилган ихтисослаштирилган йўналтириш барча ўқувчиларни ўқитиши, тарбиялаш ва уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришга йўналтиришни назарда тутади:

- ёшга оид, физиологик, психологик, интеллектуал хусусиятлар;
- шахсий эҳтиёжлар, ўқувчининг мавжуд дастур материалининг турли мурракаблик даражаларига йўналганлиги;
- билими, қобилияти ва у ёки бу касбий йўналганлигидан келиб чиқиб болаларни гуруҳларга бўлиш;
- болалар ўзлаштиришлари, қобилиятлари, у ёки бу касбга йўналганликларига қараб гуруҳларга тақсимлаш;
- ҳар бир болага ноёб инсон сифатида қараш [9].

Касбга йўналтиришнинг мазкур концепцияси ҳар бир битирувчидаги қўйидагиларни шакллантириш зарурлигини назарда тутади:

- ўзликни англашни;
- қадриятлар тизимини шакллантиришни;
- ўзидаги қобилият ва имкониятларни етарли даражада тўғри баҳолаш қобилиятини;
- ўзидаги мавжуд имкониятлар ва орзуидаги касб талабларини ўзаро қиёслай олишини;
- танлаш ва ўзини ўзи ривожлантириш қобилиятини.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг касбий фаолиятга тайёрлаш

**Шундай қилиб, шахсга  
йўналтирилган касбга  
ихтисослаштирилган  
йўналтириш, бу – муайян  
танлов актигина бўлиб  
қолмай, балки ўз услуби ва  
турмуш тарзини онгли ҳолда  
танлаш – ҳақиқий ижтимоий-  
иқтисодий жамиятда ўзлигини  
англашнинг, ўз «мен»и асосига  
қурилган дунёқарашининг  
фоявий негизидир.**

модели модулларнинг ўзаро алоқадорлигини ўз ичига олади: жараёнли-методологик (талабаларнинг касбий фаолиятини такомиллаштиришда методологик ёндашув ва тамойилларни амалиётга жорий этиш хусусиятлари); муаммоли-мазмунли техник, технологик йўналиши ўқув режасига мувофиқ талабаларда техникикавий дунёқараш ва касбий компетенцияларни шакллантирувчи касбий-амалий ва амалиётга йўналтирилган ўқув фанлари тавсифи; ташкилий-технологик (ўқув-амалий фаолиятни ташкил этиш, ўқувчиларнинг аудитория ва аудиториядан ташқари ишлари ўзаро алоқасини таъминлаш), қўшимча таълим инфрату-

зилмаларини ривожлантириш, талабалар илмий-тадқиқот (техник-ижодкорлик) фаолияти шаклларини ривожлантириш; натижавий-мезонли (талабаларда техникикавий дунёқарашни такомиллаштириш) ҳаракатларини баҳолаш мониторинги [14].

Тадқиқот ишини бажаришда касбий фаолиятга йўналтириб ўқитиш жараёнини лойиҳалашга эътибор қаратдик. Бунда, касбий фаолият мазмунини белгиловчи фанлар блокларини таҳлил қилиш орқали талабаларнинг касбий компетентлигиги ривожлантиришда қўйидаги фанларни интеграциялашни амалга оширамиз:

1-блок: Умумкасбий фанлар: Назарий механика. Материаллар қаршилиги.

2-блок: Ихтисослик фанлари: Ички ёнувдвигателлари.

3-блок: Қўшимча ихтисослик фанлари. Автотранспорт воситаларини диагностикалаш (1-расм).

Ўқитиш технологиясини ташкил қилишнинг бир неча йўли мавжуд:

**Жамоавий ўқиш (Student Team Learning (STL))**

Бутун гуруҳнинг муваффақиятига ўрганилаётган мавзуу, муаммо ёки масалани ишлаб чиқишида гуруҳнинг ҳар бир аъзосининг (гуруҳнинг) бошқа гуруҳ аъзолари билан доимий алоқада мустақил ишлаши натижасида эришилади. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси керакли ўқув материални ўрганишни таъминлаш учун жавобгардир. Ўқитишни ташкил қилишнинг асосий тамойиллари қўйидагилар:

- жамоанинг барча аъзолари бир хил рағбатлантирилади;

- бутун гуруҳнинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги учун барчанинг шахсий жавобгарлиги мавжуд;

- муваффақиятга эришиш учун тенг имкониятлар берилади (гуруҳнинг ҳар бир аъзосининг муваффақияти аввал эришилган натижаларни таққослаш орқали баҳоланади, бу кучли, ўрта ва заиф талабаларга ўз жамоаларига баллар олишда тенг имкониятларни беради).

Таълим фаолиятини ташкил этишнинг ушбу туридаги асосий ғоя шундан иборатки, бутун аудитория чет тилларни билиш нуқтаи назаридан бир хил бўлган 3-5 кишилик груҳларга бўлинади. Ҳар бир груҳ ўз вазифасининг бир қисмини бажаради. Ҳар бир груҳни шакллантиришда профессор-ўқитувчи нафақат бўлажак мутахассисларнинг тенг даражада тайёргарлигини, балки уларнинг психологияк мувофиқлиги, биргалиқда қарор қабул қилиш қобилиятини ҳам ҳисобга олиши керак.

Иқтисодиёт тармоқларининг барча соҳалари учун мутахассислар тайёрлаб берадиган мутасадди ташкилот олий таълим ҳисобланади. Шунинг учун ушбу таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини янгича инновацион технологиялар асосида ташкил қилиш муаммоси долзарб ҳисобланади. Бу муаммони ҳал қилишнинг ягона йўли замонавий педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнида кенг қўллаш орқали амалга ошири-

лади [8]. Бунинг натижасида касб-хунарга йўналтиришда юқоридаги расм(1-расм) даги узвийлик ва узлуксизлик орқали амалга оширишга асос бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, педагогик технологияларнинг характерли хусусияти шундаки, таълим-тарбия талаба имконияти ва фаолиятига, яъни икки таълим иштирокчиси - ўқитувчи ва ўқувчи ёки объект ва субъектнинг ўзаро иккитеёклама алоқасини амалга оширишнинг осонлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Узлуксиз таълимда касбга йўналтириш таълимнинг босқичига қараб фанларнинг ўзаро алоқадорлиги, ўқитиш воситалари, замонавий таълим методлари орқали амалга оширишни талаб этади. Касбга қизиқтириш ва йўналтириш орқали жамиятнинг касбга бўлган эҳтиёжларини қондириш масаласи узлуксиз таълим тизимининг натижаси сифатида самарали бўлади ва бугунги кун талабарини қондиради.



### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. дисс. ... док.пед.наук — СПб.: 1995. — 43 с.
2. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. — :«Ворис-Нашриёт» нашриёти, 2006. — 264 б.
3. Эргашев Ш., Коротина В. Профориентационные возможности общеобразовательных предметов в 4 классе начальной школы / Материалы Республиканской научно-практической конференции на тему: «Перспективы непрерывной профессиональной ориентации учащихся». 18 – 19 декабря 2008 года. – Ташкент, 2008. – С. 263 – 267.
4. Эргашев Ш.Т. Профориентационная работа в системе непрерывного образования Республики Узбекистан: подсистема народного образования. Ленинградский государственный университет им. А.С.Пушкина, X-е Сарскоселские чтения. Материалы международной научной конференции, апрел 2006. — Санкт-Петербург, ЛГУ, 2006. — с.134-136.
5. Иноятов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления контроля качества образования в профессиональном колледже. Дисс. ... докт. пед. наук. – Ташкент, 2003. – 327 с.
6. Исмаилова З.К. Талабаларнинг касбий педагогик малакаларини шакллантириш: Дисс. ... пед. фан.ном. – Т.: 2000. – 186 б.
7. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий методик асослари. Дисс. ... пед. ф. д. – Т.: 2007. – 315 б.
8. Олимов Қ.Т. Maxsus фанлардан ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари: Дис. ... пед. фан. докт. – Тошкент: 2005. – 286 б.
9. Қаххоров С.Қ. Касб-ҳунар коллажларида амалий касбий таълимни ташкил этишнинг методик асосларини такомиллаштириш. п.ф.ф. д. (PhD) дисс. автореф. – Т.: 2018. – 56 б.
10. Қурбонов Ш.Э., Сейтхалилов Э. Таълим сифатини бошқариш. – Т.: «Турон-Иқбол», 2006.-592 б.
11. Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари. Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – 70 б.
12. Батишев С.Я. Как развить креативность // М.: Феникс.- 2008. 192 с. (ИСБН: 978-5-222-12526-7).
13. Беляева А.П. Тенденции развития профессионального образования / А.П. Беляева // Педагогика: журнал. – 2010. – Н 6. – С. 21-27.
14. Вазина К.Я. Развитие креативности будущих бакалавров педагогического образования в вузе: Автореф. дис. канд. пед. наук — Красноярск. — 2013.
15. Мутырова, А.С. Преемственность в формировании профессиональной направленности студентов /А.С. Мутырова // Вестник Адыгейского государственного университета. — Майкоп, 2008. — С. 5.

# ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ РОЛИ

**Юсупов Нодир Бахридинович**

Профессионал таълимни ривожлантириш институти директор ўринбосари,  
мустақил тадқиқотчи

**Аннотация.**

Мазкур илмий мақолада ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари, профессионал таълим тизимида ушбу касб ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш жараёнлари, қабул кўрсаткичлари ҳақида маълумот берилган.

**Калит сўзлар:**

кадрлар тайёрлаш, ветеринария ва чорвачилик, қишлоқ хўжалиги, касб ва ихтисосликлар, профессионал таълим, ветеринария клиникаси, ўқув ва илмий лаборатория, ўқув-тажриба хўжалиги, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари.

**Аннотация.**

В данной научной статье представлена информация о приоритетных направлениях подготовки кадров в области ветеринарной медицины и животноводства, процессах подготовки кадров по этим профессиям и специальностям в системе профессионального образования, условиях приема. подготовка кадров, ветеринария и животноводство, сельское хозяйство, профессии и специальности, профессиональное образование, ветеринарная клиника, учебно-научная лаборатория, учебно-экспериментальная ферма, производственно-перерабатывающие предприятия.

**Annotation.**

This scientific article provides information about the priority directions of personnel training in the field of veterinary medicine and animal husbandry, the processes of personnel training in these professions and specialties in the professional education system, and admission rates.

**Key words:**

personnel training, veterinary and animal husbandry, agriculture, professions and specialties, professional education, veterinary clinic, educational and scientific laboratory, educational and experimental farm, production and processing enterprises.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоғи саналиб, статистик маълумотларга кўра, тизимда 3,6 миллион киши, яъни иқтисодиётда банд бўлгандарнинг 27 фоизи ишлайди. Иқтисодиётнинг «драйвер»и бўлган мазкур соҳалар ривожи мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир. Шунингдек, ушбу тармоқ учун сифатли ва малакали кадрлар тайёрлаш муҳим йўналишлардан ҳисобланади.

Профессионал таълим тизимида халқаро таълим стандартларига асосланган илфор педагогик технологиялар асосида ўқув жараёнини амалий кўникумаларни шакллантиришга йўналтириш, ўқув дастурлари ва инновацион ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш, ветеринария клиникаси, ўқув ва илмий лаборатория, ўқув-тажриба хўжалиги, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарида назарий билим ҳамда амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш бўйича тизимли ишлаб олиб борилмоқда.

Ветеринария ва чорвачилик соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети фаолияти кўламини кенгайтириш, халқаро нуфузини ошириш, илмий тадқиқотларни тизимли олиб бориш, инновацион таълим ва технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш тизими니 яратиш, таълим ва ишлаб чиқаришни узвий боғлаш соҳани ривожлантириш йўналишидаги устувор вазифа эди.

Мамлакатимизда ветеринария соҳа-

сидаги кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, самарали ветеринария назоратини таъминлаш ва ветеринария хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан ветеринария соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича замонавий таълим тизимини яратиш, шунингдек мазкур соҳада фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиншини янада кучайтириш зарурияти юзага келмоқда.

**«Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»га мувофиқ белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 мартағи «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-187-сон қарори қабул қилинди.**

Мазкур қарор ижроси бўйича Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети билан биргалиқда ушбу соҳада кадрлар тайёрлайдиган професионал таълим муассасалари томонидан амалга ошириладиган устувор вазифалар белгиланди:

- ветеринария, чорвачилик, биотехнология, агротехнология, агроиқтисодиёт тармоқлари учун сифатли кадрларни тайёрлаш;
- замонавий ўқув ва илмий-лаборатория базасини шакллантириш, уни илғор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий-инновацион тадқиқотларни кенгайтириш;
- ўқув жараёнини амалий кўнималарни шакллантиришга йўналтириш, халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва инновацион ўқув-услу-

бий материалларни кенг жорий этиш, ветеринария клиникаси, ўқув ва илмий лаборатория, ўқув-тажриба ҳўжалиги, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарида назарий билим ҳамда амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш;

- илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича узлуксиз таълим тизимини яратиш ва бошқа устувор вазифалар белгиланган.

Бугунги кунда юқоридаги вазифалар ижроси бўйича професионал таълим муассасаларида малакали мутахассислар тайёрланиб, республика бўйича 35 та професионал таълим муассасасида мазкур йўналишда кадрлар тайёрланмоқда.


Ушбу таълим муассасаларида 1 500 га яқин ўқувчилар ветеринария медицинаси бўйича таҳсил олишмоқда

Ветеринария ва чорвачилик соҳа-

сида кадрлар тайёрлаш бўйича профессионал таълим муассасаларида қабул жараёнларига ҳамда таълимнинг кундузги, сиртқи ва кечки, шунингдек, дуал таълим тизими жорий этилганига ҳам эътибор қаратиш лозим: Техникумларда ушбу касб ва ихтисослик бўйича таълимнинг барча шаклларига таҳсил олиш имконияти яратилган. Айниқса, дуал таълим тизими кенгроқ амалиётга жорий этилмоқда. Ушбу таълим дастурини кенг ёритиш мақсадида профессионал таълим тизимидағи хорижий тажрибаларни мамла-

катимизда жорий этиш, ҳалқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида бир қатор ҳалқаро молия институтлари билан лойиҳалар ташкил этилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугун ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари белгиланган бўлиб, ушбу йўналишда олий таълим муассасалари билан биргаликда профессионал таълим муассасалари ҳам соҳага ушбу касб ва ихтисосликлар бўйича малакали ва сифатли кадрлар тайёрлаш бўйича салмоқли ҳисса қўшмоқда.



### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 мартағи «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-187-сон қарори.

Қонунчилик миллий ҳужжатлари: <https://lex.uz/ru/docs/-5933935>

2. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари: <https://www.vetgov.uz/uz/>

3. Профессионал таълимни ривожлантириш институтининг методик таъминлаш платформаси маълумотлари: <http://edu.profedu.uz/>

# ОСНОВНЫЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ДУАЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ В РАМКАХ ФОРМИРОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ

**К.Т.Уматалиева**

Докторант института развития профессионального образования

**Аннотация:** В данной статье представлен обзор содержания и внедрения в систему профессионального образования дуального обучения, основные перспективы его развития. Важности повышения квалификации в области педагогических знаний наставников предприятий. Анализ и неразрывность теоретического и практического обучения в профессионально образовательных учреждениях.

**Ключевые слова:** профессиональные и общие компетенции, дуальное обучение, практико-ориентированное обучение, система профессионального образования.

**Аннотация:** Ушбу мақолада профессионал таълим тизимида Дуал таълимнинг мазмуни ва жорий этилиши, унинг ривожланишининг асосий истиқболлари ҳақида умумий маълумот берилган. Корхона устозларининг педагогик билимлари соҳасида малака оширишнинг аҳамияти, профессионал таълим муассасаларида назарий ва амалий ўқитишнинг таҳлили ва узлуксизлиги очиб берилган.

**Калит сўзлар:** қасбий ва умумий компетенциялар, Дуал таълим, амалиётга йўналтирилган таълим, профессионал таълими тизими.

**Abstract:** This article provides an overview of the content and implementation of dual education in the professional education system, the main prospects for its development. The importance of professional development in the field of pedagogical knowledge of mentors of enterprises. Analysis and continuity of theoretical and practical training in vocational educational institutions.

**Keywords:** professional and general competencies, dual training, practice-oriented training, vocational education system.

Одним из основных перспектив развития системы профессионального образования в Узбекистане выступает дуальное обучение. В научных кругах о нем говорят как о способе решения проблем, связанных с формированием профессиональной компетентности будущих специалистов, позволяющем учитьывать интересы работодателей и государства.

В нашей стране ведется эффективная работа по процессам подготовки кадров среднего звена на основе потребностей

работодателей. В частности, в целях подготовки кадров среднего звена, обладающих квалификацией и современными профессиональными навыками во всех отраслях экономики, с учетом заинтересованности молодежи в освоении профессий и специальностей, в профессиональных образовательных учреждениях налажена система обучения в форме дуального обучения.

Вместе с тем, в связи с дальнейшим ростом потребности в кадрах среднего звена на рабочих местах, создаваемых

на основе программ социально-экономического развития регионов, возникает необходимость в круглогодичном обучении в профессиональных образовательных учреждениях по заказам организаций в форме двойного обучения [1].

Согласно википедии «Дуальное обучение — это такой вид обучения, при котором теоретическая часть подготовки проходит на базе образовательной организации, а практическая — на рабочем месте» [2].

Также в различных научно-исследовательских работах и педагогической литературе можно встретить следующие трактовки этого понятия, как «особая педагогическая система...», «особый вид организационной технологии...», «педагогический принцип», «система образования, предусматривающая сочетание обучения в учебном заведении с периодами производственной деятельности» [3].

Однако основным практическим назначением понятия «дуальное обучение» — приблизить теорию к практике. Именно поэтому его называют практико-ориентированным. Естественно, это не синонимично с принципом практиче-

**В рамках научного исследования нами предлагается следующая трактовка данного термина «дуальное обучение — форма организации профессионального образования, при которой теоретическая подготовка проходит в образовательной организации, практическая — на предприятии (учебном предприятии) или в учебном цехе предприятия.**

ской направленности.

Иначе говоря, дуальное обучение — форма подготовки кадров, которая комбинирует теоретическое обучение в учебном заведении (в нашем случае 45 % учебного времени) и практическое обучение на производственном предприятии (65 % учебного времени). При этом основной принцип дуальной системы обучения — равная ответственность учебных заведений и предприятий за качество подготовки кадров.

В педагогике понятие «дуальная система» впервые было использовано в ФРГ в середине 1960-х гг. для обозначения новой формы организации профессионального обучения. Дуальная система профессиональной подготовки, зародившаяся в Германии, в дальнейшем получила широкую известность и признание в мировой практике профессионального образования. Немецкие исследователи (А. Шелтен, К. Штратман и др.) отмечают, что дуальная система обеспечивает тесное взаимодействие профессионального обучения с производственной сферой, своевременное реагирование на изменение ее потребностей и учет тенденций развития [4]. В то же время для отечественного профессионального образования пример Германии не нов: дуальное обучение уходит корнями в фабричнозаводское ученичество (ФЗУ) и ремесленные училища. Школы ФЗУ успешно решали задачу профессиональной подготовки рабочих. Можно вспомнить 50–60-е гг. прошлого столетия, когда на промышленных предприятиях создавались учебные цеха, в которых работали учащиеся общеобразовательных школ в условиях, абсолютно приближенных к производственным.

Также необходимо отметить что отношение к рабочим профессиям постепенно меняется. Сегодня работодатели заявляют, что на 30 процентов «мозгов» им нужно 70 процентов рабочих рук. Поэтому инженер среднего специального звена давно стоит дороже, чем его

коллега с высшим образованием.

Сегодня так же, как и десять лет назад, застройщикам требуются монтажники, проектировщики, крановщики, сварщики и т.д.

В условиях индустриально-инновационного развития Узбекистана нужны не просто рабочие руки, а компетентные специалисты, которых готовит система профессионального образования. В настоящее время, как отмечено в инновационном проекте «Разработка инновационных образовательных технологий в системе дуального образования при подготовке кадров» (Ташкент, 2024 г.).

Достигается это путем увеличения

**На сегодняшний день перед профессиональными образовательными учреждениями стоит задачи модернизации системы подготовки квалифицированных рабочих и специалистов на основе практико-ориентированных технологий. Благодаря повышению роли практической подготовки обучающихся будущие рабочие осваивают производственные навыки уже на стадии обучения.**

практической составляющей учебного процесса и проведения занятий непосредственно на рабочем месте. Организация дуального обучения предполагает большую совместную работу образовательных организаций и предприятий, тем более тех, которые стремительно развиваются, претендуют на крупные, научноемкие и технологичные заказы. Подготовка выпускников должна и в учебном заведении проходить на высо-

ком уровне в соответствии с потребностями предприятия. Для этого необходимо подготовить наставников на базе предприятия. Реализация мероприятий по повышению квалификации, переподготовке педагогического персонала требует тесного взаимодействия специалистов предприятия и преподавателей ПОУ по совместно разработанному плану, а также повышения их квалификации и стажировки на производственных участках предприятий партнёров.

При дуальной системе обучения усиливается и качественно меняется роль работодателя. На территории предприятия создаются учебные рабочие места для учащихся. Важнейшим компонентом такой системы является наличие подготовленных кадров, которые выступают в качестве наставников. Возникает необходимость в организации психолого-педагогической подготовки наставников, не имеющих педагогического образования. Рассмотренные проблемы, возникающие при организации дуальной (практико-ориентированной) системы взаимодействия, не отрицают ее положительной роли. Нет сомнения в том, что в организации обучения учащихся ПОУ выигрывают все участники системы: и образовательная организация, и предприятие-партнер, и организация, курирующая деятельность системы. Ее ожидаемая практическая значимость заключается в следующем. – повышение качества подготовки квалифицированных рабочих кадров и специалистов среднего звена и востребованности их на рынке труда; – расширение взаимодействия образовательной организации с предприятиями — участниками проекта;

- развитие материально-технической базы;
- повышение конкурентоспособности образовательной организации; – повышение мотивации у обучающихся к профессиональной и трудовой деятельности;


- качественное обновление структуры и содержания образовательных программ по подготовке квалифицированных рабочих кадров и специалистов среднего звена; – обеспечение возможности информационно-коммуникационного сопровождения;
- высокий процент трудоустроенных выпускников.

Модель дуального образования стала результатом заинтересованности системы образования в реальной социализации подрастающей молодежи, чаще всего входящей во взрослую жизнь без всякого адаптационного периода. Та-

ким образом, система образования, раздвигая свои рамки, решает функцию социализации молодежи с поддержкой социальных партнеров. В безусловном выигрыше остается и государство, которое эффективно решает задачу подготовки квалифицированных кадров для всех сфер экономики.

В заключение отметим, что внедрение дуального обучения в организацию современного профобразования перспективно, в том числе и для специальностей сферы строительства, так как преимущество дуальных образовательных программ очевидно.

## ДУАЛЬНОЕ ОБУЧЕНИЕ



## ДУАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ



### Список использованной литературы:

1. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистана №647 от 7 декабря 2023 года «О внесении изменений и дополнений в некоторые решения правительства республики Узбекистан в связи с введением системы приема студентов в профессиональные образовательные учреждения в форме дуального образования в течение года»
2. Дуальное образование [Электронный ресурс]. — Режим доступа: <https://ru.wikipedia.org/wiki/>.
3. Землянский, В. В. Теоретические аспекты дуальной целевой подготовки специалистов [Текст] / В. В. Землянский, Я. В. Канакин // Вопросы современной науки и практики. Университет им. В. И. Вернадского. — 2012. — № 1. — С. 104–110
4. Есенина, Е. Ю. О модели профессионального образования с учетом опыта Германии и Финляндии [Текст] / Е. Ю. Есенина // Профессиональное образование. Столица. — 2014. — № 11. — С. 17–20.

# ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ ЯГОНА ТАЪЛИМ МАКОНИ ВА СИФАТНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

**Ш.А.Шарофаддинов**

Ўзбекистон Республикаси Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази бўлими бошлиғи

**Аннотация.**

Таълим трансформацияси натижасида таълим тизимида юзага келган хилма-хиллик ва эркинлик ягона давлат таълим макони ва таълим сифатини таъминлашда муаммоларни вужудга келтирмоқда. Ушбу шароитда замонавий таълим стандартларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш долзарб бўлиб бормоқда. Ушбу мақолада Давлат таълим стандартлари тушунчаси, ишлаб чиқишига қўйиладиган талаблар ва тамойиллар ҳамда таълим сифатини таъминлашдаги ўрни тўғрисида фикрлар ёритилган.

**Калит сўзлар:**

стандарт, Давлат таълим стандартлари, таълим тенденциялари, таълим сифати.

**Аннотация.**

Многообразие и свобода в образовательной системе, созданные в результате образовательной трансформации, создают проблемы в обеспечении единого государственного образовательного пространства и качества образования. В этой ситуации разработка и внедрение современных образовательных стандартов становится все более актуальной. В данной статье рассматривается понятие государственных образовательных стандартов, требования и принципы их разработки, а также их роль в обеспечении качества образования.

**Ключевые слова:**

стандарт, государственные образовательные стандарты, образовательные тенденции, качество образования.

**Annotation.**

Diversity and freedom in the educational system, emerged as a result of educational transformation, are causing problems in ensuring a unified state educational space and the quality of education. Under this conditions, the development and implementation of modern educational standards is extremely important. This article discusses the concept of state educational standards, requirements and principles of their development, as well as their role in ensuring the quality of education.

**Key words:**

standard, state educational standards, educational trends, quality of education.

Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида анъанавий таълим ташкилотлари билан бир қаторда янги замонавий таълим ташкилотлари ташкил топди. Кечки, масофавий ва сиртқи таълим шакллари асосида таълим олиш имконияти яратилди, бир қатор хорижий олий таълим ташкилотларининг филиаллари ташкил этилди, таълим ташкилотларига босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик берилмоқда. Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан

70 фоизга, олий таълим қамров даражаси 9 фоиздан 42 фоизга ошган. Таълим жараёнида турли хил таълим контенти ва ресурсларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Ушбу ҳолатларнинг жамиятдаги демократизация, децентрилизация, либерализация, деидеологизация тамойиллари асосида ривожланиши ҳамда ушбу тамойилларнинг бевосита таълим хизматлари тизимига таъсири билан изоҳлаш мумкин.

Таълимдаги ушбу тенденциялар таълим ташкилотларининг академик ва молиявий эркинлигининг ортиши, педагогик жамоаларнинг индивидуал-ижо-

дий имкониятларини реализация қилиш, турли таълим шакллари ва дастурларини (табақалашган, вариатив, танлов...) амалга ошириш ҳамда ижтимоий эҳтиёж ва буюртмалар асосида турли йўналиш, вариациялардаги тадқиқотларни ўтказиш имкониятини яратиш билан бирга, бир қатор салбий оқибатларни юзага келтирмоқда. Жумладан:

- турли таълим ташкилотларининг пайдо бўлиши, уларнинг академик ва молиявий мустақиллиги натижасида ягона давлат таълими маконининг бузилиши;
- таълимнинг стратификация жараёни тезлашуви ва аҳолининг турли қатламлари томонидан педагогик хизматларга янги талабларнинг илгари сурилиши натижасида ижтимоий муаммоларнинг кескинлашуви;
- таълим ташкилотларида қўшимча пуллик хизматлар тизимининг жорий этилиши;
- психологик, интеллектуал босим натижасида ўқувчиларда ўқишга бўлган қизиқиш ва мотивациянинг пасайиши;
- таълим натижадорлиги ва самародорлигини баҳолашнинг ягона параметрлари мавжуд эмаслиги натижасида аҳолисавдоҳонликдаражасининг пасайиши.

Таълим тизимидағи ушбу тенденциялар мувозанатини таъминлаш, вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олишга хизмат қиласиган асосий ҳужжат "Давлат таълим стандарти" ҳисобланади. Стандарт стандартлаштириш обьектига нормалар, қоидалар, талабларни белгилайдиган норматив техник ҳужжатdir. Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (International Organization for Standardization—ISO) стандарт тушунчасини материаллар, маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматларнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлаш учун доимий равишда ишлатилиши мумкин бўлган талаблар, спецификалар, тавсиялар ёки хусусиятларни ўз ичига олган ҳужжат, деб таърифлаган.

**Муаммони ўрганилганлик дараҷаси.** Таълим стандартлари нисбатан қисқа тарихга эга бўлиб, биринчи таълим стандартлари Америка Қўшма Штатлари (АҚШ)да таълим олишнинг минимал талабларини белгилаб бериш учун ишлаб чиқилган. Олимларнинг фикрича, таълим ташкилотларига давлат таъсирининг камайиши, улар автономиясининг ортishi ва таълимнинг децентрализацияси таълим стандартларининг жорий этилишига сабаб бўлган. Таълим стандарти дейилганда турли давлатларда турлича терминлар қўлланилади. Ғарб давлатларида таълим стандарти/ўқув режаси ўрнига асосан "curriculum" атамаси ишлатилади. Мисол учун, АҚШда барча учун мажбурий бўлган ягона таълим стандарти мавжуд эмас. Ҳар бир штат ўз эҳтиёжи ва аҳоли талабаридан келиб чиқсан ҳолда Умумий асосий давлат стандартлари (Common Core State Standards (CCSS) асосида таълим жараёнини тартибиға соловучи ўқув-меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқадилар.

Хиндистон таълим сиёсатини белгилайдиган асосий ҳужжат бу «Миллий таълим сиёсати» (The National Education Policy) бўлиб, унда таълимни ривожлантириш тамойиллари, сиёсати ва йўналиши белгиланган. "Миллий таълим сиёсати" асосида Хиндистондаги барча мактаблар учун ягона "Миллий ўқув да-

**Буюк Британияда умумий ўрта таълим ташкилотларини бошқаришнинг тарихан марказлашмаган тизими ривожланган бўлиб, «Таълим тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қонун» (1988)га мувофиқ, барча мактаблар учун мажбурий бўлган ягона «Миллий ўқув дастури» (National Curriculum in Action) ишлаб чиқилган ва ўқув фанлари учун миллий стандартлар яратилган.**

стури” (National Curriculum Framework for School Education) ишлаб чиқилган.

Жанубий Корея мактабларида таълим стандартлари таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва бошқарилади. Жанубий Кореядаги барча таълим ташкилотлари турли фанлар ва синфлар учун ўқув дастурларини ўз ичига олган Миллий ўқув дастурига (National Curriculum) амал қиласи. Ушбу ҳужжат ҳар бир таълим даражаси учун ўқув мазмунни, ўқув мақсадлари ва стандартларини белгилайди.

Финляндияда таълим стандартлари миллий ўқув дастури билан белгиланади. Миллий ўқув дастури асосий таълим ўқув дастурининг асослари (Perusopetuksen opetussuunnitelman perusteet) сифатида қабул қилинган. Бу Финляндиянинг бошланғич ва ўрта мактабларида таълимнинг мазмунни, мақсадлари ва ташкил этишини белгилайдиган асосий ҳужжат ҳисобланади. Миллий ўқув дастури жамиятнинг замонавий талаблари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда сифатли таълимни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Таълим мазмунини белгилайдиган меъёрий ҳужжат турли давлатларда ҳар хил ном билан юритилишини инобатга олган ҳолда ушбу мақоламиз умумий ном билан таълим стандартлари атамасидан фойдаланамиз.

Олимлар томонидан ҳам таълим стандарти атамасига турлича таъриф берилган. Э.В.Ширшовнинг “Асосий тушунчалар ва таърифлар луғати”да давлат таълим стандарти маълум бир тарихий даврда жамият учун зарур бўлган таълимнинг этalon даражаси эканлиги таъкидланади. Машҳур назарий олим Р.В.Тейлор таълим стандартларига “ўқувчилик таълим мұассасасидаги режалаштирилган ва режалаштирилмаган тажрибалари йиғиндисини акс эттирган ҳужжат” деб таъриф беради. Таълим стандартлари тўғрисидаги сўнги таърифлардан бири А.С.Орнштейн ва Ф.П.Ханкинсга тегишли бўлиб, улар таълим стандартини “мақсадлар, фан соҳаси,

ўрганиш тажрибаси ва баҳолаш усуllibар режалаштирилган тузилма” сифатида кўришни таклиф қиласидар.

XXI аср сўнгти ўн йиллигига хориждаги таълим стандартларида таълим мазмуни ҳақидаги халқаро ғоялар акс эта бошлади. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳозирги даврда ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, таълим мазмунининг аниқ концепцияси мавжуд бўлмагандар, асосан, стихияли, умумжаҳон тенденциялари асосида амалга оширила бошланди. Т.Оутс таъкидлаганидек, кўпгина мамлакатларда ўқув дастурларига киритилган ўзгартиришлар, мактаб таълими сифатини қиёсан халқаро тадқиқотлар натижаларига тушуниш, янги фанлар ва мавзуларни қўшиш бўйича жуда пухта ўйланмаган таклифлар контекстида тартибсиз амалга оширилмоқда. Қарорлар миллий аҳамиятга эга педагогик сабабларга кўра эмас, балки глобал талабларга асосланган ҳолда қабул қилинади. Шунга кўра, ўқув дастурида ҳеч қандай тарзда оқламайдиган ноанниқ умумий қоидалар пайдо бўлмоқда .

Ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш ассоциацияси (Association for Supervision and Curriculum Development-ASCD) томонидан таълим стандартлари икки грухга ажратилган. Биринчи грух контент стандартлари - ўқувчиларнинг турли фан соҳаларида нималарни билиши ва қила олиши кераклигини белгилайди. Иккинчи грух самарадорлик стандартлари – ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган даражани белгилайди ва контент стандартларининг ўзлаштирилганлик ҳолатини баҳолайди. Флорида педагогика фанлари институти таълим стандартлари ўқувчилар ҳар бир синфда нимани билиши ва нима қила олиши кераклигини белгилайдиган ўқув мақсадлари деб таъриф беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида давлат таълим стандарти давлат томонидан таълимнинг мазмуни ва сифатига нисбатан

белгиланадиган талаблар мажмуи эканлиги белгиланган.

Турли давлатларда таълим стандартлари ҳар хил ном билан аталса-да, уларнинг барчасида таълим стандартлари таълимнинг муайян босқичи, касб, тайёрлов йўналиши бўйича таълим олувчиларда шакланиши керак бўлган билим, кўникма, қадрият ва компетенцияларни белгиловчи асосий ҳужжат сифатида қаралади. Хўш, шундай экан ушбу талаблар ким томонидан белгиланади? Таълим олувчиларда қандай кўникма ва қадриятлар шакланиши кераклиги қандай аниқланади?

Таълим стандартлари маҳаллий, миллий ва глобал эҳтиёж ва кутилмаларни ҳисобга олган ҳолда жамиятнинг умумий қарашларини акс эттирувчи сиёсий ва ижтимоий келишув бўлиб, жамият/давлатнинг таълим мақсадлари ва вазифаларини ўзида акс эттиради. Биз қандай жамият қурмоқчи бўлсак таълим ташкилотларида ўқиётган ёшларимизда ушбу жамиятнинг лойик аъзоси бўлиш учун зарур билим, кўникма ва қадриятларни шакллантиришимиз керак. Жамият ва давлатнинг эҳтиёжлари эса, ўз навбатида, давлат таълим стандартларида таълимнинг ҳар бир босқичида шакланиши керак бўлган талаблар сифатида акс этади. Ушбу талаблар асосида фан/модулларнинг мазмуни, улар асосида эса ўқув контентлари яратилади. Профессионал ва олий таълим тизимида таълим стандартлари мазмуни касб ва мутахассисликлар кесимида иш берувчи/мехнат бозори талаблари асосида шаклланади.

**Мунозара ва амалий таклифлар.** Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишида нафақат миллий, маҳаллий эҳтиёжлар, балки глобал тенденцияларни ҳам инобатга олиш мухим аҳамиятга эга. Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг ажралмас қисми бўлиб, давлатимиз томонидан олиб борилаётган очиқлик сиёсати натижасида фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг яқин ва узоқ хориж давлатларига таълим ва меҳнат миграцияси тобора ортиб бормоқда. Ёшларимизнинг глобаллашган ду-

нёда ўз ўрнини топа олиши эса уларнинг эгаллаган билим, шаклланган кўникма ва қадриятларига бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида ўқувчиларда эркин ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш зарурати тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди. Таълим соҳаси эксперtlари томонидан ушбу XXI аср кўникмаларини таълимнинг барча босқичларида ўқитиш натижаси сифатида шакллантириш муҳимлиги қайд этилмоқда. Ушбу компетенцияларни нафақат умумий ўрта таълимда, балки профессионал ва олий таълимда ҳам шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Давлат таълим стандарти давлат ва жамият эҳтиёжларига мувофиқ таълимнинг ҳар бир босқичида шакланиши керак бўлган билим, кўникма, малака, қадрият ва компетенциялар, уларни шакллантишнинг асосий тамоиллари, педагогик ва дидактик шарт-шароитлар ҳамда белгиланган талабларни назорат қилиш механизмларини белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти таълим мазмунининг давлат, жамият, меҳнат бозори ва шахс эҳтиёжларига асосланганлиги, таълим ва тарбиянинг бирлиги, таълимнинг узлуксизлиги ва мазмунининг узвийлиги, гендер тенглик, барча учун тенг ва кафолатланган, шу жумладан, инклузив таълим олиш ҳуқуқининг таъминланганлиги, ўқувчига йўналтирилган таълим, ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлири устуворлиги каби тамоилларга асосланади.

Давлат таълим стандартининг асосий вазифалари қўйидагилар:

- миллати, дини, ирқи, ижтимоий кеслиб чиқиши ва иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, барча учун давлат томонидан кафолатланган таълим олишни таъминлаш;

- таълим соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш;

- таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни белгилаш;

– таълимнинг турли хил шакли, кўришиш ва турларини тартибга солиш;

– вариатив ва инвариатив компонентларни жорий этиш орқали таълим жараёнини тизимлаштириш;

– ўқув натижаларини баҳолаш тартибини ҳамда таълим-тарбия фаолияти сифатини назорат қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Олимлар томонидан давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар белгиланган бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

– маданий анъаналар, халқнинг интеллектуал салоҳияти, миллий ва умуминсоний қадриятларни, давлат, жамият ва бошқа манфаатдор томонларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини ҳисобга олиш;

– кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;

– таълим олувчиларнинг билим, қўникма, малака ва компетенцияларига талабларни белгилаш;

– таълим олувчилар қобилиятлари ва эҳтиёжлари асосида индивидуал ривожланиш ҳамда табақалаштирилган таълим олиш имкониятларини яратиш;

– таълим олувчиларда атроф-муҳитни асраб-авайлаш, яшил қўникмалар(green skills), ичимлик суви, табиий ва муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш қўникмаларини шакллантириш;

– таълим босқичлари ва турлари бўйича таълим узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;

– алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда барча таълим олувчилар учун таълим ташкилотларида таълим олишга бўлган teng имкониятларни таъминлаш;

– таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим натижалари сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибини белгилаш;

– Давлат таълим стандартининг бажарилишини назорат қилиш ва унинг

меъёрлари ва талаблари бузилишининг олдини олиш;

– халқаро тажриба, техника, технологиялар, фан ривожланиши даражаси, меҳнат бозори томонидан кадрларга қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда таълим стандартларига тажрибада текширувдан ўтган таълим фаолиятининг илғор нормаларини киритиш.

Давлат таълим стандарти жамият эҳтиёжлари ва давлат талаблари акс этган меъёрий ҳужжат бўлиб, уни бажариш юридик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасидаги барча таълим ташкилотлари учун мажбурий кучга эга ҳамда малака талаблари, ўқув режа ва дастурлар (таълим дастурлари), таълим контенти (дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқитиш материаллари тўпламлари, рақамли таълим ресурслари ва бошқалар) ишлаб чиқишга асос бўлади. Ушбу воситалар асосида таълим жараёнининг ташкил этилиши натижасида ягона давлат таълим макони шаклланади. Маълум маънода Давлат таълим стандарти давлат ва жамиятга тегишли мажбуриятлар юклайди. Яъни давлат фуқароларда шаклланиши керак бўлган минимал билим, қўникма ва компетенцияларни ҳамда уларни шакллантириш учун шароит яратиш мажбуриягини, жамият эса яратилган шароитлардан фойдаланган ҳолда белгиланган билим, қўникма ва компетенцияларни ўзлаштириш мажбуриятини олади.

**Хулоса.** Давлат таълим стандартлари жамият ва давлат талаблари асосида барча учун teng ва кафолатланган минимал таълим натижаларини шакллантиришга хизмат қиласиган муҳим меъёрий ҳужжат эканлигини таъкидлаш лозим. Давлат таълим стандартлари бугунги таълимдаги плюрализм шароитида таълим сифатини таъминлаш/баҳолаш/назорат қилишнинг муҳим инструменти ҳисобланади. Шу билан бирга таълим стандартларини ишлаб чиқишга қўйилган талабларнинг тўғри шакллантирилишига, ишлаб чиқиш жараёнида миллий ва маҳаллий эҳтиёжлари ҳамда халқаро тенденцияларни тўғри шакллантириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб эта-

ди. Шу сабабдан амалдаги узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш талабарини халқаро таълим ташкилотлари, жумладан, ЮНЕСКО тавсиялари асосида тубдан такомиллаштириш лозим. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишида жамият эҳтиёжларини ва эксперталар ҳамжамияти таклифларини инобатга олиш учун таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларни жамоатчилик муҳокамаси-

дан ўтказиш ҳамда тасдиқлашнинг рақами тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус ва профессионал таълим тизими учун ягона "Миллий таълим концепцияси"ни ишлаб чиқиш зарур. Ушбу вазифаларни сифатли амалга ошириш таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш жараёнини самарали молиялаштириш тизимини жорий этишни талаб қиласи.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги қонуни, 23.09.2020 йилдаги ЎРҚ-637-сон.
2. Philip Stabback What makes a quality curriculum?// Current and Critical Issues in Curriculum and Learning. March, 2016, No.2
3. Tyler R. W. Specific approaches to curriculum development // Schaffarzick J., Hampson D. (eds.) Strategies for curriculum development. Berkeley: CA: McCutchan, 1975. 256 р.
4. Oates T. Could do better: Using international comparisons to refine the National Curriculum in England. Cambridge, 2016.27р. URL: <https://www.cambridgeassessment.org.uk/Images/124223-tim-oates-paper-could-do-better-using-international-comparisons-to-refine-the-national-curriculum-in-england.pdf>
5. Ornstein A.C., Hunkins F.P. Curriculum: Foundations, principles, and issues (7th Edition). England: Pearson, 2016. 373 р
6. International bureau of education, Training Tools for Curriculum Development Prototype of a National Curriculum Framework, C.P. 199, 1211 Geneva 20, Switzerland 2017
7. Ширшов Е.В. Информация образование дидактика история методы и технологии обучения// Словарь ключевых понятий и определений. 2017.
8. Ситаров В.А. Дидактика// Учебное пособие. - Москва. Академа нашриёти, 2004. 40-61 бет.
9. Байденко В.И. Стандарты в непрерывном образовании: Концептуальные, теоретические и методологические проблемы. Москва, 1999 й.
10. Инновационные проблемы в образовании: сборник статей.-СПб., 1997 й.
11. Педагогики и психология// Под ред. А.А.Реан. – СПб., 2000 й.
12. Компетенции "4К" формирования и оценка на уроке// Практические рекомендации.-Москва. Дрофа нашриёти, 2019 й.

### Интернет манбалари:

1. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
2. <https://www.calameo.com/read/00545006629d7bb5b115f>
3. <https://www.ibe.unesco.org/en/glossary-curriculum-terminology/s/standards>
4. <https://www.ibe.unesco.org/en/glossary-curriculum-terminology/s/standards-based-curriculum>
5. [https://ies.ed.gov/ncee/edlabs/infographics/pdf/REL\\_SE\\_Deciphering\\_State\\_Education\\_Standards.pdf](https://ies.ed.gov/ncee/edlabs/infographics/pdf/REL_SE_Deciphering_State_Education_Standards.pdf)
6. <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000243975>
7. <https://learning.ccsso.org/common-core-state-standards-initiative>

# ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ДУАЛ ТАЪЛИМ ШАКЛИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

**Н.Э.Эргашев**

Профессионал таълимни ривожлантириш институти мустақил изланувчиси

**Аннотация.**

Мазкур мақола профессионал таълим тизимида дуал таълим шакли борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга бағишиланган. Ушбу мақолада сўнги уч йилда амалга оширилган ислоҳотлар доирасида дуал таълимни ривожлантириш бўйича эришилган натижалар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:**

профессионал таълим, дуал таълим, грант ўринлари, ўрта бўғин мутахассислари, корхона ва ташкилотлар, янги иш ўринлари, қабул параметрлари.

**Аннотация.**

Данная статья посвящена реформам, проводимым в нашей стране в форме дуального образования в системе профессионального образования. В данной статье анализируются результаты, достигнутые в развитии дуального образования в рамках реформ, проведенных за последние три года.

**Ключевые слова:**

профессиональное образование, дуальное образование, грантовые места, специалисты среднего звена, предприятия и организации, новые рабочие места, параметры приема.

**Abstract.**

This article is devoted to the reforms carried out in our country in the form of dual education in the vocational education system. This article analyzes the results achieved in the development of dual education within the framework of the reforms carried out over the past three years.

**Key words:**

vocational education, dual education, grant places, mid-level specialists, enterprises and organizations, new jobs, admission parameters.

Таълим соҳасида ислоҳотлар самара-дорлигини ошириш Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг кунтартибида турган асосий вазифалардан бирига айланди. Таълим тизимини комплекс ривожлантириш, мамлакали кадрлар тайёrlаш мақсадлариiga катта куч ва маблағлар йўналтирилмоқда. Соҳа ривожига қаратилган шу каби эътибор таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнларини сифат жиҳатидан ўзгартиришга, педагогик кадрлар таркибини яхшилашга хизмат қиласди.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг асосий омилларидан бири замонавий технологиялардан фой-

далана оладиган ва ўз соҳаси бўйича сўнгги касбий кўникумаларни эгаллаган малакали кадрларни тайёrlаш ҳисобланади.

Профессионал таълим ва касб-хунарга ўқитиш тизими ёшлар ва жамият келажагини кафолатлайди. Дуал таълим шакли профессионал таълим мининг асосий элементини ташкил қиласди ва одатда ушбу шаклда касбга ўқитиш иккита ўқув жойи – ташкилот (ишлаб чиқариш корхонаси) ва профессионал таълим муассасаси билан тавсифланади. Дуал таълим шакли ҳар бир секторни қамраб олади ва танланган касб (мутахассислик) бўйича асосий касбий кўникумаларни эгаллаш-

га пойдевор бўлади.

Дуал таълимнинг асосий мақсади ёшларга ўз вазифаларини самарали, инновацион, мустақил ва бошқалар билан ҳамкорликда бажаришлари учун мўлжалланган кенг қамровли касбий компетенцияларга эга бўлиш имкониятини беришдир. Дуал таълимни муваффақиятли якунлаганлар ички ва ташки мөхнат бозорига малакали ишчи (мутахассис) сифатида кириб келиши таъминланади.

Сўнгги уч йилда дуал таълим шаклида кадрлар тайёрлашни ривожлантириш борасида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди.


Янги таҳрирда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республи-

каси Қонунига таълим олишнинг шакли сифатида киритилган дуал таълим шакли бўйича турли касб (мутахассислик)лар бўйича ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш қамрови йилдан йилга ошиб бормоқда ва 2023/24-ўқув йилида жами 12 735 нафар ўқувчилар ушбу таълим шаклида таҳсил олмоқда [1].

Шунингдек, дуал таълим шаклида кадрлар тайёрлаш афзалликларини ва унинг ташкилотнинг маҳсулот унумдорлигига ижобий таъсирини аста-секинлик билан тушуниб бораётган ҳамда ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар сони кун сайин ортиб бормоқда (1-расм).

Ўзбекистон Республикаси Президен-

### 1-расм



тининг 2023 йил 28 февралдаги «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-27-сон Фармонига мувофиқ професионал таълим тизимини ривожлантириш, мөхнат бозори ва иш берувчиларнинг талабларига мос бўлган малакали ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш мақсадида 2023/2024-ўқув йилидан бошлаб коллеж ва техникумларнинг дуал

таълим шакли бўйича ҳам давлат грантлари ажратилди [2].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 июлдаги «Маъмурий ислоҳотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-200-сон қарорига мувофиқ техникумларда ўрта маҳсус професионал таълим дастурларининг қишлоқ хўжалиги, туризм, ирригация ва мелиорация, хизмат кўрса-

тиш ҳамда ветеринария йўналишларига оид касб ва мутахассисликларига тўлиқ давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш ҳамда муҳандислик, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш йўналишларига оид касб ва мутахассисликлар бўйича умумий қабул кўрсаткичларининг камида 50 фоизини давлат грантига ажратиш белгиланди [3].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 июн даги ПҚ-200-сон қарорига мувофиқ корхона ва ташкилотларнинг буюртмалари асосида профессионал таълим муассасаларида дуал таълим шаклида йил давомида ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш тизимини жорий этиш белгиланган бўлиб, ушбу тартибни жорий этиш бўйича қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 7 декабрдаги 647-сон қарорига мувофиқ қўйидагилар белгиланди:

### **Натижада 2023/2024-**

**ўқув йили учун қабул параметрлари доирасида коллеж ва техникумларга дуал таълим шакли бўйича жами 2 988 та давлат гранти ўринлари ажратилди.**

Шунинг билан бирга, республикамиздаги касб-ҳунар мактаблари тўлиқ давлат томонидан молиялаштириладиган бўлиб, бугунги кунда уларда дуал таълим шаклида 3 832 нафар ўқувчи ишчи касблар бўйича касб-ҳунар ўрганмоқда.

ликаси Президентининг 2023 йил 3 июн даги ПҚ-200-сон қарорига мувофиқ корхона ва ташкилотларнинг буюртмалари асосида профессионал таълим муассасаларида дуал таълим шаклида йил давомида ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш тизимини жорий этиш белгиланган бўлиб, ушбу тартибни жорий этиш бўйича қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 7 декабрдаги 647-сон қарорига мувофиқ қўйидагилар белгиланди:

а) Ўқувчиларни дуал таълим шаклида

ўқишга қабул қилиш рақамлаштирилади;

ташкилотлардан ўқувчиларга бириктирилган устозларнинг педагогик маҳоратларини ихтиёрий равища ошириш учун бепул қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этилади;

дуал таълим шакли ташкил этилган касб ва мутахассисликлар бўйича таълим дастурлари такомиллаштирилади ва Германия тажрибаси асосида методик материаллар ишлаб чиқилади;

мехнат бозорининг ўрта бўғин кадрларига бўлган жорий ва истиқболли эҳтиёжларини аниқлашга мўлжалланган электрон платформа ишлаб чиқилади;

б) жорий этилган тартибга асосан коллеж ва техникумларга ҳар йили янги ўқув йили учун шакллантириладиган қабул параметрлари доирасида давлат гранти ўринлари ажратилади ва қолган даврда шаклланадиган қабул параметрларида ўқувчилар тўлов-контракт асосида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан белгиланадиган муддатларда ўқишга қабул қилинади.

Эндиликда ушбу тартибнинг татбиқ қилиниши, меҳнат бозори эҳтиёжларини қондиришда кенг имкониятлар очиб беради. Яъни корхона ва ташкилотлар ўзларидаги вакант ўринларни тўлдириш билан бир қаторда, буюртма асосида ўз ходимларини профессионал таълим муассасаларида йил давомида ўқитиши мумкин.

2023 йилда профессионал таълим муассасаларида дуал таълим шаклида назарий билимлар билан амалий кўникмаларни мустаҳкам эгаллаган 2 900 нафар илк битирувчилар меҳнат бозорига чиқди.

Таҳлиллардан кўриш мумкинки, 2023 йилда республика бўйича жами 592 371 та корхона ва ташкилотлар фаолият юритаётган бўлиб, шундан 93 611 та корхона ва ташкилотлар 2022 йилда ташкил этилган. Ушбу кўрсаткичлардан маълум бўладики, республикамизда ҳар йили 100 минг атрофига янги корхоналар ташкил этилади ва уларда янги иш ўринлари яратилади.

2022 йилда ташкил этилган корхона ва ташкилотларда яратилган 1 184 минг янги

иш ўринларининг 70 фоизини ўрта маҳсус маълумотли ўрта бўғин мутахассислари эгаллаган [5].

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, ривожланган давлатларда иқтисодиёт ривожланишига ва ёшлар ўртасида ишсизлик даражасининг камайишига ижобий таъсир кўрсатиб келаётган дуал таълим шаклида кадр-

лар тайёрлаш тизими юртимизда ҳам йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Ушбу таълим шаклида касбга ўқитиш тизимини ривожлантириш замонавий технологияларда ишлай оладиган мутахассисларни тайёрлаш билан бир қаторда меҳнат бозори эҳтиёжларини ўз вақтида қондиришнинг самарали ечи-ми бўлади.



### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги расмий веб-саҳифаси, очиқ маълумотлар базаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-27-сон Фармони, 8-банди, д) кичик банди.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 июлдаги «Маъмурий ислоҳотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-200-сон қарори, 6-илова 25- ва 35-бандлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг очиқ маълумотлар базаси, корхона ва ташкилотлар демографияси.

# ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҶАМЛИ ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИНИНГ ЎРНИ

**А.У.Абрайқулов**

Профессионал таълимни ривожлантириш институти “РаҶамли таълим технологиялари” бошқармаси бошлиғи, мустақил изланувчи

**Т.Ф.Худайберганов**

Профессионал таълимни ривожлантириш институти “РаҶамли таълим контентларини ишлаб чиқиш” бўлими бошлиғи, мустақил изланувчи

Аннотация.	Ушбу мақолада профессионал таълим муассасаларидағи таълим сифатини ошириш мақсадида фан ва ўқув амалиётлари бўйича раҶамли таълим ресурсларини сифатли ишлаб чиқиш, уларни саралаш, оммалаштириш, ишлаб чиқувчиларни рағбатлантириш ишларини тизимли равишда амалга ошириш бўйича маълумотлар келтирилган.
Калит сўзлар:	Профессионал таълим, раҶамли технологиилар, таълим сифати, раҶамли таълим ресурслари, раҶамли таълим контенти, платформа.
Абстрактный.	В целях повышения качества образования в профессиональных образовательных учреждениях в данной статье представлена информация о качественном развитии цифровых образовательных ресурсов в науке и образовательной практике, их выборе, популяризации и системной реализации стимулов разработчиков.
Ключевые слова:	Профессиональное образование, цифровые технологии, качество образования, цифровые образовательные ресурсы, цифровой образовательный контент, платформа.
Abstract.	<i>In order to improve the quality of education in professional educational institutions, this article provides information on the quality development of digital educational resources in science and educational practices, their selection, popularization, and systematic implementation of developer incentives.</i>
Key words:	<i>Professional education, digital technologies, educational quality, digital educational resources, digital educational content, platform.</i>

Бугунги кунда техника ва технологиялар шиддат билан ривожланиб, кундан кунга ақлли соатлардан тортиб, супер компютерларгача, янгидан янги гажетлар ҳаётимизга кириб келмоқда. Барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам илм-фан тараққиёти натижалари, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситаларининг жорий қилиниши турли фан соҳаларида билимларнинг тез янгиланиб боришига олиб келмоқда.

Ахборот миқдори шиддат билан ошиб бораётган бундай жамиятда таълим олувчиларнинг янги билимларни тез-

да ўзлаштириб олишлари учун ўқув адабиётларининг турли шаклларидан бири бўлган раҶамли таълим ресурсларидан фойдаланиш бугуннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Таълим жараёнига раҶамли таълим ресурсларини қўллаш таълим олувчиларда мустақил ва эркин фикрлаш, олинган билимларни такомиллаштириш, янги билимларни турли раҶамли таълим ресурслари орқали излаб топиш кўникмаларини шакллантиришни таъминлаши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги “РаҶамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш

ҳамда соҳа, тармоқ ва худудларни рақамили трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-162-сон қарорида таълимни рақамлашириш бўйича ахборот тизимлари ҳамда электрон таълим ресурсларини (контент) яратиш вазифаси бегилаб қўйилган, бу эса таълим жараёнига рақамли таълим ресурсларини жорий этишни талаб қиласди.

Профессионал таълим муассасаларидаги ўқув машғулотларининг ҳам рақамли технология воситаларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилиши таълим сифатининг ошишига хизмат қиласди.

Шу ўринда «Рақамли таълим контенти нима? Рақамли таълим ресурси деганда нимани тушуниш керак?» – деган саволлар пайдо бўлиши табиий.

Рақамли таълим ресурси – бу аниқ бир фаннинг барча мавзуларини қамраб олган рақамли таълим контентлари тўплами.

**Рақамли таълим контенти – бу фаннинг аниқ бир мавзуси бўйича ўқув жараёнида фойдаланиш учун мўлжалланган рақамли шаклда тақдим этилган материал бўлиб, унинг таркиби маъруза матни, медиа материаллар (аудио, видео ва анимацион материаллар), дидактик кўргазмали материаллар (плакатлар), тақдимот материаллари, глоссарий (атамалар луғати), назорат дастурлари (мустаҳкамловчи саволлар, амалий топшириқлар ва тест материаллари), машқ ва масалалар тўплами, дарс мазмунини тўлдирувчи материаллардан иборат бўлади.**

Оммалаштиришга тавсия этилаётган рақамли таълим ресурслари таркиби амалда ўқитилаётган фан (модул), ўқув амалиётларининг намунавий ўқув дастурдаги барча мавзулари бўйича қўйидагилардан иборат бўлади:

- мавзулар тўплами;
- фаннинг таълим технологиялари;
- медиа (аудио, видео ва анимацион)

материаллар;

- визуал-дидактик ресурслар;
- тақдимот материаллари;
- глоссарий (атамалар луғати);
- баҳолаш воситалари (назорат саволлари, амалий топшириқлар, тест материаллари, машқлар, масалалар тўплами ва бошқалар).

● Мавзулар тўплами – фан ёки ўқув амалиётларининг амалдаги фан дастурларида келтирилган ҳар бир назарий ва амалий машғулотларнинг мавзулари бўйича маъруза матнлари.

● Фаннинг таълим технологиялари – кириш қисми назарий ва амалий машғулотларнинг лойиҳалаштирилган ва режалаштирилган технологияси, ҳар бир мавзу бўйича ўқув машғулотини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

● Медиа (аудио, видео ва анимацион) материаллар – фан ёки ўқув амалиётларининг амалдаги фан дастурларида келтирилган мавзуларни кўргазмали материаллар билан бойитишга қаратилган материаллар.

● Тақдимот материаллари – фан ёки ўқув амалиётларининг амалдаги фан дастурларида келтирилган ҳар бир назарий ва амалий машғулотларнинг мавзулари мазмуни ёритилган тақдимот материали.

● Глоссарий (атамалар луғати) – фан ёки ўқув амалиётларига хос атамаларнинг изоҳли луғати.

● Баҳолаш воситалари – фаннинг таълим технологиясида келтирилган ва ҳар

бир мавзу матнида қайд этилган ўрганиш натижалари асосида эгаллаган билим, кўникма ва компетенцияларнинг шаклланганлитини аниқлаш юзасидан баҳолаш кўрсаткичлари, мезонлари ва методлари.

Демак, рақамли таълим ресурслари бу универсал дастурий таъминотга асосланган бўлиб, у муайян касбий фаолият бўйича ахборот ва билим бериш ҳамда ўзлаштирилган билимларни назорат қилишни автоматлаштириш имконини беради.

**Фан ва технологиялар  
ривожлангани сари  
мазмуни тез ўзгарувчан,  
чуқурлаштирилиб  
ўқитиладиган умумкасбий  
ва маҳсус фанлар  
бўйича рақамли таълим  
ресурсларидан таълим  
жараёнида интегратив  
(анъанавий, масофавий)  
технологиялар асосида  
фойдаланиш ва ўқув  
машғулотларини ташкил этиш  
натижасида ўқувчиларнинг  
мустақил билим олиш  
имкониятлари кенгаяди.**

Профессионал таълим соҳасига рақамли технологияларни кенг жорий этиш, профессионал таълим муассасалари бошқарув ва педагог кадрларини методик таъминлашни яхшилаш, таълимни рақамлаштириш, ахборот тизимлари, электрон таълим ресурсларини (контент) яратиш, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан яратилган ҳамда ўқув жараёнида кенг қўлланилаётган сифатли рақамли таълим ресурсларини оммалаштириш, ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида профессионал таълим тизимида <http://rtr.profedu.uz> рақамли таълим ресурслари платформаси ишлаб чиқилди. Мазкур рақамли

таълим ресурслари платформасига янги педагогик ва ахборот технологияларининг ёрқин намунаси сифатида қараш мумкин. Платформа замонавий ахборот технологияларининг маҳсули бўлиб, таълим сифатини оширишга ёрдам беради ҳамда масофавий ўқитишни ташкил этиш имконини яратади.

Шу кунгача платформага профессионал таълим тизими касблари ва мутахассисликлари бўйича ўқитилаётган 23 та фаннинг рақамли таълим ресурслари жойлаштирилган. Шунингдек, платформага 20 дан ортиқ профессионал таълимга оид ва касбга ўргатувчи туркум видеоматериаллар ҳамда профессионал таълим тизимининг 122 та касб ва мутахассисликлари бўйича профессиограммалар жойлаштирилган.

Ҳозирги кунда профессионал таълим тизимида ўқув машғулотлари ташкил қилинган касб ва мутахассисликларнинг таълим дастурларига мувофиқ профессионал таълимнинг:

- 3-даражасининг 103 та касблари бўйича 153 та умумкасбий фан, 317 та маҳсус фан ва 230 та ўқув амалиётлари;
- 4-даражасининг 123 та касб ва мутахассисликлари бўйича 243 та умумкасбий фан, 483 та маҳсус фан ва 262 та ўқув амалиёти;
- 5-даражасининг 190 та касб ва мутахассисликлари бўйича 55 та табиий ва гуманитар фан, 639 та мутахассислик фан ва 251 та та ўқув амалиётлари мавжуд эканлиги бу борада қилинадиган ишлар кўламини кўрсатмоқда.

Профессионал таълим тизимида рақамли таълим ресурсларини кенг жорий этиш ва барча худудлардаги таълим муассасаларини электрон ўқув-методик таъминот билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 26 июлдаги “Профессионал таълим тизимида “Энг яхши рақамли таълим ресурслари” Республика кўрик-танловини ўtkазиш тўғрисида”ги 329-сон буйруғи

қабул қилинди. Ушбу буйруқ профессионал таълим тизимидағи барча таълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан фан ва ўқув амалийтларидан рақамли таълим ресурсларининг ишлаб чиқилишини ташкил этиш, уларни жамлаш, саралаш бўйича Республика кўрик-танлови ўтказиш, ғолиб деб топилган рақамли таълим ресурсларини оммалаштириш, муаллифларни рағбатлантириш тартибини белгилаб берди.

Танловни ўтказишдан асосий мақсад қўйидагилар ҳисобланади:

- профессионал таълим муассасалари ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан яратилган рақамли таълим ресурсларини жамлаш, такомиллаштириш ва оммалаштириш;
- профессионал таълим тизимида рақамли таълим ресурсларининг ишлаб чиқилишини қўллаб-қувватлаш;
- яратилган рақамли таълим ресурсларини миллий интернет тармоғига эркин фойдаланиш учун жойлаштириш, улар тўғрисида кенг педагогик жамоатчиликни хабардор қилиш;
- таълим-тарбия жараёнига рақамли таълим ресурсларини жорий этиш бўйича услубий жиҳатдан кўмаклашиш;
- таълим жараёнида рақамли технологияларни самарали қўллаётган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари фаолиятини моддий ва маънавий рағбатлантириш.

Ушбу фан ва ўқув амалийтларининг рақамли таълим ресурсларини ишлаб чиқиш учун тажрибали мутахассисларни танлаш, уларни рақамли таълим ресурсларини ишлаб чиқиш бўйича ўқитиш, ишлаб чиқиш ишларини ташкил қилиш ва иштирокчиларни рағбатлантириши тизимли равишда йўлга қўйиш мақсадида профессионал таълим тизимида З босқичли “Энг яхши рақамли таълим ресурслари” Республика кўрик-танлови

ташкил этилди.

Унга кўра ҳар йили:

1-босқич – октябрь ойида профессионал таълим муассасалари миқёсида;

2-босқич – ноябрь ойида ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича) миқёсида;

3-босқич – декабрь ойида Республика миқёсида ўтказилади ҳамда номинациялар бўйича I, II ва III ўринни эгаллаган ғолиблар танловнинг кейинги босқичларида иштирок этади.

**Танловни уч босқичда олиб боришдан мақсад профессионал таълим муассасасида ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан ишлаб чиқилган рақамли таълим ресурслари ҳар босқичда сараланиб, энг яхши рақамли таълим ресурсларини оммалаштиришга тавсия этишдан иборат. Ушбу тавсия асосида рақамли таълим ресурлари саралаб олиниб, улар Профессионал таълимни ривожлантириш институтининг <http://rtr.profedu.uz> Рақамли таълим ресурслари платформасига оммалаштириш учун жойлаштирилади.**

**Хулоса.** Профессионал таълимда замонавий ахборот технологиялари воситалари асосида яратилган ўқув-услубий материаллар, шу жумладан, рақамли таълим ресурсларидан фойдаланишдан асосий мақсад замонавий ахборот-таълим услубларини шакллантириш, замонавий ахборот-педагогик, ахборот ва компьютер технологияларини қўллаш орқали таълим жараёнининг самарадор-

лиги, сифати ва унумдорлигини ошириш, уларнинг маълум маънода кутубхоналарини ташкил этиш, таълимнинг масофадан ўқитиш шаклларини амалда жорий этишдан иборат.

Рақамли таълим ресурслари билан ўқитиш осонлашади ва ўқувчилар учун ўрганиш жараёни кўпроқ қизиқарли ва самарали бўлади.

Рақамли таълим ресурсларининг амалиётда қўлланилиши орқали қўйидаги натижаларга эришилади:

- ўрганилаётган материални анъ-анавий ўқув адабиётларига нисбатан индуктив ёндашиш, эшитиш ва эмоционал таъсир қилиш йўллари билан етказиш орқали тушинишни енгиллаштиради;

- таълим олувчиликнинг эҳтиёжига, тайёргарлик даражасига, интеллектуал имкониятларига мослаштирилади;

- ўқув предметининг моҳиятига диққатни жалб этган ҳолда кўп сондаги маълумотларни ва топшириқларни қараб чиқиш, кўпроқ амалий масалалар ечишга имкон яратган ҳолда мураккаб ҳисоблашлар ва алмаштиришлардан холос этади;

- ўрганишнинг барча босқичларида ўзини-ўзи текшириб кўриш учун кенг имкониятларни яратади;

- етакчи ўқитувчилар тажрибаларидан реал вақт режимида, чекланмаган миқдорда, саноқсиз такрорлашлар орқали ўрганиш имкониятини яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги "Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-162-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 сентябрдаги "Профессионал таълим муассасалари учун ўқитиш материаллари тўпламларини яратишни ташкил этиш тўғрисида" ги 465-сон бўйруғи.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 26 июлдаги "Профессионал таълим тизимида "Энг яхши рақамли таълим ресурслари" Республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида" ги 329-сон бўйруғи.

4. А.Ж.Хуррамов. Рақамли таълим ресурслари: тушунчаси ва турлари. International scientific and technical conference "Digital technologies: problems and solutions of practical implementation in the industry" илмий конференция материаллари. 2023 йил 27–28-апрел.

5. Н.В.Жўраева. Рақамли таълим ресурслари ва уларнинг тақдимоти ва уларнинг мазмунни бўйича турлари. "Academic research in Education Sciences" илмий конференсия материаллари. 2021.

# ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ДУАЛ ТАЪЛИМ ШАКЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ИШ БЕРУВЧИЛАРНИНГ ТАЛАБИ АСОСИДА ЎРТА БЎГИН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**С.С.Тожиев**

Профессионал таълимни ривожлантириш институти мустақил тадқиқотчиси

Аннотация.	Ушбу мақолада бугунги кунда республикамизда ўрта бўғин кадрларни тайёрлашдаги муҳим йўналишлардан бири бўлган дуал таълимнинг афзаликлари ва аҳамияти баён қилинган. Шунингдек, Германия тажрибаси асосида дуал таълим шаклини кенгайтириш, дуал таълим шаклига йил давомида ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш масалалари ёритиб берилган.
Калит сўзлар:	Дуал таълим, Германия тажрибаси, йил давомида қабул, иш берувчилар, ҳаёт давомида таълим.
Аннотация.	В данной статье описаны преимущества и важность дуального образования, которое сегодня является одним из важных направлений в подготовке кадров среднего звена в нашей республике. Поэтому, исходя из опыта Германии, освещены вопросы расширения дуального образования и приема студентов на дуальное обучение в течение года.
Ключевые	Дуальное образование, немецкий опыт, прием в течение года, работодатели, обучение на протяжении всей жизни.
Annotation.	This article described the advantages and significance of dual education, which is one of the important directions in the training of middle-level personnel in our republic today. Therefore, based on the experience of Germany, the article emphasizes on the expansion of dual education and the year-round enrollment of students in such programs.
Keywords.	communicative competence, pedagogical conditions, interactive method and trainings, student-social network, speech, ZOOM.

Мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш, амалга оширилаётган ислоҳотларни муносаб мөҳнат ресурслари билан таъминлаш, профессионал таълим ва касбга ўқитиш муассасалари битирувчиларининг маҳаллий ва халқаро мөҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, иш берувчиларнинг эҳтиёжларига мос бўлган малакали ўрта

бўғин мутахассисларини тайёрлаш ҳамда ёшларнинг касб эгаллашга бўлган қизиқишиларини оширишга устувор йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда.

Жорий йилнинг 5 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти раслигида ўтказилган 2024 йилда таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оши-

рилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида професионал таълим муассасаларида ўрта бўғин кадрларини тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш, таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, дуал таълим шакли бўйича ўқувчилар сонини 50 минг нафарга етказиш вазифалари белгилаб берилди.

Бу борада янги ташкил этилган учbosқичли професионал таълим муассасалари (касб-хунар мактаблари, коллеж ва техникумлар)да ёшларнинг касб-хунар эгаллашлари, ҳаёт давомида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Жумладан, Ўзбекистонда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, Германия таълим тизимида ўз самарасини бериб келаётган таълимнинг дуал шакли жорий қилиниб, ёшларни касб-хунарларга ўқитиш борасида таълим муассасасида олинган назарий билимларни бир вақтнинг ўзида амалиётда қўллаш имконини берадиган янги таълим шакли жорий қилинди.

Германия тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, професионал таълим ривожланишининг асосий омили қонунчиликда професионал таълим иштирокчиларининг (корхона, ўқувчи, таълим муассасаси) вазифалари ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилган.

Маълумот учун: професионал таълимни ташкил этиш, ривожлантириш ва молиялаштириш 1969 йилда қабул қилинган ва 2005 йилда таҳrirланган "Касбий тайёргарлик тўғрисида"ги Қонунда расмий равишда мустаҳкамланган.

Ҳозирги кунда Германияда 330 га яқин расман тан олинган таълим касблари мавжуд. Касб-хунар таълими ва касбий профилларнинг янги қоидаларини янгилаш ва яратиш ёки малака ошириш қоидаларини модернизация қилишда иш берувчи ташкилотлар ва касаба уюшмалари асосий ўрин тутади.

Натижада мамлакатнинг барча соҳаларида ўқитиш, баҳолаш ва сертификат-

лар стандартлаштирилади. Бу минтаقا ва компаниядан қатъи назар, барча ўқувчиларнинг бир хил таълим олишларини таъминлайди. Бундан ташқари, иш берувчилар ушбу сертификатларга ишонади, чунки улар битирувчи нимани билиши ва бажара олишини англатади.

Германияда қуи ўрта таълимни тутгатган ҳар иккинчи ўқувчи дуал таълимда иштирок этишни танлайди.

Шунинг учун, Германияда ёшларнинг ўқиш билан бир вақтда ишлаши учун "Ёшлар меҳнатини муҳофаза қилиш тўғрисидаги" Қонунда ўқувчиларнинг иш вақтининг давомийлиги белгилаб берилган.

Германияда дуал таълимни ташкил этиш ва иш берувчиларни жалб қилиш Савдо саноат палатаси ва тармоқ савдо палаталари фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.



Шунингдек, статистик маълумотларга кўра Германияда ҳар йили 500 минг ўқувчи дуал таълимда иштирок этиш учун корхоналар билан шартнома имзолашга эришади ва 74 фоиз ёшлар ўқишини якунлагандан сўнг иш берувчилар билан меҳнат шартномаси имзолашга эришади.

Ўзбекистонда даставвал ушбу таълим шаклини жорий этиш ва такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий асос яратилди десак хото бўлмайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги "Таълим тўғрисида"ги ЎРҚ-637-сон Қонунининг

15-моддасида дуал таълим алоҳида таълим шакли сифатида белгиланган бўлса, ушбу Қонуннинг 17-моддасида эса дуал таълим шаклига таъриф берилган.

Яъни, “дуал таълим таълим оловчилик томонидан зарур билим, малака ва қўнилмаларни олишга қаратилган бўлиб, уларнинг назарий қисми таълим ташкилоти негизида, амалий қисми эса таълим оловчининг иш жойида амалга оширилади”.

Шунингдек, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг эксперклари билан ҳамкорликда дуал таълимни ташкил этишининг аниқ тартиб ва қоидалари

ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасининг “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида” 2021 йил 29 марта гаги 163-сон қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда республикамиздаги 234 та профессионал таълим муассасаларида 13 минг нафарга яқин ўқувчилар дуал таълим шаклида таълим олмоқда. Ўқувчиларга корхона (ташкилот)ларнинг 3603 нафар малакали ходимлари “устоз” сифатида бириклирлган бўлиб, улар томонидан ўқувчиларнинг амалий қўнилмалари бевосита иш жойларида шакллантирилмоқда (1-жадвал).

Т/р	Худудлар номи	Таълим муассасаси сони	Ўқувчилар сони					Дуал таълим ташкил этилган корхоналар сони	Ўқувчиларга бириклирлган устозлар сони		
			Жами	1-курсда		2-курсда					
				жами ўқувчи	шундан грант ўринларида	жами ўқувчи	шундан грант ўринларида				
	Республика бўйича жами:	234	12 741	8 227	5 512	4 514	563	3 603	3 144		
1	Қорақалпоғистон Республикаси	9	353	63	45	290	0	211	170		
2	Андиқон вилояти	25	1 959	1 463	755	496	53	72	167		
3	Бухоро вилояти	15	667	416	291	251	26	354	263		
4	Жizzах вилояти	17	689	503	362	186	0	232	43		
5	Қашқадарё вилояти	17	629	457	381	172	60	117	145		
6	Навоий вилояти	10	367	268	233	99	46	40	58		
7	Наманган вилояти	29	1 135	943	898	192	113	316	341		
8	Самарқанд вилояти	25	2 249	1 048	636	1 201	183	536	611		
9	Сирдарё вилояти	13	426	298	211	128	29	85	122		
10	Сурхондарё вилояти	12	569	403	403	166	26	225	98		
11	Тошкент вилояти	20	650	523	436	127	0	130	128		
12	Фарғона вилояти	29	1 979	918	551	1 061	27	1 039	804		
13	Хоразм вилояти	9	357	236	194	121	0	174	108		
14	Тошкент шаҳар	4	712	688	116	24	0	72	86		

Профессионал таълим муассасаларида дуал таълим шаклида таълим олаётган ўқувчилар ва ҳамкорлик қилинаётган иш берувчилар тўғрисида маълумот

Ўзбекистон меҳнат бозорини замонавий касбий қўнилмаларга эга ўрта бўғин кадрлар билан таъминлаш орқали иқтисадиётнинг давлат аҳамиятига эга тармоқлари ва саноат корхоналари учун профессионал ва малакали ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш тизими равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислоҳотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар

соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 3 июлдаги ПҚ-200-сон қарорида корхона ва ташкилотларнинг буюртмалари асосида профессионал таълим муассасаларида дуал таълим шаклида иил давомида ўқувчиларни ўқишига қабул қилиш тизимини жорий этиш белгиланган.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Професси-

онал таълим муассасаларига йил давомида ўқувчиларни дуал таълим шаклида ўқишга қабул қилиш тизими жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" 2023 йил 7 декабрдаги 647-сон қарори билан профессионал таълим муассасаларида ўқувчиларни йил давомида ташкилотларнинг буюртмалари асосида дуал таълим шаклида ўқитишни ташкил этиш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, бундан бўён ташкилотлардан бириктирилган устозларнинг педагогик маҳоратини ихтиёрий равиша ошириш учун ҳар йили дуал таълим шакли бўйича бепул қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, Ўзбекистонда профессионал таълим тизимининг жозибадорлигини оширишда дуал таълим шакли алоҳида ўрин тутади.

Мазкур таълим шаклини янада ривожлантиришда қуйидагиларга эътибор қаратишни мақсадга мувофик деб ҳисоблаймиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги "Таълим тўғрисида"ги ЎРҚ-637-сон Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2024 йилнинг 5 февраль куни ўтказилган 2024 йилда таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишидаги нутқи.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида" 2021 йил 29 мартағи 163-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Профессионал таълим муассасаларига йил давомида ўқувчиларни дуал таълим шаклида ўқишга қабул қилиш тизими жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" 2023 йил 7 декабрдаги 647-сон қарори.

#### **Интернет манбалари:**

1. <https://lex.uz>
2. <https://edu.uz>

Иш берувчиларнинг ўрта бўғин кадрларига бўлган мавжуд эҳтиёжи асосида дуал таълим шакли бўйича ўқишга қабул қилишни соддалаштириш;

ўқувчиларни дуал таълим шакли бўйича ўқишга қабул қилиш тизимини рақамлаштириш;

ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларидаги мавжуд иш ўринлари ҳамда уларда яратилган шарт-шароитлар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш;

дуал таълим шакли жорий этилган касб ва мутахассисликлар бўйича тегишли таълим дастурларини такомиллаштириш ҳамда Германия тажрибаси асосида методик материалларни ишлаб чиқиш;

малакали маҳаллий ва хорижий эксперталарни жалб қилган ҳолда худудларда дуал таълим шаклини жорий этиш юзасидан семинарлар, давра суҳбатлари ва тренинглар ташкил этиш;

доимий равиша ўқувчиларни дуал таълим дастурлари бўйича ўқишга жалб қилиш мақсадида улар ўртасида касбга йўналтириш ишларини тизимли ташкил қилиш.

# КАСБИЙ МОБИЛЛИК БҮЛАЖАК ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИСИ ПСИХОЛОГОГИК-ПЕДАГОГИК СИФАТИ

**Турабов Анвар Мавланкулович**

Жиззах политехника институти  
“Профессионал таълим” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация:	Мақолада бўлажак профессионал таълим ўқитувчиси касбий мобиллигини ривожлантиришга оид тадқиқот ишлари таҳлили, шунингдек, тушунчанинг педагогик амалиётга кириб келиши, қўлланилиши, мазмуни, моҳияти келтирилган.
Калит сўзлар:	профессионал таълим, профессионал таълим ўқитувчиси, мобиллик, касбий мобиллик, психологик-педагогик сифат.
Аннотация:	В статье представлен анализ научно-исследовательских работ, связанных с развитием профессиональной мобильности будущего педагога профессионального образования, а также внедрением понятия в педагогическую практику, его применением, содержанием и сущностью.
Ключевые слова:	профессиональное образование, педагог профессионального образования, мобильность, профессиональная мобильность, психологопедагогическое качество.
Abstract:	The article presents an analysis of research work related to the development of professional mobility of a future vocational education teacher, as well as the introduction of the concept into pedagogical practice, its application, content and essence.
Key words:	vocational education, vocational education teacher, mobility, professional mobility, psychological and pedagogical quality.

Таълим сифати ва педагог ходимлар касбий маҳоратига қўйиладиган талабларнинг тўхтовсиз ошиб бораётганлиги ўқитувчининг ўз фаолиятини янгича ёндашувлар асосида ташкиллаштириши лозимлигини тақозо қиласди. Чунки замонавий ўқитувчи нафақат ўзининг касбий маҳорати ва юқори малака даражаси, балки интеллекти, инновацион жараёнлардаги фаол иштироки, меҳнат фаолияти самарадорлиги ҳамда натижаларни лойиҳалай олиши, вазиятларни тўғри баҳолаш ва киришимли бўлиш, ўз ишига танқидий, ижодий ёндашиш, ташқи таъсирларга бардошли, ахборотларни тезкор топиш ва қайта ишлаш, ҳаракатчан, ташаббускор бўлиши билангина таълим муҳитида рақобатбардошлигини сақлаб қолади.

Мазкур талаблар ўқитувчидан узлуксиз равишда ўқиши, билимларини ривожлантириш, ўзгаришларга тезкор мослашиш, қарорлар қабул қилиш тезлиги, касбий ўсиш нуқталарини аниқлай олиш ва бошқариш, ўз мавқенини мустаҳкамлаши, миссиясини ростлаши ҳамда доимий фаол бўлишини ифодаловчи когнитив мобилликга эга бўлиш заруритини белгилайди.

Ҳаёт давомида таълим олишга бўлган эҳтиёж жамиятнинг ўзгарувчан шароитлари билан боғлиқ бўлиб, унда фақат мобил шахс касбий муваффақиятга эриша олади.

“Мобиллик” (“mobilis”) тушунчаси лотин тилидан олинган бўлиб, “ҳаракатчан” маъносини англатади. Электрон манбаларда эса ушбу тушунча “олға қараб ҳа-

ракатланиш қобилиятига эгалик”, кўпроқ маош олиш истагида турар жойи ёки ишини, шунингдек, ўзининг ижтимоий ҳамда мулкий ҳолатини тезкор ўзгартира олиш қобилиятига эгалик, ўзининг мавжуд аҳволи, ҳолатини тезкор ўзгартиришга бўлган ҳаракатчанлик, қобилият эканлиги кўрсатилади.

Луғатларга мурожаат қилинганда “мобиллик” атамаси “ҳаракатчан, қўзғалувчан”, “ҳаракатчан, тезкор ҳаракатга, қўзғалишга лаёқатли”, каби маъноларни англалиши кузатилди. Ўз-ўзини доимий ривожлантириш, ўзгаришларга, янги ва кутилмаган вазиятларга тезкор муносабат билдириш ва мослашиш қобилиятига эга ўқитувчига нисбатан мобил тушунчасини қўллашимиз мумкин. Чунки, айнан шу турдаги ўқитувчигина ўзининг бош ғоясини тўла англайди, ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланаётганлигини онгли равишда таҳлил қиласи, касбий фаолликни намойиш этади ва амалий ҳаракатларга киришувчан бўлади. Демак, мобилликни фақатгина шахснинг жисмоний ҳаракатчанликка бўлган қобилияти эмас, балки унинг психологик хусусиятлари, когнитив ва ҳиссий жараёнларнинг ҳаракатчанлиги сифатида ҳам англашимиз мумкин.

**Келтирилган барча шарҳлар  
«мобиллик» тушунчаси  
негизида бирор-бир  
фаолиятни амалга оширишга  
бўлган ҳаракатчанлик, тезкор  
ҳаракат қилиш маъноси  
ётишини англатади. Глобал  
ахборотлашув, илм-фан,  
техника ва технологияларнинг  
тезкор ривожланиши  
таълим мазмунига ҳам изчил  
равиша ўзгаришлар  
киритишни тақозо этмоқда.**

Мобиллик тушунчаси дастлаб ўтган асрнинг бошларида америкалик социолог олим П.А.Сорокиннинг тадқиқотларида учрайди. Унинг фикрича, мобиллик “инсоннинг ёки ижтимоий обьектнинг маълум бир ижтимоий вазиятдан бошқасига қучиши”ни ифодалайди. Тадқиқотчи индивидуал ва гурухли ижтимоий мобилликни тадқиқ қилиш асносида уларни вертикал ва горизонтал турларга ажратади ҳамда мазкур тушунчанинг илмий атама сифатида вужудга келишини дунё миқёсида инсон мақомининг ўзгариши билан боғлиқ жараёнларни ифодалаш зарурияти билан изоҳлади. Сорокиннинг тадқиқотлари кейинчалик кўплаб социолог олимлар томонидан давом эттирилди ҳамда мобилликнинг инсон капиталининг бойишига, унинг шахсий ривожланиш, янги билимларни эгаллаши ва алмашиши, тилларни ўрганиши, маданиятлараро кўникмаларини ривожлантириши орқали ҳаётда ўз ўрнини топиши ва иш жойи билан таъминлай олиш даражасида кўмак беришига эътибор қаратдилар.

Психологияда Ю.Ю.Дворецкая, “мобиллик”ни ҳаракатчанлик, ўқув-билиш ва касбий соҳаларда ҳаракат қилиш қобилияти деб, Э.А.Никитина, шахснинг, инсонга субъективлик ва касбий хатти-ҳаракатларнинг ресурсларини бошқаришга имкон берувчи доимий ўзгарувчан атроф-муҳит шароитларига мослашув механизми сифатида тушунадилар.

Л.В.Горюнованинг фикрига кўра, мобиллик доимий ўзгариб турувчи шароитларда индивид ва жамият (касбий гурух, ижтимоий қатлам) ўртасидаги муносабатларнинг турли усуллари тўпламига асосланади.

Л.В.Горюнова ўз тадқиқотида касбий мобилликни қуидаги ёндашувлар асосида кўриб чиқади: шахсий-фаолиятли, тизимли-синергетик, вазиятли, компетентли. Шахсий-фаолиятли ёндашув нуқтаи назаридан, касбий мобиллик инсоннинг касбий-ҳаёт йулида фаоллашиб бораётган мотивацияли ва мақсадли

фаолияти деб таърифлайди. Мобилликнинг белгилари қуидагилардир: ўқитувчининг ўз касбий профессионаллик даражасини акс эттириш қобилияти; ҳаёт фаолиятидаги ўзгаришларга тайёрлик; фаолият даражаси; самарали мақсадни белгилаш; натижаларни башорат қилиш.

Тизимли-синергетик ёндашув касбий мобилликни танловли вазиятда эркин қарор қабул қилиш сифатида белгилайди. Бунга қуидагилар киради: ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини ўқитиш қобилияти; аналитик кўникмалар, башорат қилиш ҳамда қарор қабул қилиш қобилияtlари.

Кейинги даврларда педагогика наза-

**Вазиятли ёндашув  
мобилликни вазиятларнинг  
доимий ўзгарувчан  
шароитида ўз фаолиятини  
амалга ошириш, яъни  
шахсдан вазиятли  
ўзгарувчанликни намойиш  
қилиш қобилияти сифатида  
белгилайди. Бундай  
касбий мобилликнинг  
белгилари сифатида  
инсоннинг воқеликга  
таъсир қилиши, воқеликни  
бошқариш, улардан ўзини  
ривожлантириш учун  
фойдаланиш қобилиятини  
айтиш мумкин.**

рияси ва амалиётида мобиллик тушунчаси жараён ҳамда шахснинг интеграл хусусияти сифатида бирмунча кенг тадқиқ қилинмоқда.

Касбий педагогикада мобиллик қуидаги холларда кўриб чиқлади:

– ижтимоий-иқтисодий – ўзгарувчан

мехнат бозори шароитларига мослашишга тайёрлик ва қобилият сифатида;

– касбий – бир касб доирасида янги техника ва технологияларни тез ва муваффақиятли ўзлаштириш, зарурат бўлганда тегишли ва янги касбларни, шунингдек, касбий юқорилаб бориш жараёнидаги касбий мақом ҳаракатларини ўзлаштириш;

– педагогик инновативлик – таълимда инновацияларни яратиш, ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш фаолияти сифатида.

Т.Б.Котмакова мобиллик деганда – шахс томонидан фаолиятнинг бошқа турлари самарали амалга оширилишининг интегратив хусусиятларини тушунади. Бу хусусиятлар ўқишига бўлган мотивация шаклланишида, ижодий фаолиятга бўлган қобилиятда, самарали мулоқотда намоён бўлади ва инсонга фаол ижодий ўзини-ўзи ривожлантириш жараёнида бўлишига имкон беради.

Е.А.Иванченко фикрича, мобиллик шахснинг индивидуал, махсус шахсий хусусиятларини, яъни ўз-ўзини такомиллаштириш қобилияти, ўзига хослик ва ижодий ҳаракатлар қобилиятини ўз ичиға олади

Э.Ф.Зеер эса мобилликни инсоннинг ижтимоий, маданий ёки касбий муҳитда ўз мақоми ёки мавқеини тезда ўзгартириш қобилиятини тавсифловчи интеграл хусусият сифатида кўриб чиқсан.

С.В.Нужнова мобилликни инсоннинг интеграл хусусияти сифатида қуидагиларни белгилайди: касбий мобилликка, қобилият ва касбий мобиллик асосларини билишга нисбатан шаклланган ички эҳтиёжни, шунингдек, шахснинг касбий мобилликка рефлексия асосида тайёрлиги, шаклланган ўз касбий мобиллигини англашни. Ушбу компонентларнинг ҳар бирининг ривожланиши охир-оқибат мобилликнинг шаклланишига олиб келувчи, бирламчи тузилмаларни ўз ичиға олади.

Л.В.Ведерникова тадқиқотларида мобиллик ўқитувчига ўзини-ўзи англаши,

**Ҳар қандай мобиллик шахснинг ривожланиш даражасига, объектив воқеликка фаол таъсир қилиш ва ўзгариши истагига боғлиқ. Мобил шахс фаоллик, ижтимоий фаоллик, пластика, очиқлик ва ўз-ўзини амалга ошириш истаги каби маълум психологик ҳусусиятга эга бўлиши зарур. Бу ҳусусиятлар мобилликни намоён қилишни таъминловчи ўзгарувчан шароитларда яхлитликни сақлашга ёрдам беради.**

Касбий мақсадларни самарали амалга ошириш имкониятини, касбий билим, кўнишка ва малакаларни педагогик мақсадга мувофиқ равишда фаолият характерини ва ўзини-ўзи ўзгарувчан касбий функциялар ҳамда педагогик меҳнат шароитларидан келиб чиқиб қайта қуриш қобилияти ҳисобига эгилувчан мослашибиши қобилиятини таъминлади, деб кўрсатади. Шу сабабли, касбий мобиллик ўқитувчининг ўзини-ўзи ривожлантириш учун энг муҳим касбий сифатлар мажмуидир.

Э.Ф.Зеер ва бошқалар тадқиқотларида мобилликнинг ҳар хил турларини аниқладилар ижтимоий, меҳнат, маданий, ижтимоий-касбий, таълим, касбий мобиллик. Бунда асосий шакл шахс ва ижтимоий муҳит ўртасидаги муносабатларнинг интенсивлиги ҳисобланади.

Э.Ф.Зеер маданий мобилликни, биринчи навбатда, ҳозирги воқеликни мустақил ва эркин фикрлаш ва баҳолаш қобилияти, ўқув фанлари дастурларини ва тақдим этилаётган маълумотларни ижодий идрок этиш, танқидий фикрлаш

қобилияти, янги вазиятларда ноанъанавий ечимлар топиш қобилияти, шунингдек, ўрганилаётган соҳадаги каби, ижтимоий тараққиётда ҳам ўзгаришларнинг табиати ва боришини олдиндан билиш қобилияти деб ҳисоблайди.

Ю.И.Калиновский ижтимоий-маданий мобилликни шахснинг, мутахассиснинг ўз ҳаёт фаолиятининг касбий соҳасидаги ўзгаришларга тез ва самарали жавоб бериши, шунга мос равишда ўз ҳаракатларини қайта ташкил қилиш қобилияти сифатидаги ўзига хос ҳусусияти деб ҳисоблайди.

Унинг фикрича, педагогик мобиллик - ўқитувчининг таълим жараёнининг бошқа субъектлари билан (талабалар, уларнингота-оналари, ҳамкаслари, маъмурият) замонавий таълим концепциясининг мақсад ва вазифаларига, жаҳон ва миллий маданият қадриятларига асосланган биргалиқдаги фаолиятини ташкил этиш, ўзининг ижтимоий-маданий ва ижтимоий-касбий компетентлигини амалга ошириш, шунингдек, ўқитувчи ташкил этадиган субъект-субъект муносабатларининг натижаларини тушуниш ва башорат қилиш жараёнидаги қобилиятидир.

В.В.Нестеров замонавий ўқитувчи қўйидаги компетенцияларга эга бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар: когнитив (касбий ва педагогик эрудитция); психологик (ҳиссий маданият ва педагогик ҳуշёрлик); коммуникатив (мулоқот маданияти ва педагогик такт).

Касбий мобиллик замонавий жамиятда юзага келадиган турли хил муаммоли вазиятларга шахснинг самарали муносабатининг асоси бўлиб, энг муҳими шуки, у атрофдаги оламни ва шу оламдаги ўзини самарали ўзгаришишнинг асоси бўлган шахсий манбалардир.

Касбий мобиллик – муайян касбий фаолият турини бошқаси билан алмаштириш ёки меҳнат турини ўзгаришиш имконияти ва қобилиятига эгалик. Моҳијатига кўра касбий мобиллик, яна шунингдек, касбий билимларнинг юқори дара-

жада умумлашганлик, ўз мутахассислиги соҳасида турли вазифаларни бажаришда самарали воситаларни тезкор танлаш ва улардан фойдаланишга тайёрлик дараҷаларини назарда тутади. А.И.Ковалёваннинг кўрсатишича, касбий мобиллик олий таълим педагогларининг фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланади. “Олий таълим муассасаси педагогининг касбий мобиллиги унинг ҳар хил турдаги ёки бир-бира га яқин фанлар бўйича машғулотлар (маъруза, семинар, амалий машғулот ва бошқалар) ни муваффақиятли ташкиллашибдириши ва ўтказишини ифодалайди”. Юқорида билдирилган фикрлар ўз навбатида умумий ҳолда “таълимнинг мобиллашуви” тушунчасининг моҳиятини ёритишига хизмат қиласи. Шундан келиб чиққан ҳолда “таълимнинг мобиллашуви” тушунчасини қуидагича изоҳлаш мумкин: таълимнинг мобиллашуви таълим жараёнининг илм-фан, техника ва технологияларнинг тезкор ривожланиши, глобал ахборотлашув билан боғлиқ ҳолда ўқитиш мазмунини янги билимлар билан тезкор бойитиш, уларни таълим олувчиларга самарали, фаол етказишни тақозо этувчи жараёндир.

Касбий мобилликнинг ҳаракатчан тури деганда, биринчи навбатда, ички мотивациялар таъсирида ўз касбий фаолият турларини тубдан ўзгартириш қобилия-

тини тавсифловчи тур тушунилади. Бу тур асосан холерик ва сангвиник одамларга хосдир. Инсон ўзининг ижтимоий мавқеини тезда мустаҳкамлаш ва молиявий аҳволини яхшилаш, шунингдек, аллақачон “зерикарли” касбий ва ижтимоий холатини тезда ўзгартириш учун касбини ўзгартириш тӯғрисида қарор қабул қиласи. Ҳаракатчан касбий мобилликнинг самарадорлиги ҳар хил бўлиши мумкин: жуда тез мартабанинг ўсиши, фаровонликнинг сезиларли ўсиши ва янги касбга бўлган иштиёқнинг пайдо бўлиши ёки аксинча, янги касбдан тез зерикиш ва ижтимоий мавқенинг пасайиши кўринишида.

Вазиятли касбий мобиллик бироз бошқача характерга эга. У ички рағбатлантириш билан эмас, балки турли хил ташқи ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Бу омилларга қуидагилар киради: мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг ўзгариши, янги нуфузли касбларнинг пайдо бўлиши, оиласи шароитнинг ўзгариши. Шунга ўхшаш омил сифатида ташкилот раҳбарининг ходимни бошқа “ишга” юбориш истаги бўлиши ҳам мумкин.

Ва ниҳоят, статик касбий мобиллик ҳам ички рағбатлантирувчи омиллар ҳамда ташқи ижтимоий шароитлар туғайли юзага келади. Одатда, уни амалга оширишдан олдин касбни ўзгартириш-

**Инсоннинг шахсий фазилатлари ва унинг турли хил ижтимоий вазиятларда касбий мобиллигини намойиш қилиш қобилияти ўртасидаги муносабатни аниқлаш учун,  
В.А.Мишченко касбий мобилликнинг яна бир типини таклиф қилиш зарур деб ҳисоблайди. Бундай мобиллик типини шартли равишда ижтимоий-психологик тип деб аташ мумкин.  
У касбий мобилликнинг қуидаги турларини ўз ичига олади:**

- 1) ҳаракатчан (мослашувчан);**
- 2) вазиятли;**
- 3) статик.**

нинг эҳтимолий ижобий ва салбий оқибатларини дастлабки баҳолаш, янги касб ва янги иш шароитлари ҳақида батафсил маълумот олишга эътибор қаратилиши керак бўлади.

Касбий мобиллик, алоҳида ҳодиса сифатида, ижтимоий мобилликдан, яъни, ривожланаётган ижтимоий вазиятга қараб шахснинг ижтимоий мавқеини ўзгаришига тайёрлигидан келиб чиқади.

Аммо кейинчалик “касбий мобиллик” тушунчаси ҳам педагогик ва ҳам психологияк жиҳатдан талқин қилина бошланди. Бу сўнгги ўйнилликларда илм-фан ва технологияларнинг жадал ривожланиши кескин ижтимоий ўзгаришларга боғлиқ эмаслиги билан изоҳланади. Ривожланган мамлакатларда таълимнинг умумий самарадорлик кўрсаткичлари сезиларли даражада ошди, бунда фан ва техника нинг жадал ривожланиши, фаннинг кўплаб соҳаларида билимга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ янги касбларнинг пайдо бўлиши, инсон ҳаёти давомида касбий фаолият турларини ўзгариши эҳтимолининг юқори бўлишига олиб келди.

Л.А.Амиррова тадқиқот ишларида ўқитувчининг касбий мобиллиги тушунчасини касбий ўқув-тарбиявий фаолиятнинг ўзгарувчан шароитларига муваффақиятли мослашишга ва касбий ўсишнинг асоси бўлган касбий мақсадга эришишнинг педагогик муаммоларини ҳал қилишга имкон берувчи энг муҳим шахсий хусусият сифатида белгилайди.

Муалиф ўқитувчининг касбий мобиллиги тузилмасида қуйидаги хусусиятларни белгилайди: когнитив (касбий компетенцияни ташкил этувчи касбий-педагогик билимлар); операцион-фаолиятли (ўқитувчининг касбий фаолиятнинг турли вазиятларига муваффақиятли мослашиши учун зарур бўлган таълим ва тарбия технологиялари ҳамда усулларини ўзлаштириши) ва тартибга солувчи (касбий фаолиятнинг турли вазиятларига муваффақиятли мослашиш ва ўзини ўзи англаш учун зарур бўлган шахсий хусусиятларнинг ривожланган-

лиги).

Шахс мобиллигининг таркиби қисмларига: фаоллик, ижодкорлик, эгилувчанлик, мослашувчанлик каби шахсий сифатларни киритади. Муалифнинг фикрига кўра фаолият компоненти – ўз ҳара-

**О.Г.Чеховских ўз тадқиқот ишида “Мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг касбий мобиллиги” тушунчасини малака ошириш мисолида кўриб чиқади. Муалиф бу тушунчани, мактабгача таълим тизимидағи бир мутахассислик доирасида касбий даражасини оширишдаги каби, бошқа турдош мутахассисликларни ўзлаштиришда фаолликни, креативликни, эгилувчанликни намоён қилиб, педагогик ҳамда бошқарув ходимларининг касбий ривожланиш траекториясини яратиб, унинг касбий даражасини оширишга тайёрлигини белгиловчи шахснинг интегратив хусусияти сифатида белгилайди.**

катларини ва мавжуд касбий билимларни баҳолаш; зарур касбий билимларни эгаллаш, қайта ишлаш ва уларни амалда қўллаш, шунингдек, касбий ривожланиш йўлини лойиҳалаш қобилиятини назарда тутади.

Касбий мобилликнинг когнитив компоненти – мактабгача таълим педагогикаси, психологияси, технологияси ва норматив-хуқуқий қонунчилиги соҳасидаги касбий билимларни ташкил қилади.

Шундай қилиб, адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, “мобиллик” тушунчаси шахсни ўрганувчи турли фан соҳалари олимлари – маданиятшунослар, ижтимоий соҳа ўқитувчилари, фан ўқитувчилари, психологлар томонидан қўлланилади.

Биз ўқитувчиларнинг мобиллигини

шакллантириш муаммосини ўрганишга турли ёндашувларни кўриб чиқдик ва тадқиқотимиз учун Л.В.Горюнованинг ўқитувчининг касбий мобиллигини компетенциявий ёндашув нуқтаи назаридан кўриб чиқиши қизиқиш уйғотди. У касбий мобилликни касбий фаолиятда муҳим муаммолар пайдо бўлиши билан шаклланадиган, долзарблашадиган ва фаоллашадиган маълум бир компетенциялар мажмуи сифатида белгилайди.

<b>Касбий етуклик (профессионализм)нинг даражалари</b>		<b>Касбий компетентлик даражалари</b>
<b>«Энг мақбул» (истиқболли)</b>	<b>9</b>	Англанган компетентлик («Мен нима билишим ҳақида биламан»)
	<b>8</b>	Англанилган компетентсизлик («Мен билмаслигим ҳақида биламан»)
	<b>7</b>	Англамаган компетентсизлик («Мен – ҳеч нарса билмаслигим ҳақида, ҳеч нарса билмайман»)
<b>«Энг муҳим» «номигагина»</b>	<b>6</b>	Англанган компетентлик («Мен нима билишим ҳақида биламан»)
	<b>5</b>	Англанилган компетентсизлик («Мен билмаслигим ҳақида биламан»)
	<b>4</b>	Англамаган компетентсизлик («Мен – ҳеч нарса билмаслигим ҳақида, ҳеч нарса билмайман»)
<b>«Яширин, аммо юзага чиқими мумкин бўлган» (илми-тарбияли)</b>	<b>3</b>	Англанган компетентлик («Мен нима билишим ҳақида биламан»)
	<b>2</b>	Англанилган компетентсизлик («Мен билмаслигим ҳақида биламан»)
	<b>1</b>	Англамаган компетентсизлик («Мен – ҳеч нарса билмаслигим ҳақида, ҳеч нарса билмайман»)

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Амирова Л.А., Профессионально-педагогическая мобильность: сущность, стратегии реализации, векторы развития. - М.: РАО, 2004. - 190с.
2. Ведерникова Л.В., Профессионально-педагогическая мобильность: теория и практика: М-во образования и науки Российской Федерации, - Ишим: Изд-во Ишимского гос. педагогического ин-та им. П. П. Ершова, 2011. - 143 с.
3. Горюнова Л.В., Критерии и уровни сформированности профессиональной подготовки будущего учителя // Гуманитарные и социально-эконом. науки. – 2006. - № 1. - С. 181-184.
4. Горюнова Л.В., Профессиональная мобильность специалиста как проблема развивающегося образования России: автореф. дисс. ... канд. пед. н.. - Ростов н/Д, 2006. - 39 с.
5. Дворецкая Ю.Ю., Психология профессионально мобильной личности: дис. ... канд. психол. наук. – Краснодар, 2007. - 147 с.
6. Желтова С.Г., Развитие профессиональной мобильности педагога в современных

- социально-экономических условиях. - Екатеринбург, 2005. - 347 с.
7. Зеер Э.Ф., Модернизация профессионального образования: компетентностный подход // Образование и наука. - 2004. - №3. – С. 42-53.
  8. Иванченко Е.А., Формирование профессиональной мобильности будущих экономистов в процессе обучения в высших учебных заведениях: дис. ... канд. пед. наук: . - Одесса, 2005.- 181 с.
  9. Калиновский Ю.И., Развитие социально-профессиональной мобильности андрогога в контексте социокультурной образовательной политики региона : дис. ... д-ра пед. наук . - СПб., 2001. - 470 с.
  10. Котмакова Т.Б., Формирование личной мобильности как профессионального качества будущих специалистов в процессе обучения в вузе : дисс. ... канд. пед. наук. . Хабаровск, 2011. - 198 с
  11. Мищенко В. А., Профессиональная мобильность как одно из основных психолого-педагогических качеств будущего специалиста // Журнал Известия Самарского научного центра Российской академии наук. 2011. Выпуск № 2-5. - Том 13.
  12. Несторов В.В., Педагогическая компетентность. - Екатеринбург, 2003. - 186 с.
  13. Никитина Е.А., Функциональное значение профессиональной мобильности в подготовке специалиста // Вестник Иркутского государственного лингвистического университета. - 2006. - № 2. – С. 34-38.
  14. Нужнова С.В., Формирование готовности к профессиональной мобильности // Высшее образование в России, 2009. - № 6. – С.29-35
  15. Чеховских О.Г., Формирование профессиональной мобильности воспитателей дошкольных образовательных учреждений в процессе повышения квалификации : диссертация ... кандидата педагогических наук: 13.00.01.- Самара, 2013.- 166 с.
  16. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев ва б.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 672 б.
  17. Крысин Л.П. Толковый словарь иноязычных слов. – М.: “Эксмо”, 2006. – 944 с
  18. Jones A.E. Social Mobility in Late Antique Gaul: Strategies and Opportunities for the Non-Elite. Cambridge, Cambridge Univ Press Publ., 2009. – 379 р. (DOI: 10.1017/CBO9780511596735)
  19. Lipset S., Bendix R. Social Mobility in Industrial Society. Berkeley, Univ. of California Press Publ., 1967.
  20. Sorokin P.A., Social and Cultural Mobility. The free Press of Glencoe, Illinois. – 654 р. – URL: <https://archive.org/details/in.ernet.dli.2015.275737>
  21. Академическая мобильность // <https://ru.wikipedia.org/wiki>.
  22. Ковалёва А.И., Профессиональная мобильность // Ж. Знание, понимание, умение. – М.: 2012. - № 1. – С. 298-299.
  23. Турабов А., Инновацион таълим мұхитида бўлажак мутахассисларнинг касбий мобиллигини умумривожлантириш ва ихтисослаштириш тамойили асосида шакллантириш. “Таълим, фан ва инновация” маънавий-маърифий, илмий-услубий журнал. Тошкент, 2022-йил 6-сон, 220-223 б.
  24. Турабов А., Бўлажак мутахассисларни тайёрлашда уларнинг касбий мобиллигини шакллантириш компонентлари. Scientific journal ERUS (Educational Research in Universal Sciences), Volume 2 // Special Issue 18 //| 2023 у. 312-316 б.

# КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИДА БЎЛАЖАК ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ТЕХНИК- ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИК ШАКЛЛАНГАНЛИГИ ТАШХИСИ

У.М. Ярлакабов

Жиззах политехника институти  
«Профессионал таълим» кафедраси доценти

**Аннотация.**

Тадқиқот давомида профессионал таълим ўқитувчиларини техник-технологик тайёрлаш асосларини белгиловчи 60112400 – Профессионал таълим (транспорт воситалари муҳандислиги (автотранспорт)тайёрлов йўналиши бўйича малака талаблари мазмуни ўрганилди. 60112400 – Профессионал таълим (транспорт воситалари муҳандислиги (автотранспорт)тайёрлов йўналиши ўқув режасида ўқитиш кўзда тутилган техник-технологик компетентликнинг шаклланишига имкон берувчи фанлар рўйхати аниқланди.

**Таянч сўзлар:**

профессионал таълим ўқитувчиси, техник-технологик компетентлик, ташхислаш, шаклланганлик даржалари, компетентли ёндашув.

**Аннотация.**

В ходе исследования изучено содержание квалификационных требований по направлению подготовки 60112400 — Профессиональное образование (машиностроение транспортных средств (автотранспорта), которое определяет основы технической и технологической подготовки преподавателей профессионального образования. 60112400 – Определен перечень предметов, позволяющих формировать технико-технологическую компетентность, предусмотренных для обучения по программе профессионального образования (машиностроение транспортных средств (автотранспорт).

**Ключевые слова:**

педагог профессионального образования, технико-технологическая компетентность, диагностика, степень образованности, компетентный подход.

**Abstract.**

In the course of the research, the content of qualification requirements for the field of training 60112400 – Professional education (engineering of vehicles (motor transport)), which defines the basics of technical and technological training of teachers of professional education, was studied. 60112400 – The list of subjects enabling the formation of technical-technological competence provided for training in the curriculum of professional education (engineering of vehicles (motor transport)) was determined.

**Key words:**

teacher of professional education, technical-technological competence, diagnosis, levels of formation, competent approach

Ҳозирги кунда замонавий ишлаб чиқаришга мустақил, ижодкор, ташаббускор, тадбиркор, фойда келтира оладиган, ғояларни таклиф қилиш ва ишлаб чиқиш, ноанъанавий ечимларни топиш

ва иқтисодий фойдали лойиҳаларни амалга оширишга қобилиятли мутахассислар керак. Бу эса, ўз навбатида, кўп жиҳатдан профессионал таълим муассасалари (техникумлар, касб-хунар мактаб-

лари) учун муҳандис-педагог кадрлар тайёрлайдиган 60112400 – Профессионал таълим (транспорт воситалари муҳандислиги (автотранспорт)тайёрлов йўналишига нисбатан талабларни ўзгартирди. Бу ўзгаришлар 60112400 – Профессионал таълим (транспорт воситалари муҳандислиги (автотранспорт)тайёрлов йўналиши давлат таълим стандартида ўз аксини топди. Ушбу стандартда эса олий таълим муассасаси битирувчисида касбий компетенцияларни шакллантиришга алоҳида эътибор берилган.

С.Бойконинг тадқиқотида эса таълим жараёнининг оптимал технологияларини яратиш ва уларни бажариш алгоритмлари воситасида муҳандислик фанларини ўқитиш жараёни оптималлаштириш имконини берадиган айнан компетентли ёндашувдан фойдаланиш заруриятига урғу берилган [3].

Шунга мувофиқ професионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашни амалга оширувчи олий таълим муассасалари олдида турган асосий вазифалардан бири талабларнинг техник-технологик компетентлигини шакллантиришдир.

**Професионал таълим ўқитувчиларининг техник-технологик компетентлиги деганда биз самарали техник-технологик фаолиятни амалга ошириш, узлуксиз ўзгараётган замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари шароитида ўз касбий маҳоратини ривожлантиришга тайёрлиги ва қобилиятлилигини акс эттирувчи мутхассиснинг мажмуавий тавсифини тушунамиз.**

Бўлажак професионал таълим ўқитувчиларининг техник-технологик компетентлигини шакллантириш жараёни мазмуни ва ташкил этилишига тузатишлар киритиш ушбу компетентлик шаклланганлигининг мавжуд ҳолати ташхисини талаб этади.

В.Аванесовга кўра, педагогик таш-

Бўлажак професионал таълим ўқитувчиларини касбий тайёрлаш жараёнида техник-технологик компетентлиги шаклланганлигини ташхислаш учун қўйидаги воситалардан фойдаланилди: професионал таълим ўқитувчиларининг техник-технологик тайёргарлиги асосларини аниқловчи давлат таълим стандартларини тадқиқ қилиш, Республикаиз олий таълим муассасаларида професионал таълим ўқитувчиларининг техник-технологик тайёргарлигини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари; професионал таълим ўқитувчиларида техник-технологик компетентликнинг шаклланиши имконини берувчи фанларни аниқлаш.

хислаш–таълим натижаларини баҳолаш учун шахс хусусиятларини аниқлашга қаратилган педагоглар фаолиятининг маҳсус тизими [1].

Ватанимиз ва хорижий олимлар (В.С.Авенасов [1], Б.П.Битикас, Л.И.Катеева [2], И.П.Подласий [6], А.ВХоторской [11], Т.В.Пушкирева [7], С.В.Бойко [3], Н.В.Григорева [4] ва бошқалар) тадқиқотлари таҳлили ташхислаш методикалари ва воситаларининг спектри кенглигини кўрсатади.

Бундан ташқари қўйидаги педагогик методлардан фойдаланилди: илмий адабиётларнинг назарий таҳлили ва умумлаштирилиши, педагогик кузатув, сұхбат, анкета сўрови, статистик тадқиқот.

Техник-технологик компетентлик элементларининг шаклланганлигини ташхислаш мақсадида Жиззах политехника институти базасида таъкидовчи тажриба ўтказилди. Унда 60112400 – Профессионал таълим (транспорт воситалари муҳандислиги (автотранспорт) таълим йўналишининг 3-4-курслардан

жами 48 нафар талабаси жалб этилди. Бундан ташқари, тажрибада иштирок этиш учун 17 нафар кишидан иборат эксперт гурухи шакллантирилди: мұхандислик-педагогик тармоқлар, транспорт соҳаси, иқтисодиёт шаклланиши ва ривожланишида бевосита иштирок этаётган ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари.

Таъкидловчи тажриба босқичини ўтказиш учун мос тадқиқотчилик аппаратини ишлаб чиқдик. Айнан, техник-технологик компетентлик компонентлари, ўрганилаётган феномен шаклланғанлиги мезонлари, кўрсаткичлари ва даражалири аниқланди, ташхис учун методикалар мажмуаси танланди.

Техник-технологик компетентлик структурасида мотивацион-қадриятли, когнитив, коммуникатив ва рефлексив компонентлар ажратилди. Тадқиқ қилинаётган феноменнинг шаклланғанлик мезонларига компетентли ёндашувга таяниб мотивацион-қадриятли, когнитив, коммуникатив ва рефлексив мезонларни киритдик, уларнинг ҳар бири мос гурухли кўрсаткичларни тавсифлайди. Ушбу кўрсаткичларнинг мавжудлиги техник-технологик компетентлик шаклланғанлининг маълум даражаси (қуий, ўртача, юқори) ҳақида гувоҳлик беради.

Сўровнома, шунингдек, индивидуал сұхбатлар ёрдамида техник-технологик компетентлиликни эгаллашга талабаларда салбий ва ижобий мотивациянинг тўғридан тўғри ва билвосита сабабларини аниқлашга эришдик. Одатда, дастлабки қуий назарий тайёргарликка эга талабалар мұхандислик йўналиши ихтисослик фанларини ўзлаштиришда қийинчиликларга дуч келади. Бу таълим жараёнида ўзига ишонмасликни келтириб чиқаради ва оқибатда меҳнат фаолиятида қийинчиликларга олиб келади. Бундай талабалар позитив ва муваффақиятли мотивацияга ўзларини йўналтира олмайдилар. Бироқ шундай талабалар ҳам борки, керакли технологик сифатларни шаклантурвчи касбий фанларни ўрга-

нишга ажратилган вақт етарли эмас ёки бу фанларнинг мазмунини юзаки деб ҳисбладилар. Бунинг оқибатида таълим жараёнидаги муваффақиятли мотивациянинг даражаси жуда юқори бўлиши қисман салбий динамикага ўтади.

«Шахснинг муваффақиятга эришиши (ёки муваффақиятсизликдан қочишига) йўналғанлигини аниқлаш» А.Реон [8], «Касбларнинг жозибадорлиги омилини ўрганиш» В.Ядов [12], «Олий ўқув юртида таълим мотивациясини ўрганиш» Т. Илина [5] методикаларидан, шунингдек сўровнома ва сұхбатлар маълумотларидан фойдаланиб, биз талабаларнинг мотивацион-қадриятли компонентининг шаклланғанлик даражаси ўртacha даражада эканлиги ва барча кўрсаткичлар бўйича ўсиш бўлиши учун ихтисослик тайёргарлиги янги ёндашувларни жорий этишни талаб этиши ҳақида умумлашган натижаларга эга бўлдик. Ушбу контекстда ихтисослик фанлари мазмунига эътибор қаратиш, шунингдек, талабалар мотивациясини ривожлантиришга йўналтирилган интерактив электрон таълим воситаларидан кенг фойдаланиш зарур.

Талабалар билан ўтказилган сұхбатлар назарий материалларни идрок қилишда қийинчиликлар ҳақида гувоҳлик беради, чунки ниманидир «ўз қўллари» билан қилишни инкор қиласидилар. Ўз на-

**Техник-технологик компетентлиликнинг когнитив компоненти шаклланғанлик даражасини ўрганиш (тадқиқ қилиш) 1–4 курс талабаларининг мұхандислик-техник фанларини ўзлаштириш ва технологик амалиёт давомида олинган назарий ва амалий билимларни баҳолаш натижалари асосида амалга оширилди. Асосий эътибор тадқиқот жараёнида технологик амалиётни ўташ натижаларини таҳлил қилишга қаратилди.**

вбатида сўровда иштирок этганларнинг кўпчилиги ўз потенциалини лаборатория ишлари, амалиётлар даврида муваффақиятли амалга оширади. Шундай қилиб 1-курсдан 4-курсга қадар талабалар ютуқларини кузатиб техник-технологик компетенциянинг когнитив компонентининг шаклланишида ижобий динамикани аниqlадик.

Шунингдек, экспертлар талабаларнинг ўқув жараёнини ўқув-услубий материаллар, замонавий ахборот-коммуникатив ва техник воситалар билан етарлича таъминланмаганлиги, ишлаб чиқаришдаги янги тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда материални тұлақонли ўзлаштириб олиш имконини бермас-ли ҳақидаги фикрларига қүшилади. Техник-технологик компетентлиликнинг шаклланғанлық ҳолатини ўрганиш, шунингдек, коммуникатив компетентлик даражасини аниклашни назарда турады.

Техник-технологик компетентликнинг коммуникатив компонентини шакллантириш ҳаракатнинг қуидаги услубларини ўз ичига олади: шахслар-аро ва маданиятлараро ўзаро таъсир масалаларини ҳал қилиш учун ўзбек ва хорижий тилда оғзаки ва ёзма шаклда коммуникацияга қобилиятлилик; гурӯҳда ишлашга қобилиятлилик; илмий дунёқарашни шакллантириш учун фалсафий ва ижтимоий гуманитар билимлар асосла-ридан фойдаланишга қобилиятлилик; аниқ касбий-педагогик масалаларни ҳал қилиш учун мулоқот стратегияси ва тех-нологиясини моделлаштиришта тайёр-гарлик.

Анкета сўрови, сұхбат натижалари талабаларда техник-технологик компе-тентликнинг коммуникатив компоненти етарлича ривожланмаганлиги ҳақида гувоҳлик беради, кўпчилик талабалар (21%) бўлажак касбий фаолият учун компонентнинг аниқ аҳамиятини англашмаган. Тажриба иштирокчилари ишлаб чиқариш фаолияти шароитларида ташкилий ва коммуникатив кўникмалар зарурияти ҳақида паст тасаввурга эга.

Рефлексив компонент ҳолатини тадқиқ қилиш жараёнида биз А.Реан, Е. Федотова, Т.Ушеваларнинг нуқтаи назаридан келиб чиқдик, уларнинг фикрича ўқув фаолияти давомида таълим жараё-

Экспертларнинг фикрича, когнитив компонентнинг шаклланганлик даражаси етарли эмаслиги техник-технологик компетентликнинг коммуникатив компонентининг шаклланишида муаммоларга олиб келади. Бундай коммуникатив компетентликнинг даражаси ўқишда талаба ўз потенциалини тўлиқ амалга оширишга халақит қиласи ва оқибатда бўлажак меҳнат фаолиятида маълум қийинчилекларни яратади.

ни иштирокчилари орасидаги ўзаро мұносабатлар ҳамкорлик характерига эга бўлиши, педагогик ёки ишлаб чиқариш фаолиятига мувофиқ эса устунлик рефлексив асосга қурилган субъект-субъект мұносабатларига берилиши керак. Ўқув фаолиятининг бундай ташкил қилиниши рефлексив кўникмалар хосил бўлишига турткى ҳисобланади [8,10,9].

Биринчи курс талабалари ҳали ўзларида техник-технологик компетентлиликнинг рефлексив компонентининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини тұлақонли англаши ва таҳлил қила олмаганлардың сабабы, ушбу тадқиқотта үқув ва ишлаб чиқариш амалиётінан үтганидан сүнг аллақағачон фаолият тажрибасындағы талабалар, яғни 3- ва 4-курс талабалари иштирок этишади. Анкеталаш натижалари таҳлили сүровта сұхбат жараёнида олинган маълумоттарни тасдиқлады ва муваффақиятсизлик сабабини англай олмасликтада ифодаланадиган ишлаб чиқариш жараёнида талабаларнинг катта қисми қийинчиліктерге дуч келиши ҳақида гувохлик беради. Бундан ташқары, талабаларнинг күп қисми(71%) да умумий ишончсизлик ва ҳосил бўлган ишлаб

чиқариш вазиятини тез таҳлил қилиш кўнинмасининг мавжуд эмаслиги талабаларни иккилантириб қўяди ва янада кўпроқ чалкашлик туғдиради.

Анкета сўрови, сұхбат натижалари талабаларда техник-технологик компетентликнинг рефлексив компоненти ўртача даражада эканлиги ҳақида гувоҳлик беради. Бу мантиқий занжирни қуриш кўнинмасини ривожлантириш фаолиятнинг олинган тажрибасини тизимлаштириш, муваффақиятларни таҳлил қилиш ва бошқа кўнинмаларни ривожлантириш бўйича чораларни талаб этади. Техник-технологик компетентликнинг ажратилган компонентлари шаклланган-

### **Тажрибанинг таъкидловчи босқичида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг техник-технологик компетентлигининг шаклланганлик даражаси**

<b>Шаклланганлик даражаси</b>	<b>Назорат гурӯҳи</b>		<b>Тажриба гурӯҳи</b>	
	<b>киши</b>	<b>%</b>	<b>киши</b>	<b>%</b>
Қуий	3	11,55	2	8,7
Ўртача	18	69,23	16	68,47
Етарли	3	11,53	3	13,03
Юқори	2	7,69	2	8,7
Жами:	26	100	23	100

Техник-технологик компетентлик ўзининг мазмуни бўйича босқичмабосқич элементдан элементга, унинг барча компонентларининг ҳар бир кўрсаткичини ривожлантириб шакланиши кераклигини таъкидлаймиз. Яъни, агар мотивацион ташкил этувчи шаклланмаган бўлса, унда ҳам когнитив, ҳам коммуникатив ташкил этувчилар тўлақонли ривожлана олмайди.

Бундан ташқари, компетентли мутахассиснинг шаклланиш жараёни олий таълим муассасасини битиргандан кейин тўхтаб қолмаслиги, балки бутун касбий фаолият давомида берилган векторга мувофиқ ривожланиши керак. Бу эса ўз навбатида рефлексия соҳасидаги

лик даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилган тажриба иши натижалари таҳлили, ўртача даража барча параметрлар бўйича устунлик қилишини кўрсатади. Педагоглар, талабалар, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари ўқув дастурлари мазмуни ишлаб чиқариш талабларига мос келмаслигини таъкидлашган, бу эса ҳам таълимий фаолиятда, ҳам ишлаб чиқариш соҳасида тизимли қийинчиликларга олиб келади.

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларида техник-технологик компетентлик шаклланганлигининг умумлаштирилган кўрсаткичлари 1-жадвалда акс этган.

қуйидаги кўникма ва малакалар ўқитиш жараёнида шаклланишига катта эътиборни талаб этади: ўз-ўзига баҳо бериш, касбий ривожланиш, мустақил таълим ва бошқалар. Шундай қилиб, ўтказилган ташхис бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларида техник-технологик компетентликнинг ҳар бир компонентини ва умуман ўрганилаётган феноменнинг шаклланганлигининг ўртача даражасини аниқлади.

Тадқиқот бўлажак профессионал таълим ўқитувчилари касбий тайёр гарлигининг мазмунини фаолиятнинг амалий жиҳатига ва таълим олувчиларнинг реал ишлаб чиқариш фаолиятига максимал яқинлаштирувчи ўқитишнинг фаол методлари ва воситаларидан кенг

фойдаланишга урғу бериш заруриятини аниқлади. Бунинг ҳаммаси касбий тайёрлаш жараёнида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг техник-тех-

нологик компетентлигини самарали шакллантириш учун мос педагогик шароитни аниқлаш ва жорий этишга асос яратади.

### Касбий компетентлик даражалари



### ФОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР:

1. Аванесов, В.С. Композиция тестовых заданий // В. С. Аванесов. — М.: Адепт, 1998. — 217 с.
2. Битинас Б.П., Катаева Л.И. Педагогическая диагностика: сущность, функции, перспективы//Педагогика. 1993. № 2. С. 10–15.
3. Бойка С.В. Методики и технологии электронного и дистанционного обучения в условиях стандартизации современного образования // Бойка С.В. 2017 г., г. Волгоград.
4. Григорьева Н.В. Петунова С.А. Основы психологического консультирования: учеб. Пособие. Чебоксары: Изд-во Чуваш. ун-та. 2018. 96 с.
5. Ильина Т. А. Педагогика: Курс лекций. Учеб. пособие для студентов пед. интов. М.: Просвещение, 1984. — 496 с.
6. Подласый, И.П. Педагогика//И.П. Подласый. — М.: Просвещение, 1996. — 432 с.
7. Пушкарева Т.В. Проблема интериоризации знаний в психолого-педагогической науке//Современные проблемы науки и образования. 2015. №1-1.
8. Реан, А.А. Психология и педагогика: Учебник для вузов//А.А. Реан, Н.В. Бордовская, СИ. Розум. – СПБ.: Питер, 2003 — 432 с.
9. Ушева Т.Ф. Становление рефлексивной компетентности педагога в образовательном пространстве вуза//Вестник Красноярского государственного педагогического университета им. В.П. Астафьева. – 2018. — № 3 (45). – С.81-92.
10. Федотова Е.Л. Психолого-педагогическое взаимодействие участников образовательного процесса: конструирование и выполнение компетентностно — ориентированных заданий: Учебное пособие. – Иркутск, Изд-во «Оттиск», 2016.
11. Хоторской, А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированной парадигмы образования //А.В. Хоторской // Народное образование. — 2003. — № 2. — С. 58-64.
12. Ядов, В.А. Стратегия социологического исследования // В.А.Ядов.- М.: Омега-Л, 2009 г.- 576 с.

# БЎЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДИК ТИЗИМИ

Ўқтамов Давронжон Одилжон ўғли

Жиззах политехника институти мустақил изланувчиси

**Аннотация:**

Бугунги ахборот асрида кундалик ҳаётимиздаги таълим, санъат, ижтимоий-гуманитар, муҳандислик иши ва ишлаб чиқариш соҳаларини рақамли технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунингдек, бошқа соҳаларда бўлгани сингари рақамли технологияларни таълим тизимида жорий этиш ҳам бутун бир тизимнинг фаолиятини тубдан ўзгартирмоқда. Бу фақат таълим оловчилар ва таълим берувчилар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ бўлиб қолмай, балки абитуриентлар ОТМга ўқиш учун ҳужжат топширишидан тортиб, то тўлов шартнома қоғозларини шакллантириб олишлари, ўқиётганлиги учун маълумотнома олишлари, бутун ўқув жараёнини кузатиб боришлари, ҳаттоқи ОТМни тамомлаганлик тўғрисидаги дипломларини олишларигача бўлган жараёнлар тўлиқ рақамлаштирилган.

**Калит сўзлар:**

ахборот асри, рақамли технологиялар, мутахассис, таълим, бўлажак муҳандис.

**Аннотация:**

В современный информационный век образование, искусство, социально-гуманитарная, инженерная и производственная сферы нашей повседневной жизни невозможно представить без цифровых технологий. Также, как и в других сферах, внедрение цифровых технологий в систему образования кардинально меняет функционирование всей системы. Это касается не только взаимоотношений между обучающимися и преподавателями, но и всего процесса от подачи абитуриентами заявления на обучение в вуз до оформления документов договоров оплаты, получения свидетельства об обучении, отслеживания всего учебного процесса и даже получение диплома об окончании ВУЗа.

**Ключевые слова:**

информационный век, цифровые технологии, специалист, образование, будущий инженер.

**Abstract:**

In today's information age, education, art, social-humanitarian, engineering and production areas of our daily life cannot be imagined without digital technologies. Also, as in other fields, the introduction of digital technologies in the education system is fundamentally changing the functioning of the entire system. This is not only related to the relationship between learners and educators, but also the entire process from the applicants applying to study at the Higher Education Institution, to formulating payment contract documents, receiving a certificate of study, tracking the entire educational process, and even receiving the diploma of completion of the Higher Education Institution. digitized.

**Key words:**

information age, digital technologies, specialist, education, future engineer.

Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатда инновацион кадрлар базасини мақсадли шакллантиришнинг энг истиқболли йўналишларидан бири бу

таълим тизимиdir. Рақамли трансформация жараёнини амалга ошириш таълим тизими учун фақатгина рақамли трансформацияга комплекс ёндашув

билин ҳал қилиш мумкин бўлган янги муаммоларни келтириб чиқаради. Бу мақсадга эришиш, айниқса, булутли ҳисоблаш, юқори тезликдаги интернет, ақлли рақамли воситаларнинг кенг жорий этилиши, сунъий интеллект усулларини қўллаш ва виртуал технологияларни кенг жорий этиш билан боғлиқ ҳолда муҳим аҳамият касб этади. Таълим жараёнида рақамли трансформация, рақамли иқтисодиёт ва рақамли жамиятга ўтишнинг глобал жараёнлари билан белгиланади. Бу истиқболлар қандай бўлишини асосан таълим белгилайди.

Таълим муҳитининг асосий таркибий қисмлари, ҳозирги кунда, шубҳасиз, рақамли ахборот таълим муҳитини шакллантириш ва уни умумий таълим


тизимига интеграциялаш жараёнида, электрон таълим тизимини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга [1].

Шахста йўналтирилган таълим муҳитини кенгайтиришда, рақамли ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш муҳим омил ҳисобланади. Бу унинг шахсий қобилиятларини билим ва фаолият субъекти сифатида аниқлашга асосланиб, ўз навбатида ҳар кимнинг муқобил қобилият шаклларини ўрганиш орқали ўз ривожланиш йўналишини танлаш событигини ёки барқарорлигини тан олишга асосланади.

Ушбу таълим назариясидан келиб чиқсан ҳолда, таълимни дифференциаллаш ва индивидуаллаштиришнинг роли ўсиб бораётганини таъкидлайдилар, шу



1-расм. Бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини ривожлантириши асослари.



2-расм. Бўлажак муҳандисларнинг касбий тайёрлашининг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари

билин бирга, бу ролни замонавий жамиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илгари қабул қилинганидан бошқача тарзда тушунирилади[2].

Ҳозирги рақамлашган таълим шароитида таълим оловчиларнинг ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўнікма ва малака ҳамда касбий компетенцияларини тартиблаштириш, шу билан бирга самарали фойдаланиш ҳолати кўзланган натижага эришиш асосий мақсад қилиб белгиланмоқда.

Ушбу мақсадни амалга ошириш натижасида таълим-тарбия жараёнини ташкил этувчилардан чуқур билим, юксак маънавий салоҳият, қолаверса рақамли технологияларни таҳлил қилиш ҳамда ўз ўрнида қўллай олиш талаб этилади. Таълим оловчиларга ўрганиши олдиндан режалаштирилган янги ахборотларни сифатли етказишида дидактик воситаларни кўринишидан содда, ихчам, қулай ва энг муҳими, обьектга йўналтирилган кўринишда тавсифлашнинг қўйидаги моделлари алоҳида аҳамиятга эга (1-расм).

Т.И.Руднива тадқиқот ишида "Амалий

йўналганлик тамойили кўплаб фалсафий, таълим, ақлий қоидаларга асосланади: таълимнинг ҳаётйилиги ва сифати текширилади, аниқ тасдиқланади; аниқлик – бу ҳақиқат ўлчови, когнитив ҳаракатнинг манбаи ва билимни қўллаш соҳаси; тўғри тарбия ва болалик ҳаётнинг ўзидан келиб чиқади, аниқ, у билан чамбарчас боғлиқдир, ўқитувчининг динамик ўзгарувчан ҳаракатини режалаштиради, таълимнинг ҳаёт билан, назария ва аниқлик билан боғланиши таълимнинг мазмунига, қўлланиладиган стратегия ва таълим шакллари га боғлиқ. Ушбу қўрсатма бўлажак муҳандисларнинг касбий компетенцияларини такомиллаштиришда жуда муҳимдир.

Интегративлик тамойили илмий-тадқиқотлар ва ўқув предметларининг фанлараро алоқадорлигини, ихтисослик фанларининг мазмуний ва тузилмавий-функционал бирлигини назарда тутади (2-расм).

Узлуксизлик ва узвийлик тамойили касбий тайёргарлик босқичларининг замон ва макондаги боғлиқлигини, унинг бутун таълим жараёнидаги узлуксизлигини ифодалайди. Бўлажак муҳандисларнинг

## 1-жадвал

**Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишни  
анъанавий ва рақамли технологиялар асосида ўрганиш  
тизимларининг қиёсий таҳлили**

Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишнинг анъанавий тизими.	Умумкасбий ва ихтисослик фанларини рақамли технологиялар асосида ўрганиш тизими.
<b>Ўқитувчи ва талабанинг ўзаро муносабати даражасида</b>	
Талаба – объект, «ахборотни қайта ишловчи». Унинг субъективлиги кўп ҳолда шунчаки расмиятчилик учун намоён этилади. Педагог-субъект, фаол фаолият кўрсатувчи шахс.	Талаба – объект, ташаббускорлик ва масъулият билан фаолият кўрсатувчи шахс. Педагог – маслаҳатчи, ёрдамчи, «тармоқни ташкил этувчи», қоидаларни шарҳловчи.
<b>Тамойиллар даражасида</b>	
Онглилик ва фаоллик талабаларда ўрганиладиган ўқув материалига мустақил ёндашувни шакллантиришни талаб этади; билимлар онгли равища ўзлаштирилади.	Талабаларнинг онглилиги ва фаоллиги индивидуал ўқиши билан максимал даражада уйғун; билимларни баҳолашнинг балл-рейтинг тизими ёрдамида операцион ва мотивацион фаоллик кучайтирилади.
Тушунарлилик таълим мазмунини талабаларнинг қизиқиши, индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танлаш орқали таъминланади.	Таълимнинг тушунарлилик тамойилини жорий этиш, фанларни ўрганиш кетма-кетлигини мустақил танлаш асосида ўқишининг индивидуал траекториясини яратишни назарда тутади.
Кўргазмалилик ўқув-кўргазмали қўлланмаларни кенг ривожлантириш ва қўллаш воситасида амалга оширилади.	Кўргазмалилик РТ доимий равища кўллаш, босма ҳамда электрон шаклдаги зарурий ўқув ва методик материаллар билан тұла таъминлаш орқали амалга оширилади.
Касбий компетенцияларини ривожлантиришга йўналганлик асослари акс этган ўқув фаолияти мазмуни орқали таъминланади.	Касбий йўналганлик ўқув жараёнида келгусидаги касбий фаолиятнинг ихтисослик ва ижтимоий контекстини мақсадга йўналтирилган ҳолда моделлаштириш орқали амалга оширилади.
<b>Назорат ва таҳлил даражасида</b>	
Ўқитувчининг марказлашган ва кўп босқичли назорати; назорат билим ва кўнікмаларни шакллантиришга йўналтирилади.	Талабаларнинг ўз ишини ўзлари мустақил таҳлил этиши ва назорат қилиши устуворлик касб этади. Назорат этиладиган мустақил таълим олиш фаолияти.

касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнида узлуксизлик тамойили янги билим ва кўникмаларни босқичма-босқич эгаллаш, касбий компетентлигини ривожлантириш ҳамда шахсий аҳамиятга эга сифатларни ривожлантиришни кўзда тутади. Узлуксизликнинг ички механизми узвийлик бўлиб, таянч билим ва касбий кўникмаларни шакллантиришда илгари-лаб кетиш имкониятларини назарда тутади [3].

Табиатга мослик тамойили бўлажак муҳандисларга табиатнинг бир қисми сифатида муносабатда бўлишни назарда тутади. Табиатга мослик тамойили асосида ўқитишида бўлажак муҳандисларнинг жисмоний саломатлиги ҳолати эътиборга олинади, англашга, мулоқотга, ижодга доминантлик (устунлик) эҳтиёжлари қондирилиши учун шароит яратиб беришни тақозо этади [4].

**Демак, шахснинг тўлақонли ривожланиши учун узлуксиз таълимнинг турли босқичларида зарур шарт-шароитларни юзага келтирадиган, пировардида таълим натижаси сифатида таълим олувчиларнинг шахсий ва касбий компетенциясини шакллантиришни таъминлайдиган таълим тизимларини ишлаб чиқишига фақатгина таълим жараёнининг педагогик асосларини, унинг барча элементларини тубдан янгилаш орқали эришиш мумкин.**

Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиши анъанавий ва рақамли технологиялар асосида ўрганиш тизимлари ўртасида фарқни кўрсатиш мақсадида уларни қиёсий таҳлил этиш натижалари 1-жадвалда кўрсатилган.

Замонавий талабларга жавоб берадиган таълим тизимида мақсад – инсоннинг шахсий имкониятларини ўстириш, илгаридан маълум бўлмаган предметларга оид ва ижтимоий вазиятларда ўзининг компетентлигини намоён қила олиш қобилиятларини ривожлантиришдан иборатдир. Мазкур қонуниятда мазмун – шу мақсадга эришишни таъминловчи.

Шундай қилиб, ҳар қандай ўқитиши технологиясининг асосий бўғини пировард натижани аниқ белгилаш ва унга эришиш аниқлигини назорат қилишдан иборат. Умуман олганда, шунчаки жараён (саноатда ёки бошқа соҳаларда) технология бўлавермайди, қачонки у олдиндан режалаштирилган, якуний натижка бўлган маҳсулотнинг хусусиятлари ва унга эришиш воситалари олдиндан аниқлаб олинган, ушбу жараённи амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар мақсадли равишда шакллантирилган ва ниҳоят бу жараён «ишга туширилган» бўлсагина технология мақомига эга бўлади.

Умуман олганда, янги типдаги таълим тизимида ўқув маълумотлари кўринишида ифодаланган илгариги тажрибаларни ўзлаштиришга қаратилган таълимдан бўлажак касбий фаoliyatda дуч келинадиган вазиятларга тайёр бўлишга қаратилган, умуман олганда келажакка йўналтирилган таълимга ўтиш кўзда тутилади [5].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, замонавий ўқитиши технологияларини бўлажак муҳандисларнинг ҳар томонлама шаклланишида, таълим тизимининг кейинги босқичида мустақил касб-хунар танлашга йўналтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Психологик-педагогик адабиётларда педагогик технология атамаси аксарият ҳолларда педагогик тизим тушунчасининг маънодоши сифатида қўлланилади.

Тизим тушунчаси аксарият ҳолларда статик тузилишга оид манзараларни тавсифлашга қаратилади, айни вақтда технология фаолияти объекти ва субъектига берәтгән билимларни, замондаги бурилиш жараёнларини ҳамда барча вазифаларни акс эттира бориб, режалаштирилган натижаларга эришилганликни назарда тутади. Тизим тушунчаси күпроқ умумийлик хусусиятига эга. Ҳар қандай тизим технология бўла олмайди, лекин ҳар қандай технология маълум бир тизимни билдиради. Бундан ташқари, «технология» ва «методика» атамалари бир-биридан фарқ қилиши лозим. Фанни ўқитиш технологияси мақсад, жараён, сон-миқдор, мўлжалга урғу берса, фанни ўқитиш методикасида мазмун, сифат ва ҳар хилликка урғу берилади.

В.П.Беспалко педагогик тизимга қуидагича таъриф берган: “Керакли фазилатларга эга шахсни шакллантиришга ташкиллаштирилган, мақсадли ва мўлжалланган педагогик таъсирни амалга ошириш учун зарур бўлган ўзаро алоқадаги восита, метод ва жараёнларнинг маълум бир мажмуаси” [6].

**Тизим – бу маълум бир ташқи шарт-шароитда муаммоли вазиятларни ечиш мақсадига қаратилган функция тузилмаси. Тизимли-тузилмавий (амалий, асосли) ёндашув объектнинг тузилиш хусусиятларини яхлит, таркибий қисмларга берилган вақт оралиғи бўйича бўлакланган ҳолатда қараб чиқишни кўзда тутади.**

Педагогик тизим тушунчаси техник ва технологик жараёнларда кутилмаган тарзда таржима қилинади ва В.П. Беспалко ва бошқа тадқиқотчилар «Академик асос» атамасини қуидаги тарзда таъкидлайдилар:

- ижодкорлар томонидан маълум таълим концепциялари, фаразлар ва академик билимга ёндашувлар тақдимотидаги изчиллик;

- талабанинг шахсиятини тартибга солишга таъсир қилувчи изчиллик.

А.П.Белеяевнинг фикрича, “Тизимли ёндашув билимларнинг тўла интеграциини таъминлайди. Бунда маҳсус фанлар ўзининг мустақиллиги ва ўзига хослигини сақлаб қолади, бироқ уларнинг далилий маълумотлари ҳамда назарий қурилиши тадқиқотнинг тизимли методлари атрофидага умумий асос сифатида бирлашади” [7].

Педагогик тизим тушунчаси кенг маънода аниқ бир фан бўйича таълим мазмуни, ўқитиш шакллари ва айнан шу фанни ўқитиш усулларини белгиловчи асосий тамойиллар ўқитиш тизими сифатида тушунилади.

Мазкур тадқиқот ишимизда юқорида келтирилган «тизим» тушунчасининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилдик. Тизим – бу ўзаро боғлиқлиқда бўлган ва тартибли равишда жойлашган қисмлар бирлигини ифодаловчи яхлитлик. Тизим ҳақида гапирилганда, «тизим» ҳамда «муҳит» тушунчаларининг ўзаро нисбатини қараб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тизим – юнонча сўздан олинган бўлиб, система-қисмлардан тузилган, бирлаштирилган маълум бир яхлитликни ҳосил қилувчи, бир-бири билан маълум бир муносабат ва боғланишларда бўлган элементлар мажмуаси тушунилади.

Муҳит барча тизимлар мужассамлашуви бўлиб, у тадқиқ қилинаётган, ажратиб олинган ва айни вақтда атрофимизни ўраб турган оламнинг бизни қизиқтираётган қисмидан ташқарида ётади. Хулоса чиқариш мумкинки, тизим – бу қандайдир йўл билан муҳитдан ажратиб олинган объектлар тўплами.

Тизим сифатида тизим хусусиятларига эга бўлган, қаралаётган тизимнинг нисбатан эркли, мақсад, яхлитлик, боғланишларга эга қисми тушунилади. Тизим – бу муайян бир ташқи шарт-шароитда муаммоли вазиятларни ечиш мақсадига қаратилган


мехнат фаолияти, функцияси ва тузилмаси эканлигини айтиш жоиз.

Тадқиқот ишимиз доирасида тизим ва муҳит ўртасидаги алоқадорликни ўрганиш шуни кўрсатдики, муҳит тизимга ресурсларни етказиб беради, тизимдан эса фаолиятнинг якуний натижасини қабул қилиши билан изоҳлашга уринамиз.

Шуни таъкидлаш керакки, тизимнинг пайдо бўлиши муҳитни йўриққа айлантира олмайди, яъни педагогик тизим ўз эҳтиёжларини йиғиш манбаи сифатида атроф-муҳитга муҳтож. Ўқув асосларини текшириш икки тоифада амалга оширилади: субъектлар, яъни улар асоснинг мавжудлиги учун асос бўлган мақсадни бирлаштиради ва унга эришишга хизмат

қиласида ва обьектлар, яъни улар билан ўзаро таъсир қилиш натижасида субъектлар индивидуал қобилиятларни амалга оширадилар.

Юқорида кўрсатилган тизимнинг шаклланиш босқичларининг муаммоли вазиятда қўлланилиши: тизимнинг мақсади, меҳнат фаолияти, меҳнат функциялари ва тузилмасини аниқлаш ташқи муҳит томонидан чегараланган шароитда фаолият кўрсатувчи реал тизимларнинг эталони бўлиб хизмат қила оладиган ташкилий-методик тизимни яратиш имконини беради. Бунда тизим – мақсадга мувофиқ фаолият кўрсатувчи тузилма бўлиб, у муайян ташқи муҳитда муаммоли вазиятни ҳал этиш имконига эга бўлади.



### Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://www.ziyonet.uz> – Ўзбекистон Песспубликаси Ахборот-таълим тармоғи портали
2. Жўраев Р.Х., Толипов Ў.К. Педагогик фаолият. Технологиялар ва маҳорат // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2003. – № 2. – Б. 3-10.
3. О.Х.Тўрақулов, Ж.Р.Ахмедов. Ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш. Монография — Т.: Фан ва технология, 2019. — 200 6.
4. Богданова И.М. Технологии в образовании: теоретико-методологический аспект: Монография. – М.: ТЕС, 1999. –146 с.
5. Ж.Р.Ахмедов. Ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш. п.ф.ф.д (ПҳД) ... дисс. — Т.: 2020. — 160 б.
6. Беспалко В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: ИППО, 1996. – 336 с.
7. Белеяев А.П. Педагогическая характеристика образовательной среды в различных типах образовательных учреждений. – М.: Изд-во МПСИ, 2008. –352 с.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Лутфуллаев Шерзод Шухратиллаевич**

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бўлим бошлиғи,  
мустақил изланувчи

**Аннотация.**

Олий таълим муассасалари педагогларининг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, олий таълим жараёнини технологиялаштириш ва замонавий бошқаришнинг методик усуллари баён этилади. Шунингдек, муаллиф олий таълим муассасалари педагогларининг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини бериб ўтган.

**Калит сўзлар.**

олий таълим, педагогларнинг инновацион фаолияти, бошқариш механизmlари, инновацион фаолият, мониторинг, билим, малака, кўникма.

**Аннотация.**

Статья Совершенствование механизмов организации и управления инновационной деятельностью педагогов вузов, технологических методов высшего образовательного процесса и современного менеджмента. Также автор высказал свои мнения и комментарии по вопросам совершенствования механизмов организации и управления инновационной деятельностью педагогов высших учебных заведений.

**Ключевые слова.**

Высшее образование, инновационная деятельность педагогов, механизмы управления, инновационная деятельность, мониторинг, знания, квалификация, навыки.

**Annotation.**

Improvement of mechanisms of organization and management of innovative activities of pedagogues of higher education institutions, technological methods of higher education process and modern management. Also, the author gave his opinions and comments on the improvement of mechanisms of organization and management of innovative activities of pedagogues of higher education institutions.

**Keywords.**

Higher, innovative management of pedagogues, management mechanisms, innovative monitoring, knowledge, marketing, technology.

Бугунги кунда меҳнат бозори талабарига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш тўғрисида" ПФ-5847-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини

сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтиёй соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш тизими жорий этилди.

Республикадаги камидаги 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш вазифа сифатида белгиланди.

Концепцияда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан жорий йил 2 та олий таълим муассасаси бу йил ҳам инновациялар бўйича дунё университетлари рейтингининг (WURI - The World University Rankings for Innovation) 2023 йилги рўйхатидан жой олди. Рейтинг натижаларига кўра, бу йил ҳам Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат юридик университети ТОП-200 талик (101-200) рўйхатдан жой олди. Эъ-

тиборлиси, Ўзбекистон Миллий университети тўртинчи саноат инқилоби йўналиши бўйича ТОП-50 талик олийгоҳлар қаторига (43-ўрин) кирди. Тошкент давлат юридик университети эса, умумий рўйхатда ўтган йилги кўрсаткичлардан 100 поғона кўтарилиб, WURI рейтингида 101–200-ўринни эгаллади.

Шунингдек, Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўtkazilaётган «QS Higher Education Summit Asia Pacific 2023» саммити доирасида QS рейтинг ташкилоти Осиё университетларининг 2024 йил учун рейтинг натижаларини эълон қилди. Рейтинг натижалари олий таълим муассасасининг жорий йилда халқаро тан олинганилик даражаси, илмий-тадқиқотлар ривожи, таълим сифати, халқаро ҳамкорлик, академик мобиллик соҳалари бўйича аниқланди ва бунда Осиё олийгоҳлари рейтингида 25 та давлатдан 856 та (148 та илк марта) олийгоҳ иштирок этди. Унга кўра, мамлакатимизнинг 14 та олий таълим муассасаси ТОП-1000 таликдаги Осиёнинг энг яхши университетлари рўйхатига киритилди.

Олий таълим ислоҳотларининг маҳсулни сифатида мамлакатимизда олий маълумот олмоқчи бўлган ҳар қандай фуқаро учун имкониятлар эшиги очил-



**2024**

	Toshkent irrigatsiya va qishloq xojaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti <sup>249</sup>
	Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti <sup>301-350</sup>
	Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti <sup>401-450</sup>
	Toshkent davlat texnika universiteti <sup>501-550</sup>
	Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti <sup>601-650</sup>
	Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti <sup>651-700</sup>
	Toshkent davlat agrar universiteti <sup>651-700</sup>

**BU YIL RESPUBLIKAMIZNING 14 TA OTM  
TOP 1000 TALIKDAGI OSIYONING ENG KUCHLI  
UNIVERSITETLARI QATORIDAN JOY OLDI**

	Toshkent moliya instituti <b>701-750</b>
	Jizzax politexnika instituti <b>751-800</b>
	Namangan muhandislik-tehnologiya instituti <b>751-800</b>
	Toshkent davlat pedagogika universiteti <b>751-800</b>
	Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti <b>801+</b>
	Qoraqalpoq davlat universiteti <b>801+</b>
	Farg'onha politexnika instituti <b>801+</b>



**QS ASIA UNIVERSITY RANKINGS 2024**

ди. Аниқроқ айтганда, ёшидан қатъи назар, олий маълумотни кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклида олишга шароит яратилди. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб масофавий таълим шакли ҳам амалиётга жорий этилди.

Жумладан, камида 5 йил иш стажига эга ходимларини 2021/2022 ўқув йилида давлат ОТМларининг сиртқи ва кечки таълим шаклига ўқишга кириши

**Бу орқали  
мамлакатимизнинг ҳар бир  
фуқароси ёши, миллати ва  
динидан қатъи назар, ўзининг  
Конституцион ҳуқуқларидан  
тўлиқ фойдаланиш  
имкониятига эга бўлди.  
Бундан ташқари, меҳнат  
стажи, иш тажрибасига эга  
бўлган фуқаролар ўзлари  
ишаётган корхонанинг  
юқори ташкилотлари  
тавсияси билан имтиҳонсиз,  
сухбат асосида олий ўқув  
юргига кириш имкониятини  
қўлга киритди.**

учун Республика миздаги 71 та ташкилотга тавсия бериш ҳуқуқи берилди. Улар томонидан берилган йўлланмага кўра, ишловчи ходимлар имтиҳонсиз, сухбат натижаларига кўра, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилиши қоидасининг киритилиши халқимиз учун кутилмаган янгилик бўлди. Ҳар бир ташкилот 100 тагача ходими га шундай йўлланма бериши мумкинлиги ҳам қайд этилди. Олий таълим ислоҳотининг бу қоидаси бозор муносабатларининг моҳиятига ҳам мосланди.

Олий таълим ислоҳоти, фуқароларнинг олий таълим олиш ҳуқуқи тўғрисида гап борар экан, ўрта мактаб ва коллежлар битиравчиларини олий таълим билан қамраб олиш масаласи ҳам ечи-

мини кутаётган ўткир муаммолардан эди. Мактаб ва колледж битиравчилари билан олий ўқув юртларининг нисбати кескин фарқ қилиши билим оламан, деган илмга чанқоқ ёшларнинг эҳтиёжини қондира олмаслиги оқибатида минглаб ёшлар яқин ва узоқ мамлакатларга чиқиб кетди. Президент ташаббуси билан кўрилган чора-тадбирлар туфайли 2017-2021 йилларда бу рақам олдинги 9 фоиздан 42 фоизга етди.

Олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтиёмий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш учун қўйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур ҳисобланади:

- халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш;

- олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтиёмий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносаб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

- олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмиy-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаoliyatining узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

- хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини

- кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқиш;
- олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалавриат ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли ҳалқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек республика илмий журналларининг ҳалқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш;
  - олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини, шу жумладан ҳалқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшилаш, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш;
  - таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш;
  - аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламлари, шу жумладан имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан қамров даражасини ошириш, улар учун инфратузилмага оид шароитларни яхшилашдан иборат.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш тўғрисида" ПФ-5847-сон ПФ-5847-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Педагог кадрларни тайёрлаш, ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малақасини ошириш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3289-сон, "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаoliyatini ташкил этиш тўғрисида" 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон қарорлари.
2. Тихонов А.Н., Иванников А.Д. Технологии дистанционного обучения // Высш. образование в России. – №3 М.: 1994.
3. Круглов Ю.Г. Подготовка учителей без отрыва от производства: Проблемы и значение / Педагогическое образование без отрыва от производства. Ежегодник Учебно-методического объединения по подготовке учителей без отрыва от производства.– №1 – М.: 1990.
4. Тихомиров В.П., Солдаткин В.И.Лобачёв С.Л. Виртуальная образовательная среда: предпосылки, принципы, организация. / Международная Академия Открытого Образования. – М.: Изд-во МЭСИ, 1999. – С.164.
5. Schachtsiek Bernd Private Provision in Distance Education. /In Report of the 1992 EDEN conference at the Academy of Mining and Metallurgy, Krakow, Poland, pp. 27-35.

# ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚУВ-БИЛИШ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИШ

**Миржалол Убайдуллаев**

Профессионал таълимни ривожлантириш институти таянч докторанти

Аннотация.	Ушбу мақолада профессионал таълим муассасаларида кредит-модул тизимининг жорий этилиши, замонавий модулли таълим дастурларини ишлаб чиқиш, юқори малакали профессионал кадрлар тайёрлашни янги босқичга кўтариш ҳамда соҳада таълим, илм-фан ва амалиёт уйғуналигини таъминлаш масаласи айтиб ўтилган.
Калит сўзлар:	профессионал таълим, таълим даражалари, кредит-модул, модулли таълим дастурлари, таълим, таълим сифати, мазмун, методика, натижা, механизм, таҳлил, тажриба.
Аннотация.	В данной статье затрагиваются вопросы внедрения кредитно-модульной системы в профессиональных образовательных учреждениях, разработки современных модульных образовательных программ, повышения уровня подготовки высококвалифицированных профессиональных кадров и обеспечения гармонии образования, науки и практики в этой области.
Ключевые слова:	профессиональное образование, уровни образования, кредит-модул, модульные образовательные программы, образование, качество образования, содержание, методика, результат, механизм, анализ, опыт.
Annotation.	This article will discuss the introduction of a credit-module system in professional educational institutions, the development of modern modular educational programs, raising the training of highly qualified professional personnel to a new level and ensuring the harmony of Education, Science and practice in the field.
Keywords:	professional education, educational levels, credit-module, modular educational programs, education, quality of education, content, methodology, result, mechanism, analysis, experience.

Жаҳонда фан ва технология ривожланиши ҳамда жамият тараққиётига ижобий таъсиридан келиб чиқиб, ўқитувчиларни узлуксиз касбий ривожлантиришда замонавий технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали уларнинг дарсларини модулли таълим асосида шакллантириш масаласига қаратилган ишлар олиб борилмоқда. ЮНЕСКО томонидан профессионал таълим тизимига модулли таълимга оид метод ва технологияларни жорий этиш асосида ўқитувчиларни узлуксиз касбий ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда[1]. Шу боис бугун-

ги кунда профессионал таълим ўқувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини модулли таълим асосида шакллантириш муаммосини ўрганиш зарур ҳисобланади.

Дунё миқёсида касбий малака ошириш тизимини глобаллашув шароитларга мослаштириш ҳамда профессионал таълим ўқувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришнинг ташкилий-методик асосларини тадқиқ этишда дарсларни модулли таълим асосида ташкил этиш ҳамда замон талабларига мувафиқ инновацион технологияларни қўллашга қаратилган тадқиқот ишлари олиб

борилмоқда. Тадқиқот натижалари узлуксиз касбий ривожлантириш тизими ни модернизациялаш асосида профессионал таълим ўқувчиларининг шахсий ва касбий компетентлигини ривожлантириш мотивларини рағбатлантириш ҳамда уларнинг дарсларни лойиҳалашга оид компетентлигини «Квест» технологияси асосида ривожлантиришнинг замонавий таълим технологиялари билан боғлиқ илмий ишланмалар қўламини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнини такомиллаштириш, узлуксиз касбий ривожлантириш тизимида мактаб ўқитувчиларининг дарсларини лойиҳалаш компетентлигини ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага

**Модулли таълим бир қатор ғояларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Талабалар мустақил тарзда билимларни ўзлаштиришлари, ўрганишлари, ўқитувчи эса уларнинг ўқув фаолиятини бошқариши лозим. Бу жараёнда ўқитувчи талабаларни ўқув фаолиятига йўналтириши, уларда мазкур фаолиятга нисбатан мойилликни ҳосил қилиши, уларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиши, мувофиқлаштириши ва маслаҳатлар бериши керак. Ушбу технология педагогика назарияси ва амалиётида тўпланган барча илғор тажрибаларни ўзида мужассамлаштиради.**

га кўтариш имкониятларини оширмоқда.

Модулли ўқитиш технологияси – функционал тизимлар, фикрлашнинг нейрофизиологияси, педагогик психологиянинг умумий назариясидан келиб чиқади.

Одатда модуль 3–6 соатли маърузвий машғулотлар ва шу билан боғлиқ бўлган амалий (семинар), лаборатория машғулотларидан иборат бўлади.

Фаннинг тушунтирув аппаратининг қатъий тизимли (кўп қиррали) таҳлили асосида энг самарали модул тузилади. Бу эса фундаментал иборалар гуруҳини ажратиш, материални мантиқан ва ихчам гуруҳлаш имкониятини беради. Модул – мустақил таркибий бирлик бўлгани учун, баъзи ҳолларда, алоҳида талабаларга фанни тўлалигича эмас, балки фақатгина бир қатор модулларини тинглаш имкониятини беради. Бу эса иқтидорли талабаларнинг индивидуал ва мустақил ишларини оптимал режалаш имкониятини туғдиради.

Модулли ўқитишда ўқув дастурларини тўла, қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали ўқитишни табақалаш имконияти яратилади, яъни ўқитишни индивидуалаштириш мумкин бўлади.

Модулли ўқитишга ўтишда қўйидаги мақсадлар кўзланади: ўқитишнинг (фандар орасида ва фаннинг ичидаги) узлуксизлигини таъминлаш, ўқитишни индивидуаллаштириш, ўқув материалларини мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш, ўқитишни жадаллаштириш, фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Шундай қилиб, модулли ўқитишда талабалар ўз қобилиятига кўра билим олиши учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Ўқитишнинг модул тизимига ўтиш самарадорлиги қўйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- ўқув муассасасининг моддий-техничавий базаси даражаси;
- профессор-ўқитувчилар таркиби-

- нинг малакавий даражаси;
- кўзланган натижаларни баҳолаш;
- дидактик материаллар ишлаб чиқиш;
- натижаларнинг таҳлили ва модулларни оптималлаштириш[1].

Н.В.Тцуркан ва Д.В.Шведов модулли ўқитиши технологияларини замонавий педагогик технологияларнинг таркибий қисмларидан бири сифатида кўриб чиқади. Улар модулли таълим тизими-нинг анъанавийдан фарқи шундаки, блок ёки модулда 2-3 та ўзаро боғлиқ фанлар ўрганилади деб таъкидлайдилар [4].

И.Каҳвазадеҳ, ва Э. Жоселар Мичиган университетида икки йиллик «Модулли таълимни ташкил этишда сунъий интеллект тизимлари асосида ўқув режаларни такомиллаштириш» лойиҳаси олиб борилган бўлиб, бунда машинали (machinelearning) ҳамда модулли ўқитищдаги муаммолар ва уларнинг назарий ечимлари келтирилган [2].

Таълимни ташкил этишнинг модулли технологиясига ўтиш – ўқув жараёнида мустақил ишнинг ўзига хос оғирлиги ва аҳамиятини сезиларли даражада оширишни назарда тутади, келажақдаги мутахассисларнинг мустақиллиги, ташаббуси, ижодкорлиги, ижтимоий ва касбий фаоллигини сезиларли даражада оширишни талаб қиласи, бу эса уларни педагогик рафбатлантириш муаммоларини ҳал қилишда янги услубий ёндашувларни амалга оширишни талаб қиласидан фаолиятдир. Ўқув модулига тугалланган ахборот блоки, талабанинг мақсадли ҳаракатлари режаси, ўқитувчининг талаба ривожланишини таъминлаш учун берган маслаҳатлари киради. Модулли технология таркибий хусусиятлар, ўзлаштириш даражаси, мустақиллик даражасини, ўқитиши метод ва усуллари, ўз-ўзини назорат қилиш йўллари ва бошқарув йўлларини инобатга олган ҳолда, таълимнинг индивидуаллаштирилишини таъминлайди [5]. Модулли таълимнинг мақсади эса таълим олувчиларнинг ўқув материалини индивидуал ёндашувларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқа олиши

ва уларнинг мустақиллигини оширишга қаратилган. Модулли таълим тизими-ни нисбатан чуқур ривожлантирган Подковконинг фикрини маъқуллаймиз. Унинг таъкидлашича, модулли ўқитиши технологиясининг моҳияти – талаба унга тақлиф қилинган индивидуал дастур билан мустақил равишда ишлаши мумкин. Индивидуал дастур таркибига мақсадли ҳаракатлар режаси, маълумотлар банки ва белгиланган дидактик мақсадларга эриштирувчи методик қўлланма кабилар киради [3]. Ўқитувчининг вазифаси ахборот назоратидан тортиб маслаҳат беришгача фарқланиши мумкин.

**Модулли таълим  
технологиясининг  
мақсади талабаларнинг  
мустақиллигини  
ривожлантиришга ёрдам  
бериш, уларда мустақил  
таълим олиш кўникмаларини  
шакллантириш ва ўқув  
материалини таълим  
олишнинг индивидуал  
усулларини ҳисобга  
олган ҳолда ўзлаштириш  
қобилиятини шакллантириш  
кабилардан иборатdir.**

Кредит-модулли таълим назариясининг марказий тушунчаси бу – «модул» тушунчасидир. Ҳам мазмунан, ҳам ёш жиҳатидан модулли таълимнинг етуклигига қарамай, модулни ва унинг қурилиш технологияси бўйича ўқув мазмунини тузиш ҳамда таълим шакллари ва усуллари тизимини ишлаб чиқиш масалалари билан боғлиқ фарқланувчи фикрлар ҳали ҳамон мавжуд. «Модул» тушунчаси кўплаб соҳаларда қўлланилади. Ушбу атаманинг асосий мақсадларидан бири бу – функционал боғламдир. Энг кенг тарқалган таърифлардан бирида модулни қўйидагича тавсифланади: мо-

дул – бу вазифаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган педагогик воситаларнинг таркибий, процессуал-самарали ва ташкилий-бошқарув жиҳатларини акс эттирувчи сунъий таълим тизимиdir. Модул ўқув материалининг мантиқий тугалланган қисмидир, бу, албатта, талабаларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилиш билан бирга келади. Модулларни шакллантиришда фаннинг ишчи дастури асос ҳисобланади. Модулларнинг сони фаннинг ўзига хос хусусиятларига ва таълимни назорат қилишнинг исталган частотасига ҳам боғлиқ. Ўқув модулларини амалга оширадиган «модулли таълим» тушунчасини таҳлил қилиб, замонавий педагогикада у ўқув жараёнини ташкил этиш сифатида белгиланишини таъкидлаймиз, бунда ўқув маълумотлари модулларга бўлинади (нисбатан тўлиқ ва мустақил бирликлар, маълумотлар қисмлари). Бир нечта модулларнинг маълум бир ўқув мавзусининг мазмунини ёки ҳатто бутун ўқув фанининг мазмунини очиб беришга имкон беради. Модулли ўқитиш технологиясининг назарий таҳлили унинг қуидаги хусусиятларини ажратиб кўрсашибга имкон берди:

- дидактик тизимнинг ҳар бир таркибий қисмини ҳамда уларнинг модул дастури ва модуллардаги визуал кўрининшини ишлаб чиқиш таъминланади;

- ўқув таркибини структуралаш, назарий материални синчковлик билан кетма-кетликда тақдим этиш, ўқув жараёнини коррекция қилиш (тузатиш) имконини берадиган услубий материал, ўзлаштириш даражасини баҳолаш ва назорат қилиш тизими билан таъминлаш кўзда тутилган;

- таълимнинг ўзгарувчанлиги, ўқув жараёнини талабаларнинг индивидуал имкониятлари ва талабларига мослаштириш кўзда тутилган [4].

Модулли ўқитишда фаннинг таркиби ўқув модули тушунчаси билан узвий боғлиқдир, чунки унда таълим таркибининг элементлари мантиқан тизими боғлиқдир. Шундай қилиб, модулли таълимни амалга ошириш технологияси қуидагиларни назарда тутади, яъни таълимнинг режалаштирилган натижаси, таълим таркибини ўрганиш кетма-кетлиги, ўзлаштириш даражаси, таълим сифатини назорат қилиш. Модулларнинг сони фаннинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади. Замонавий дидактик назарияларнинг ривожланиш динамикасини ўзига сингдирган модулли ўқитиш технологияси ўзида уларнинг хусусиятларини синтез қилди ва бу билан таркибни танлаш, унинг тақдимоти ва ўқув жараёнини ташкил этиш усулларидаги турли хил ёндашувларни янада муваффақиятли тарзда биргалиқда қўллаш имкони яратилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзаева С.Р. Олий таълим муассасаларида модулли ўқитиш технологияларининг долзарблиги// Sovremennoye obrazovaniye (Uzbekistan). 2017. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/oliy-talim-muassasalarida-modulli-itish-tehnologiyalarining-dolzarbliji> (data обрашуени: 19.12.2023).
2. Kahvazadeh. I., Jose. E., Fong. A.C. et al. Development and evaluation of a modular experiential learning curriculum for promoting AI readiness. Educ Inf Technol (2023). <https://doi.org/10.1007/s10639-023-11928-w>
3. Подковко, Е.Н. Личностноориентированная технология формирования профессиональной компетентности будущих учителей: Дисс...канд. пед. наук: 13.00.08 – теория и методика профессионального образования. – Сургут, 2008. - 209 с.
4. Суркан Н.В., Шведов Д.В. Модульные технологии обучения как составляющая современных педагогических технологий // TheScientificHeritage. 2020. №45-3 (45). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/модулне-технологии-обучения-как-составляючая-современных-педагогических-технологий> (дата обращения: 19.12.2023).

# ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

**Салимов Есанжон Хусен ўғли**

Жиззах политехника институти мустақил изланувчиси

- Аннотация:** Ҳозирда ахборот технологиялари жамият тараққиётининг асосий омилига айланганлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Бундай дейишимизга сабаб ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиб жамият ва давлат тараққиётини таъминловчи инновацион услублар ва технологиялар ишлаб чиқилмоқда ва бундай жараёнлардаги ахборотларни йиғиш, сақлаш ва керакли манбаларга узатиш ҳам автоматлаштирилмоқда. Улар натижаларидан фойдаланиш эса ҳозирда ҳар бир хонадонга кириб бормоқда. Бу бежиз эмас, бунинг ҳам тарихий-тадрижий дидактик асослари бор.
- Калит сўзлар:** ахборот технологиялари, рақамли технологиялар, таълим, дастурий таъминот.
- Аннотация:** Уже не секрет, что информационные технологии стали основным фактором развития общества. Причина, по которой мы это говорим, заключается в том, что разрабатываются инновационные методы и технологии, обеспечивающие развитие общества и государства с использованием инструментов информационных технологий, а также автоматизируются сбор, хранение и передача информации к необходимым источникам в таких процессах. Использование их результатов теперь входит в каждое домохозяйство. Это не зря, это тоже имеет историческую и дидактическую основу. В подтверждение этого мнения можно привести следующий материал:
- Ключевые слова:** информационные технологии, цифровые технологии, образование, программное обеспечение.
- Abstract:** It is no longer a secret that information technologies have become the main factors of the development of society. The reason we say this is that innovative methods and technologies are being developed to ensure the development of society and the state using information technology tools, and the collection, storage, and transfer of information to the necessary sources in such processes are being automated. The use of their results is now entering every household. This is not for nothing, it also has historical and didactic foundations. We can cite the following material as proof of this opinion:
- Keywords:** information technology, digital technology, education, software.

Агарда жамият тараққиёти тарихига назар ташлайдиган бўлсак инсоният ўзининг ривожланиш тарихи мобайнида модда, қувват ва ахборотларни ўзлаштириб келади. Инсониятнинг ривожланишида

бутун-бутун босқичлар ушбу босқичларнинг энг илғор технологияси билан юритилиб келинмоқда. Жумладан, «Тош асри» – меҳнат қуроли ясаш учун тошларга ишлов бериш технологиялари асри, «Бронза

асри» – материалларга ишлов бериш ҳақидаги турли технологияларни барпо қилиш асри, «Китобни чоп этиш асри» – маълумотлар базасини ахборотга айлантириш асри, «Электр асри» – қувватнинг янги турлари ва энергияни бир турдан иккинчи турга айлантириш муаммоси ҳал бўлган аср, «XXI аср» – интеллектуал аср – ақл зақоват асри – ахборотлаштирилган жамият сари асри» шулар жумласидандир [7].

Шунингдек, инсониятнинг ахборот ишлаб чиқиши бўйича имкониятларини кучайтирувчи замонавий технологиялар

**Демак, инсон яшайдиган дунё турли моддий ва номоддий обьектлардан иборат бўлиб, улар ўртасидаги алоқа ва ўзаро таъсирлар негизида ахборотлар ўзлаштирилар экан. Бундай ахборотлар янги билимларга эга бўлган интеллектуал салоҳиятли авлодни тайёрлашга фундаментал-дидактик асос бўла олади.**

ахборотлашган жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ҳам белгилар экан ва бундай жараёнлар ахборотлаштириш саноатини мунтазам равишда ривожлантиришни таъминловчи илмий-техник асос ҳамдир. Бу қайд этилган фундаментал-дидактик ва илмий-техник асослар ахборот технологияларини илм-фандава таълим-тарбияда алоҳида йўналиш сифатида қарашга муҳим асос бўлади ва улар негизида жараёнлар кечишини ахборотлаштириш масалалари ҳам ҳал бўла бошлади. Булар эса ахборотлашган жамиятга кириб боришнинг ва унда фаолият кўрсатишининг кенг имкониятларини ҳам таъминлаб бера олди. Шу маънода қайд этиш мумкинки, жамиятни ахборотлаштириш инсон ҳаётининг барча жабҳаларида интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш турлари ва воситалари

билин боғлиқ динамик жараёндир. Ана шундай динамик тизимда ахборотларни узатиш ва қайта қабул қилишнинг рақамли технологиялари (ақлли техникалар ва ақллилаштирилган технологиялар – дастурлаштирилган технологиялар) фойдаланувчилар ўртасидаги интерфейсни ўрнатишга ҳам кенг имкониятлар яратади. Ёки бошқача айтганда рақамли технологиялар негизидаги ахборотлар алмашинувида масофа танланмайди, интеллектуалли интерфейсни сутканинг хоҳлаган пайти амалга ошириш мумкин бўлади, улар негизида истеъмолчилар нафақат бир-бирини кўриши ва эшитиши, балки бирга ёнма-ён, юзма-юз тургандек шароитлар ҳам таъминланади, шунингдек, ахборот алмашишнинг тезкор (оператив автоматлаштирилган) вариянтлари ҳам таъминланади.

Бу қайд этилган имкониятлардан ҳам кўриниб турибдики, замонавий технологиялар, хусусан, рақамли технологиялар бир жойда тўхтаб қолмайди. Улар мунтазам равишда такомиллашиб бориш орқали ахборотлашган жамиятнинг барча жабҳаларини қамраб ола бошлайди.

Бу борада шуни таъкидлаш керакки, рақамли технологиялар – бу алоҳида фолият тури эмас. Бу, аслида жамият ҳаётининг барча жабҳаларига тегишли бўлган ахборот алмашинув ва уларнинг қайта ишлаш хизматларини амалга оширишни оперативлаштириш (оптималлаштириш) дан иборатdir. Бундаги «Рақамли» атамаси бундай соҳаларнинг барчаси ахборот технологияларидан фойдаланишини англатади.

Умуманолганда, рақамлитехнологиялар олдиндан ҳам ишлатилиб келинган. Бу борада қайд этиш мумкинки, автоматик равишда ишлайдиган техникалар ва ақллилаштирилган технологияларнинг ишлаши учун маҳсус ишчи дастурлар ишлаб чиқилган, яъни улар фаолияти олдиндан дастурлаштирилади. Бундай дастурлар эса 2-8 лик саноқ системасидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилиб, унинг асосий элементлари иккита, яъни

0 (ноль) ва 1 (бир) рақамларидан иборат бўлади. Шу асосда рақамли технологиялар кишилик жамиятининг барча соҳаларига кириб борди ва бундай соҳалар ишларини енгиллаштириди, осонлаштириди, қулайлаштириди.

Ушбу соҳадаги изланишларимиз ва тажрибаларга асосланиб қайд этиш мумкини, рақамли технологиялардан амалиётда фойдаланиш қўйидагидек қатор афзаликларни таъминлай олади:

- муаммолар ечимларини тезкор ҳал қилиш имконини беради; рақамли технологиялардан амалий фаолиятда фойдаланишда масофа ва ҳудуднинг аҳамияти бўлмайди;
- рақамли технологиялардан фойдаланишда истеъмолчининг моддий маблағини ва вақтини тежайди; истеъмолчига ахборотнинг барча турларидан фойдаланиш имконини беради;
- истеъмолчига қарорлар қабул қилишнинг энг оптималь вариантиларини яратишга имконият яратади; вебинар технологиялар негизидаги тадбирларни амалга оширишни оптималлаштиришларга кенг имкониятлар яратилади;
- автоматлаштирилган тизимларга кириб бориш имкониятлари яратилади;
- ҳудудий жиҳатдан турли жойларда жойлашган рақамли таълим технологияларидан фойдаланишларга кенг имконият яратилади ва шу қабилар.

Шу сабабли ҳам ҳозир рақамли технологиялардан ҳаётимизнинг барча жабхаларида кенг фойдаланиш имкониятлари яратилиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда рақамли технологиялар ва уларнинг белгилари ҳамда қулайликлари, рақамлитехнологияларни ривожлантириш бизга нима беради, рақамли технологиялар мамлакатимизда қайдаражада олиб борилмоқда каби йўналишларда тадқиқот ишлари ҳам бошлаб юборилган.

Рақамли технологияларни ишлаб чиқиши ва жорий этиш бўйича ҳозир мамлакатимизда барча имкониятлар яратилган. Уларни қўйидаги йўналишларда ўргатиш мумкин:

рақамли технологияларни ишлаб чиқишига бўлган давлат талаблари; бунда асосан жамиятни рақамли технологиялар негизида ахборотлаштиришдек муҳим масала асосий кун тартибига қўйилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2293-сон қарори [1], 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони [2], 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон фармони [3], 2018 йил 3 июнданаги «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3832-сон қарори [4], 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони [5], 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон фармони [6] ва шу каби давлат ҳужжатларида ҳам рақамли технологияларни ишлаб чиқиш ва улардан амалиётда кенг фойдаланиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралган.

Ушбу ҳужжатларни ва бу борадаги тараққиёт даражаларига мос манбаларни ўрганиш асосида ишонч ҳосил қилдикки, «Рақамли» атамаси барча соҳаларда ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни англатар экан. Ана шунинг учун ҳам ҳозирда жамиятни ахборотлаштириш жадаллашиб бормоқда ва у жаҳон давлатлари интеллектуал

салоҳияти, инсонлар ҳаёти ва турмуши асосларини ўзгариши билан боғлиқ ҳолатларни (жараёнларни) ахборотлаштиришни бошидан кечирмоқда. Улар негизида эса «Сунъий тафаккур», «Сунъий ақл», когнитив интеллектуал тизимлар вужудга келмоқда.

**Рақамли технологияларни ишлаб чиқиш бўлган дидактик имкониятлар;**

Маълумки, ҳозир Ер шарининг кўпчилик ривожланган мамлакатлари жамиятни ахборотлаштириш муҳитида фаолият юритмоқда ва тараққиётнинг бардавомлигини таъминламоқда.

Шу сабабли ҳам ҳозир уларни яратишга кучли эътибор қаратилмоқда ва шу асосда «Сунъий онг», «Сунъий ақл», «Сунъий тафаккур», «Сунъий интеллект» каби атамалар жадал суръатларда истеъмолга кириб келмоқда, яъни бундай

**Бундай жараёнларда замонавий ахборот технологиялари, хусусан рақамли технологиялардан амалий фаолиятда фойдаланиш тараққиётда етакчилик вазифасини бажармоқда. Бундай ҳолатларни ҳозирда жаҳонда юз бераётган тўртинчи саноат инқилобидан ҳам яққол сезиш мумкин. Уларнинг дидактик асосларини ушбу жараёнлардаги «ақлли» техникалар ва «ақллилаштирилган» (дастурлаштирилган) технологиялар ташкил этади.**

атамаларнинг мазмун-моҳиятини англаб этиш ҳозирда мамлакатимиз аҳолиси учун ҳаётий эҳтиёжга айланмоқда. Бундай ҳолатларга бўлган талабларни қўйишда қўйидаги фикрни дидактик асос қилиб олса мақсадга мувофиқ бўлади: XXI аср

бошида рақамли технологиялар асосида фаолият юрита олмайдиган киши XX асрнинг бошидаги ёзиш ва ўқишини билмайдиган саводсиз одамга ўхшаб қолади, бу эса мамлакатимиз аҳолиси ахборот технологиялари воситалари билан бемалол «тиллаша» оладиган бўлиши керак деганидир. Бунга ҳозир имкониятлар етарли бўлиб, унинг дастлабки босқичларининг амалга ошаётганлигини оиласидаги мактабгача ёшдаги фарзандларимизнинг қўл телефонларида турли хил ўйинларни бемалол уddyалай олишларидан ҳам сезиш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозир аҳоли орасида рақамли билим ва кўникмаларни шакллантиришда турли хил жиҳатлар (омиллар) эътиборга олинмоқда. Улар қўйидаги кўринишларда учрайди:

- ахборотли саводхонлик – инсоннинг қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни топиш қобилияtlари негизида шаклланади;

- комп’ютерли саводхонлик – инсоннинг рақамли қурилмалар билан ишлаш қобилияtlари негизида шаклланади;

- медиа саводхонлик – инсоннинг оммавий ахборот воситаларини таҳлилий ўрганиши негизида шаклланади;

- коммуникатив саводхонлик – бу инсоннинг рақамли алоқа воситаларидан фойдаланиш қобилияtlари мажмуаси негизида шакллантирилади;

- технологик инновациялар – инсондаги янги технологияга ижобий муносабатлар мажмуасидан иборат бўлади ва шу кабилар.

Юқорида қайд этилган рақамли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга яратилган имкониятлар қаторидан ҳам кўриниб турибдики, уларнинг ҳар бири учун дастурний таъминот ва дидактик асослар керак.

Мамлакатимизда бу борада барча соҳаларга замонавий ахборот технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилган ва шу соҳадаги фаолият турлари янада ривожланиб такомиллашиб бормоқда. Бунга кўплаб мисоллар-

ни келтиришимиз мумкин:

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркида ахборот технологиялари, молия технологиялари, логистика, электрон тижорат, электрон таълим, биотехнология ва бошқа йўналишлардаги ишлар;

ижтимоий соҳа обьектларини юқори тезлиқда интернет билан таъминлаш ишлари;

Давлат хизматлари сифатини ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги, шаффофлигини таъминлаш мақсадида «Электрон ҳукумат» тизимининг жорий этилиши, барча давлат муассасаларини юқори тезлиқда маълумот узатиш тармоғига улаш, замонавий компьютер технологиялари билан таъминлаш ишлари;

турли интеллектуаллаштирилган тизимларни жорий этиш ишлари;

автоматлаштирилган ахборот тизимида амалиётда кенг фойдаланишга оид ишлар;

IT – парклар ишлари ва шу кабилар.

Келтирилган мисоллар рақамли технологииларни ишлаб чиқишига дидактик асослар бўлиб хизмат қила олади ва улар ҳам ўз навбатида янада интеллектуаллаштирилган ахборотли технологииларни ишлаб чиқишига муҳим дидактик асос бўлиб хизмат қиласди.

Ушбу соҳа ривожининг интеллектуаллигини ва оммавийлигини янада оширишда уларга мос дастурий таъминот керак бўлади.

Ушбу соҳадаги изланишларимизга асосланиб қайд этиш мумкинки, рақамли технологииларни ишлаб чиқишининг дастурий таъминотида қўйидаги таркибий қисмлар асосий эътиборда бўлиши керак: замонавий дастурлаш тиллари, файллар билан ишлаш, замонавий ахборот технологиялари тавсифи; шахснинг шаклланиши ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари; мультимедиа технологияси, тармоқ технологиялари, интернет технологияси ва унинг

хизматлари; масофавий таълим; педагогик дастурий воситаларнинг умумий тавсифи; дастурий воситаларнинг дидактик имкониятлари; эксперт-ўргатувчи тизимлар; автоматлаштирилган ўргатувчи тизимлар; педагогик дастурий воситалар яратиш тамойиллари; фойдаланувчилар (истеъмолчи, таълим оловчи ва ҳ.к.)нинг психо-физиологик хусусиятларини ва компютернинг техник имкониятларини ҳисобга олиш; педагогик ва психологик эрганомик, функционал тўлалик мотивацияни ва фаоллаштиришли таъминланганлик, қўллашдаги универсаллик ва тузилишдаги модуллик ва шу кабилар.

**Вебинар технологияларни амалга оширишга оид рақамли технологиилар имкониятлари**

Жамиятни ахборотлаштиришда рақамли технологиилардан фойдала-

**Тадқиқотимизнинг  
ушбу қисмида қайд этиш  
мумкинки, рақамли  
технологияларни ишлаб  
чиқишининг юқорида қайд  
этилган имкониятлари  
ва уларга мос дастурий  
таъминотлар органик  
бирлиқда (интегратив  
тарзда) қаралса, рақамли  
технологияларни ишлаб  
чиқишининг дастурий-  
дидактик таъминотини  
мустаҳкам таркиб топтиришга  
эришиш мумкин бўлади.**

ниш туфайли вебинар технологииларга оид тадбирларни амалга ошириш тобора кенг тус олмоқда ва улар амалиётда алоҳида тизим сифатида қаралмоқда. Улар сирасига телеанжуманлар (онлайн анжуманлар), телеконференциялар, видеоконференция ва саммитлар, видеоселектор кабилар киради. Улар негизида «ҳамма вақт ва ҳамма жойда» мулоқотли

интерфейсни амалга ошириш мумкин, яъни бу тизим негизида фойдаланувчилар (таълим олувчилар, тизим иштирокчилари ва истеъмолчилари) уйдан туриб ўз фаолиятини (таълим олишни, керакли ахборотларни қидиришни ва ҳ.к.) давом эттириши мумкин.

Ушбу соҳадаги ишларнинг яна бир аҳамиятли томони шундан иборатки, унда тизим истеъмолчиси (фойдаланувчи, иштирокчиси) бир вақтнинг ўзида ҳам матн, ҳам аудио тушунтириш, ҳам видеоролик, ҳам 3D-анимация бўлиши мумкин.

Вебинар технологияларга асосланган тадбирларни амалга оширишда рақамли технологиялар қўйидаги йўналишларда яна ҳам аҳамиятлироқ бўлади:

**Ҳозирда ушбу йўналишдаги ишлар турли тадбирларни, халқаро анжуманларни, хорижий ва мамлакатимиз миқёсидаги илмий-амалий ҳамда илмий-техник анжуманларни, онлайн конференция ва семинарларни ўtkазиш каби тадбирлар орқали амалга оширилмоқда.**

маълумотлар базаларининг моделини ишлаб чиқиш ва алгоритмлаш; маълумотлар базаларининг ташкилий-тузилмасини ишлаб чиқиш ва уларга иловалар тайёрлаш; маълумотлар базасининг хавфсизлигини таъминлаш; маълумотлар базасини визуаллаштириш; ижтимоий тармоқлар таҳлилини амалга ошириш; маълумотлар базаси асосидаги электрон ҳукуматни шакллантириш; маълумотлар базасидан саноатда фойдаланиш; маълумотлар базасидан бизнесда фойдаланиш, шунингдек, икки томонлама учрашувлар, етакчи хориж олимларининг маърузаларини ўтказиш ва шу кабилар.

Демак, вебинар технологиялар не-

гизида тадбирларни амалга оширишнинг оптималь вариантиларини яратища рақамли технологияларнинг ўрни ва роли бекиёс экан. Булар рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширилаётган жараёнлардаги обьект ва истеъмолчилар ўртасидаги ахборотлар алмашинувида оперативлик (тезкорлик), аниқлик, ишончлилик, шаффоффлик кабиларда яққол сезилади ва улар асосида қаралаётган жараёнлардаги маълумотларни йиғишиш ишларини бажаришни оптимальлаштиришга эришилади.

### Узлуксиз таълим тизимида рақамли технологияларни жорий этиш имкониятлари

Маълумки, таълим тизимини интеллектуаллаштириш ва технологиялаштириш орқали таълим жараёнларини мазмунли (маълум мақсадга қаратилган) ва қизиқарли қилиш ҳозир ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Улар негизида ҳар бир инсонга рақамли технологиялар билан ўз таълим йўналишини мақсадли олиб боришга кенг имкониятлар яратилмоқда ва энг асосийси бундай мулоқотли интеллектуал тизим очиқ тизим бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли ҳам кейинги пайларда рақамли технологиялар асосидаги дастурий педагогик воситаларни ишлаб чиқиб, улардан амалиётда кенг фойдаланишга оид педагогик инновациялар, хусусан инновацион дастурий-дидактик мажмуалар ишлаб чиқиш муаммолари тобора долзарблик касб этмоқда.

Рақамли технологиялар мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларига кириб келаётганлиги сабабли мактабгача таълим муассасаларида ҳам улардан фойдаланишга оид изланишлар натижалари пайдобўлмоқда. Улар компьютерли ўйинлар, компьютерли тренажёрлар кўринишида пайдо бўлиб, улардан асосий эътибор мультимедиа материалларидан фойдаланишга асосланган [8]. Худди шунингдек, бошланғич таълимда рақамли технологиялардан фойдаланишга оид изланишлар натижалари мавжуд. Уларда асосан бошланғич синф ўқувчиларини

информатика таълимига тайёрлашга оид ишлар кўплаб учрайди ва бошланғич синф ўқувчиларининг компьютер саводхонлигини шакллантиришга оид дидактик имкониятларни яратишга ҳаракатлар қилинаётганлигини кўриш мумкин. Бундай муаммолар ечимини излаб топишга ҳозирда ўрта умумтаълим мактабларида ҳам дидактик асослар яратилган. Жумладан, умумий ўрта таълим мактабарининг 5-, 6-, 7-, 8- синфлари ўқув режасида ҳафтасига бир соатдан информатика дарсларини олиб бориш режалаштирилган. Умумий Ўрта таълим мактабарининг 9-, 10-, 11- синфлар ўқув режасида эса информатика фани ҳафтасига икки соатдан режалаштирилган. Уларда ўқувчиларга, уларнинг тафаккур қамровига қараб дастлаб ҳисоблаш қурилмалари асослари ҳақида маълумотлар бериб борилса, 9-синфлардан бошлаб ўқувчилар дастурлаш асосларини эгаллашга йўналтирилади ва у 11-синфлардаги «Сунъий интеллект» ҳақидаги маълумотларни ўрганишгача давом эттирилади.

Рақамли технологиялар ўрта маҳсус таълимда ҳам, олий ўқув юртларида ҳам бирдек жорий этилмоқда.

Олий ўқув юртлари қандай мутахассислар тайёрлашидан қатъи назар, электрон рақамли ўқув дастурларидан, электрон дарсликлардан, ахборотлаштирилган ўқитиш тизимларидан, педагогик дастурий воситалардан, амалий дастурлар пакетидан, мулоқотли ишчи дастурлар мажмуаларидан, стандарт дастурлардан, эксперт-назорат қилувчи дастурлар ва тизимлардан, ўргатувчи дастурлардан, таълим берувчи, ахборот қидирув дастурлардан ва шу кабилардан кенг фойдаланишига киришилган. Булардан ташқари, олий ўқув юртларида ахборот коммуникация технологиялари, компьютерда моделлаштириш, таълимда рақамили технологиилар каби йўналишлардаги бўлажак мутахассисларга ахборотли таълим берилмоқда. Шунингдек, талабалар юқорида қайд этилган имкониятлардан фойдаланиш негизида ҳозир деярли ҳар

қандай маълумотларни олиш имкониятларига эга бўлмоқдалар.

Шунингдек, ушбу соҳадаги таълим жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланилганда таълим оловчилар дарс давомида ҳам, мустақил мутолаада ҳам, мустақил ишларни бажаришда ҳам, ўқув юртнинг интеллектуаллаштирилган (дастурлаштирилган) асбоб-ускуналари-

**Булар эса уларга мустақил равишда янги билимларни эгаллаш, онлайн тарзда ўқиш кабиларга кенг имкониятлар эшигини очади. Бу йўналишдаги фаолиятнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, бундай таълим олишга қулай вақт танлашга имконият берилади, ўқув режими ва у бўйича таълим олишни индивидуаллаштиришга шароит яратилади.**

дан ва компьютерли тренажёларидан фойдаланишнинг дастурий таъминотига эга бўла олади. Булар орқали таълим оловчилар таҳлилий фикр юритиш, креатив фикрлаш, катта ҳажмдаги ва кенг қамровдаги ахборотлар оқими билан ишлаш, замонавий ахборот воситалари билан ишлаш, интерфейсларнинг фаолият юритиш асосларини билиш кабилар бўйича малакаларга эга бўлиши мумкин бўлади. Энг асосийси бундай кўникмалар таълим оловчиларни тадқиқотлар ва ҳамкорликдаги лойиҳалаш доирасида мустақил ишлашга ўргатади ва бундай ҳолларда рақамли технологиялар таълим оловчиларга катта қулайликларни яратишга дидактик асос бўла олади.

Маълумки, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий формацияларда давлат иқтисодий қудрати ва унда яшовчи инсонлар турмуш тарзи ўша даврнинг интеллектуаллик даражасига боғлиқ бўлиб келган.

Бугун жамиятни ахборотлаштириш жараёни жамият тараққиётининг муҳим тармоқлари, инсонлар ҳаёти ва турмуш тарзи асослари ўзгариши билан боғлиқ

**Демак, қайд этиш мумкинки, рақамли технологиялар, хусусан, рақамли таълим платформалари билимлар сифатини (интеллектуаллик даражасини) оширади, таълим оловчиларнинг ўзлаштириш сифати ва самарадорлигини юксалтиради, профессор-ўқитувчиларнинг кундалик меҳнатини оптималлаштиради ва уларга асосланган ҳолда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли дарсликлар билан жиҳозланган, ва албатта, интеллектуал салоҳиятли профессор-ўқитувчилар билан таъминланган ижодий ахборотли муҳит шаклланади ҳамда улар асосидаги таълим қизиқарли ва самарали бўлади. Булар эса масофавий ва рақамли таълимнинг узлуксиз таълим тизимида жадал суръатларда кириб келишидан нишоналардир.**

жўшқин даврни бошдан кечирмоқда ва табиийки, булар барча илғор технологиилар ва компьютерларнинг интернет тармоғи орқали бир-бири билан боғлиқликда ишлиши негизида амалга оширилмоқда. Бундай асослар узлуксиз таълим тизимида бўлажак мутахассислар касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида таълим оловчиларда «Сунъий ақл», «Сунъий онг», «Сунъий тафаккур», «Сунъий интеллект» кабиларни шакллантиришга ва уларга мос интеллектуал тизимларни ишлаб чиқишига катта имкониятларни яратиши мумкин. Улар

келажакда мавжуд касбларни замонавийлаштириш (модернизациялашга) ёки замонавий касбларнинг пайдо бўлишига ҳам дидактик асос бўлиши мумкин.

Ушбу янгилаётган таълим тизимида «таълим берувчи» ва «таълим оловчичи»нинг бурчи ва вазифаси ўзгармайди. Фақатгина уларга қўйиладиган талаблар замонавийлаштирилади. Бунда таълим берувчиларга ўз мутахассислиги бўйича янги билимларни мунтазам равишда ўзлаштириб бориш, ўз таълим оловчиларини рақамли технологиялардан бемалол фойдалана олишга тайёрлаш, таълим оловчилар онгига «таълим оловчичи – дарслик – таълим берувчи» тизимида фаолият юритиш ҳақидаги тасаввурларни таркиб топтириш, таълим оловчиларга билим олиш йўлларини ўргатиш каби талаблар қўйилади. Шунингдек, ушбу жараён (тизим)да таълим оловчилар олдига қўйидаги талаблар қўйилади:

у мустақил таълим олишни амалга ошира олиш керак;

мустақил мутолаани амалга ошира олиши керак; билим олиш йўлларини мустақил излашга тайёр бўлиши керак;

креатив фикрлаш кўникмаларига эга бўлиши керак; уларда ўз эгалламоқчи бўлган мутахассисликка онгли муносабатда бўлиши ва унинг истиқболини тўлиқ англаб етмоғи лозим ва шу кабилар.

Бу тизимнинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири, ундан бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда фойдаланувчилар орасидаги масофа ва муҳитнинг аҳамияти бўлмай қолади, яъни ахборотлаштирилган таълим муҳитини яратишнинг фундаментал-дидактик асосларидан бирини яратиш имконини бера олади ва албатта буларга мос дастурий таъминот керак бўлади. Бунинг учун эса «gmail»дан электрон почта очиш ва унда «Googleclassrom» ва «Googledoc» ҳамда «Googledisk» дастурларидан фойдаланиш етарли. Уларнинг натижасида эса, яъни юқорида қайд этилган дастурлардан фойдаланиш неги-

**Бундай талаблар асосида олий таълим тизимида бўлажак мутахассисларни тайёрлаш дунёнинг етакчи университетларида бошлаб юборилган.**  
**Уларда "Googleclassrom"** платформасидан фойдаланган ҳолда бериладиган маълумотларни ўрганишнинг, ўзлаштиришнинг оптимал варианлари яратилмоқда.  
**Аслида кўпчилик таълим берувчи ва таълим оловчилар «Google» тизимидан, асосан, ахборот қидирув тизими сифатида фойдаланишади.**  
**Аммо, бу тизимнинг илм-фан ютуқларини ўзлаштириш ва таълим беришни такомиллаштириш борасидаги имкониятлари ҳали тўлалигича ўрганилмаган.**

зида бўлажак мутахассислар ўз олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилиши натижасини «E-portfolio» саҳифасида кўриши мумкин бўлади.

Булардан шундай хulosа чиқариш мумкинки, ҳозир рақамли технологиялар жадал суръатларда ривожланиб, такомиллашиб бораётган бир пайтда ҳар бир онгли бўлажак мутахассис ўзининг бўлажак касбий соҳасига оид фикрларини, қарашларини ва ушбу соҳада эришиш мумкин бўлган ютуқларини англашади.

Умуман олганда бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда рақамли технологиялардан мақсадли фойдаланиш орқали таълим оловчиларнинг ўқув-билиув фаолияти янада юксалади, уларнинг психик ривожланиши ва мустақиллигини таъминлашга эришилади, компьютер ва медиа саводхонлиги, ахборий маданиятлилиги, замонавий касбий фаолият ҳақидаги мустаҳкам тасаввурлари таркиб топади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш» вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-2293-сон Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017, 39 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3832-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси, 04.07.2018 й., 07/18/3832/1452-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги "«Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6079-сон фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
7. Тўрақулов Х.А. Илмий изходий методологияси. Монография. – Т.: Фан, 2006, 252 6.

# АВТОМАКТАБ ЎҚИТУВЧИ ВА ҲАЙДОВЧИ- ЙЎРИҚЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОСИ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРИЯТ СИФАТИДА

**Шарипова Дилара Джуманиязовна**

Тошкент давлат педагогика университети педагогика фанлари доктори, профессор

**Иброҳимов Иброҳим Баҳодирович**

Ички ишлар вазирлиги академияси Автомобил тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси

Аннотация:	Ушбу мақолада мамлакатимизда малакали ҳайдовчиларни тайёрлашга ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилаётган чора-тадбирлар, ҳайдовчиларга қўйиладиган талаблар, ўқитувчи ва ҳайдовчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш йўллари ва шароитлари ёритилган.
Калит сўзлар:	ҳайдовчи, автомактаб, ўқитувчи, янгича ёндашув, малака ошириш, йўл-транспорт ҳодисаси, янгича ёндашув, таълим муассасаларида тарғибот.
Аннотация:	В данной статье освещены меры, разработанные нашим правительством по подготовке квалифицированных водителей в нашей стране, требования к водителям, пути и условия развития профессиональной компетентности преподавателей и водителей.
Ключевые слова:	водитель, автошкола, преподаватель, новый подход, обучение дорожно-транспортному происшествию, новый подход, продвижение в учебных заведениях.
Annotation.	This article highlights the measures developed by our government to train qualified drivers in our country, requirements for drivers, ways and conditions for developing the professional competence of teachers and drivers.
Keywords:	driver, driving school, teacher, new approach, traffic accident training, new approach, advancement in training sessions.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда со-дир бўлган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ўзгаришлар таълим тизимга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Жамиятда со-дир бўлаётган ислоҳотлар таълим парадигмасининг ўзгаришига олиб келади, таълим муассасаларининг битурувчи кадрлари касбий фаолиятида ўзларининг шаклланиши, рақобатбардош бўлиши учун билим ва кўнилмалар эмас, балки фақат ўз иқтисодий саводхонликларини такомилластириш зарурдир. Олий таълим муассасалари тизимида Таълимнинг вазифаси шахсий маъноларни, қадриятларни ва уларнинг ри-

вожланиш мақсадларини олиш учун шароит яратишdir. Олий касбий таълим тизимида талабаларни ижтимоий эҳтиёжлар таълим парадигмасидаги ўзгаришларни таълимни инсонпарварластиришга, шахснинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришга, бозор муносабатлари иштирокчисининг иқтисодий компетенциясини ривожлантиришга йўналтиришни тақозо этади. Кўриниб турибдики, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ривожланшигининг ҳал қилувчи омили инсонга ҳаётда муваффақиятга эришиш ва юқори ижтимоий ва моддий мақомни амалга ошириш имкониятини берадиган тўпланган шахсий

салоҳиятдир.

Бугунги кунда профессионал таълим тизимининг олдига қўйилган асосий мақсад меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатида белгиланди. Бу эса ўз навбатида автомактаблардаги ўқитувчи ва ҳайдовчилар олдига алоҳида вазифаларни қўяди.

Профессионал таълим муассасаларида маҳсус фан ўқитувчиси ўқувчиларда билимни шакллантириш учун назарий фанларни ўқитса, автомактаблардаги ўқитувчи ва ҳайдовчиларга кўникма, малака ва бугунги кунда компетенцияларини шакллантириш вазифалари юқлатилмоқда. Шунинг учун бизнинг тадқиқотимизда автомактаблардаги ўқитувчи ва ҳайдовчиларнинг сифат таркибини таҳлил қилиб чиқилди.

Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришини тақозо этмоқда. Хўш, компетентлик нима? Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади? Педагог ўзида қандай компетентлик сифатларини ёрита олиши зарур. Айни ўринда шу ва шунга ёндош ғоялар юзасидан сўз юритилади.

Компетенциялар қандай кетма-кетлика бўлиши керак?

Маълумки, баъзи компетенциялар, бошқаларига нисбатан умумий ёки аҳамиятлироқ бўлади. Шунга кўра уларни учта дараҷага бўлиш мумкин:

1) Таянч компетенциялар таълим мазмунининг умумий (метапредмет) қисмига тегишли;

2) Умумпредмет компетенциялари маълум доирага кирувчи ўқув предметлари ва таълим соҳаларига тегишли;

3) Предметга оид компетенциялар олдинги иккита га нисбатан хусусий ҳисобланниб ўқув предмети доирасида шакллантирилади.

Таянч компетенциялар ҳар сафар таълимнинг маълум бир босқичи ва белгиланган ўқув предмети учун конкретлаштирилади. Масалан, предмет компетенцияси ҳисобланган тарих фани бўйича, ҳар қандай тарихий воқеада турли томонларнинг ман-

фаатлари курашини ажратиб олиш қобилияти ётади.

Келтирилган тўплам меъёрий ҳужжатлар, ўқув ва методик адабиётлар, шунингдек, ўқувчиларнинг умум тайёргарлигини ўлчаш, шу билан бирга, уларнинг креатив тайёргарлиги даражасини ўлчайдиган ҳужжатларни лойиҳалаш ва ёритиш учун характерловчи тўпламни белгилайди.

Дидактика ва методикаларда таянч, умумпредмет ва предмет компетенциялари мазмунини акс эттириш учун уларнинг маҳсус технология асосида конструкциясини тузиш керак.

Компетенцияларни шакллантиришни дарс жараёнига киритиш учун уларни фаолият шаклида бериш керак.

Бир қатор тадқиқотларда бевосита педагогга хос касбий компетентлик ва унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Бундай тадқиқотлар сирасига А.К.Маркова ва Б.Назаровалар томонидан олиб борилган изланишларни киритиш мумкин. Ўз тадқиқотларида А.К.Маркова педагогнинг касбий компетентлиги қуидаги таркибий асослардан иборат эканлиги айтилади.

Ўзбекистонда педагогнинг касбий компетентлиги, унинг ўзига хос жиҳатлари ўранилган бўлиб, улар орасида Б.Назарова томонидан олиб борилган тадқиқот ўзига хос аҳамият касб этади. Тадқиқотчининг фикрига кўра педагогга хос касбий компетентлик негизида қуидаги таркибий асослар ташкил этади.

Педагогларнинг ўз устиларида изчил, самарали ишлашларида фаолиятга лойиҳали ёндаша олишлари қўл келади. Уларнинг лойиҳали ёндашув асосида қуидаги моделни шакллантира олишлари мақсадга мувофиқдир. Моделда ўз устида ишлаш босқичлари ва ҳар бир босқичда амалга ошириладиган вазифалар қайд этилади. Ҳар бир босқич учун белгиланган вазифаларнинг самарали ҳал этилиши навбатдаги босқичга ўтиш имконини беради. Маълум босқич вазифалари ҳал этилгач, педагог бу ҳолатни алоҳида бандда қайд этади.

Педагогнинг касбий компетентликка эга бўлишида ўзини ўзи таҳлил қила олиши ҳам аҳамиятли саналади. Ўзини ўзи таҳлил қилиш педагог томонидан касбий фаоли-

ятда ташкил этаётган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганилишидир. Ўзини ўзи таҳлил қилиш орқали педагог ўзини ўзи объектив баҳолаш имкониятига эга бўлади. Зоро, педагогларнинг касбий компетентлик сифатларига эга бўлишида уларнинг ўз-ўзини баҳолаш малакаларига эгалиги ҳам муҳимдир. Ўзини ўзи баҳолаш (ЎУБ) – шахснинг ўз-ўзини таҳлил қилиши орқали ўзига баҳо беришидир. Ўзини ўзи баҳолаш субъект учун шахсий имкониятларини ҳисоб-китоб қилиш, ўзига объектив баҳо бериш, ўзидан қониқишни таъминлайди. Ўз-ўзини баҳолаш шахснинг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиши зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин шахсни бунга бевосита тайёрлаш мумкин. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби педагогнинг ҳам ўзини ўзи самарали баҳолай олишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Ўзини ўзи самарали баҳолаш омиллари:

1. Ўзини тушуниш (ўзи ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш).

2. Шахс сифатида ўз қадр-қимматини англаш (ўзи тўғрисидаги ижобий маълумотларни тўплаш).

3. Ўзини-ўзи назорат қилиш (ўзи тўғрисидаги шахсий фикрнинг атрофдагилар томонидан унга берилаётган баҳога мос келиши. Ўз-ўзини баҳолаш даражаси шахснинг ўз-ўзидан қониқиши ёки қониқмаслигини белгилаб беради.

Бунда ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичлари шахс имкониятларига мос келиши лозим. Ўзини ўзи ошириб ёки пасайтириб кўрсатиш ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичларининг нотўғри бўлишига олиб келади.

Э.М.Никитин «Модернизация системы повышения квалификации в целях обеспечения перспективных кадровых потребностей школы»» номли илмий тадқиқотида малака ва малака комбинациясининг касбий ўсиш динамикасига аниқлик киритади. Таълим соҳасида амалга оширилаётган миллый лойиҳалар ходимларнинг касбий компетентлиги ошишига хизмат қилишини» таҳлиллар кўра асослайди [7].

Шундай қилиб, компетенциянинг бошқа таркибий қисмлари сингари, иқтисодий компетенция ҳам маълум даражадаги билим ва кўникумаларни, тегишли фаолият

соҳасидаги муносабатларнинг маълум бир хусусиятини ва ушбу фаолият тажрибасини назарда тутади. Шунга кўра, биз иқтисодий компетенциянинг учта таркибий қисмини ажратамиз:

- когнитив;
- қиймат-мотивацион;
- фаолият.

ЎУБ = ютуқлар/ўзини юқори баҳолашга интилиш (ёки ЎУБ = Ю/ЎЮБИ)

Ўз-ўзини ривожлантириш шахснинг ўзида касбий тажриба, малака ва маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этишидир. Индивидуал ривожланиш дастури (ИРД) ҳар бир шахс ёки мутахассиснинг ўзида маълум сифат, БКМ, касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш эҳтиёжлари асосида ишлаб чиқилган шахсий-амалий характердаги дастуридир. Касбий фаолиятни ташкил этиш учун зарур бўлган БКМ ҳамда касбий компетентлик сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш муддатлари белгиланади. Ҳар қандай мутахассис каби педагог ҳам ўзи учун шахсий-амалий характерга эга “Индивидуал ривожланиш дастури”ни ишлаб чиқа олиши, у асосида педагогик фаолиятни йўлга қўйиши зарур. Педагогнинг индивидуал ривожланиш дастури-мутахассис сифатида педагогнинг индивидуал равишда ўзида у ёки бу касбий-педагогик сифат, билим, кўникума, малакалар, касбий компетентлик сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш эҳтиёжларига таянган ҳолда ишлаб чиқсан шахсий-амалий характердаги дастури ҳисобланади. [8].

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, Компетенциявий ёндашув автомактаб ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларининг стандарт ҳамда ностандарт вазиятларда тўғри ҳаракатланишини таъминлайди. Ҳайдовчи мутахассисларни тайёрлаш жараёнининг педагогик тавсифини яратиш имконини беради. Ушбу жараёнга комплекс ёндашиш учун қулай шароит яратади. Касбий компетенция деганда маълум бир қадриятлар, идеаллар ва касбий онгнинг ташувчи-си сифатида фаолият, алоқа ва шахсиятни

шакллантиришни аниқлайдиган зарур билим, кўнгиларга эгалик тушунилади. Биз касбий компетенцияни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқув жараёнида шакллантириш ва ривожлантиришни назарда тутдик. Ўқув жараёни таркибига қўйидагилар киради: ўқув жараёнида тўпланган ва аста-секин шахснинг юқори сифатли касбий тажрибасига айлантириладиган билим, кўнгима ва касбий фаолият тажрибаси; бўлажак офицернинг шахсиятини белгилаб берув-

чи мотивлар, қизиқишлар, эҳтиёжлар ва индивидуал қадриятлар; ҳарбий вазиятга мос келадиган қарорлар қабул қилишга имкон берадиган шахсий сифатлар тизимирид.

Автомактаб ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш жараёни самарадорлигини оширишни комплекс ёндашув, тизимли ёндашув ва изчилик принципларига мувофиқ тарзда ташкил этиш унинг сифатини ошириш шартларидан биридир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. "Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони. // <https://lex.uz/uz/docs/5749291>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 4 апрель кунидаги "Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-190-сонли қарори. // <https://lex.uz/docs/5937573>.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 июлдаги "Автомотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда уларни имтиҳондан ўtkазиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 393-сон қарори. // <https://lex.uz/uz/docs/6123254>.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги "Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 172-сон қарори. // <https://lex.uz/docs/5953883>.
6. Иброҳимов И.Б. Автомактабларда ҳайдовчи-йўриқчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш методикаси // Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 2(10 Special Issue), 189–193. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/EJLFAS/article/view/9331>
7. Автотранспорт воситаларидан чиқадиган заҳарли газлар инсон саломатлигига ва атроф-муҳидга таъсири./Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 2(12Special Issue), 60–65. извлечено от. <https://in-academy.uz/index.php/EJLFAS/article/view/9192>.
8. F.E.Kholdarov. Innovation in the system of special transport vehicles intellectual approach // International Scientific and Practical Conference: Academic research in educational sciences, Volume |TSTU Conference 1| Tashkent, 2022. P.124-129.

# МУНДАРИЖА

## ТАҲРИРИЯТ МИНБАРИ

Профессионал таълим муассасаларида кредит-модул тизимини жорий этишнинг ўзига хос хусусиятлари

2

З.Я.Худайбердиев

## ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Узлуксиз таълим тизимида касбга йўналтиришни амалга ошириш методикаси

7

Эргашев Шарифбой Туланович

Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлашда професионал таълимнинг бугунги кундаги роли

12

Юсупов Нодир Бахриддинович  
Основные аспекты развития дуального обучения в рамках формирования профессиональной компетентности будущих специалистов  
К.Т.Уматалиева

15

Давлат таълим стандарти ягона таълим макони ва сифатни таъминлашнинг асосий омили

19

Ш.А.Шарофаддинов

## КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Профессионал таълим тизимининг дуал таълим шаклида кадрлар тайёрлаш борасидаги ислоҳотлар  
Н.Э.Эргашев

25

Профессионал таълим тизимида рақамли таълим ресурсларининг ўрни

29

А.У.Абрайқулов, Т.Ф.Худайберганов

Профессионал таълим муассасаларида дуал таълим шаклини такомиллаштириш орқали иш берувчиларнинг талаби асосида ўрта бўғин кадрлар тайёрлашни кенгайтириш йўналишлари С.С.Тожиев

34

## КАСБИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА КОМПЕТЕНЦИЯ

Касбий мобиллик бўлажак професионал таълим ўқитувчи сифати психологияк-педагогик сифати

Турабов Анвар Мавланкулович

38

Касбий тайёргарлик жараёнида бўлажак професионал таълим ўқитувчиларида техник- технологик компетентлик шаклланганлиги ташхиси

У.М.Ярлакабов

46

Бўлажак муҳандисларни тайёрлашда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг методик тизими

Ўқтамов Давронжон Одилжон ўғли

52

## ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР

Олий таълим муассасалари педагогларининг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш механизmlарини такомиллаштириш

Лутфуллаев Шерзод Шухратиллаевич

59

Професионал таълим ўқувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини модулли таълим асосида шакллантириш

Миржалол Убайдуллаев

63

Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари

Салимов Есанжон Хусен ўғли

67

Автомактаб ўқитувчи ва ҳайдовчи- йўриқчиларининг касбий компетенцияларини комплекс ёндашув асосида ривожлантириш муаммоси ижтимоий-педагогик зарурият сифатида

Шарипова Дилара Джуманиязовна, Иброҳимов Иброҳим Баҳодирович

76